



Х. ШАМСИДИНОВ

**СЎЗЛАР ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК
СИНОНИМЛАРИНИНГ ШАКЛИЙ ВА
МАЪНОВИЙ ТАБИАТИ**

30,2
41
-21


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Х. Шамсидинов


СЎЗЛАР ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК
СИНОНИМЛАРИНИНГ ШАКЛИЙ ВА
МАЪНОВИЙ ТАБИАТИ

(Ўқув кўлланма)



Тошкент
«Университет»

2008



Кўлингиздаги ўқув қўлланма муаллифнинг илгари чоп этилган «Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари» номидаги ўқув қўлланмасининг бевосита давоми бўлиб, унда мазкур луғавий birlikларнинг шаклий ва маъновий табиати ҳақида баҳс юритилади.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлири филология факультетларининг талабалари, магистрантлари, аспирантлари ҳамда ўқитувчиларига, шунингдек, синонимия масалалари билан қизиққан тилшуносларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор
Р.Сайфуллаева

Такризчилар: Низомий номидаги Тошкент Давлат
Педагогика университети профессори
Ҳасанбой Жамолхонов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети доценти
Муҳаммаджон Қодиров

КИРИШ

Шакл ва мазмун нарса ва ҳодисанинг диалектик тарзда ўзаро боғлиқ тавсифларини, шунингдек, борлиқнинг икки томони – мазмун ва шаклнинг мавжуд бўлиш ва ифодаланиш усули ўртасидаги алоқани ақс эттиради. Бундай алоқа предмет ва ҳодисаларда ҳам, ижтимоий ҳодисаларда ҳам мавжуд. Демак, уларнинг диалектик бирликда мавжудлигини ижтимоий ҳодиса ҳисобланган тил бирликларида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, лексик бирликларда ўзаро парадикматик алоқанинг бир кўриниши бўлган функционал-семантик синонимлар мазкур категорияларнинг диалектик призмаси асосида кўриб чиқилиши мумкин.

Билатераль бирлик ҳисобланган сўз монологатераль бирлик саналувчи фонемалар комплексидан иборат шаклидир. Бу сўзнинг бизни табиий борлиқнинг ҳамда инсоннинг ўз турмуш тарзини осонлаштириш ва қулайлаштириш учун яратган сунъий борлиқнинг предмет-ҳодисалари билан боғланиши, яъни тушунча ифодаланиши унинг мазмунини ташкил этади. Лексик бирлик бўлган сўзда мазмундан кўра маъно орқали иш кўриш қулай, шунинг учун биз ўз ишимизнинг мавзусини «Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати» тарзида номладик. Куйида мазкур бирликларнинг шаклий ва маъновий муносабатлари юзасидан олиб борган кузатишларимиз баён қилинади.

§ 1. Сўз кўринишидаги функционал-семантик синонимлар

Сўзларнинг сўз функционал-семантик синонимлари ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, шаклан сўз бўлади. Сўзларнинг функционал-семантик синонимлари ҳақида сўз юритилар экан, улар қайси белги-хусусиятлари билан лексик синонимлардан фарқ қилади? Функционал-семантик жиҳатлари нимада? Нега шу пайтгача функционал-семантик синонимлар сифатида улар қайд қилинмади? Бу саволларга жавоб топиш ва асослаш зарурлиги жиҳатидан бошқа кўринишдаги функционал-семантик синоним-

лардан фарқ қилади. Бу - биринчи мураккаб жиҳати. Иккинчи мураккаб жиҳати шундаки, функционал-семантик синонимлар қаторига қўшилиши зарур бўлган сўзлар ҳозирга қадар лексик-семантик бирлик сифатида қаралиб, лексик синонимлар таркибига киритилиб келинмоқда. Ваҳоланки, функционал-семантик синонимлар лексик-семантик синонимлардан алоҳида жиҳатлари билан ажралиб туради. Биз куйида худди шу жиҳатлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, синонимларда уларни бирлаштириб турадиган бир хил маъно бўлиши билан бирга, ўзаро фарқлаб турадиган белгилар ҳам мавжуд. Адабиётларда сўзларнинг ўзаро синонимлигини белгилашга қўйиладиган талаблар ҳақида шундай фикрлар мавжуд: “Бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро синонимлиги уларнинг бир хил маънога эгаллигига асосланар экан, табиий равишда, **фақат бир туркумга оид сўзларгина** ўзаро синонимик муносабатда бўла олади (35:116).” “Икки ёки ундан ортиқ сўзни ўзаро синоним қиладиган нарса бу сўзлар семантик структурасидаги асосий қисмининг, яъни лексик маънонинг бир хиллиги, лексик маънони юзага келтирадиган компонентларнинг (семаларнинг) бир хил бўлишидир” (25:237). Яна: “Икки ёки ундан ортиқ сўзнинг синонимлигини белгилашда лексик маъно билан **сўзнинг контекстда реаллашадиган маъносини фарқлаш керак** бўлади. Синонимлик лексик маънонинг бир хиллигига кўра бўлади. Лексик маъно билан **контекстда реаллашадиган маъно асосида синонимлик ҳосил бўлмайди**» (25:239). «...Синонимлик лексик маънонинг бир хиллигига кўра бўлар экан, ўз-ўзидан, **синонимлар бир туркумга оид сўзлар бўлади**. Шунга кўра, маълум контекстда **бир туркумга оид сўз бошқа бир туркумга оид сўзга хос маънода қўлланса-да, лекин улар синоним бўла олмайди**» (31: 18). (Барча таъкидлар бизники - Ҳ.Ш.).

Энди, ана шу талаблар нуқтаи назарига кўра, синонимлар луғатидаги биргина синонимик қаторга диққат қилайлик: **Айёр, муғомбир, хийлагар, қув, устомон, маккор, доғули, мўлтони,**

Қавс ичидаги 1-рақам адабиётлар рўйхатидаги тартибни, икки нуктадан кейинги рақам эса адабиётнинг саҳифасини акс эттиради.

килвир(и), шайтон, тулки, туллак, қиррик, хирпа, мастон. Ўйтибор берилса, ушбу қаторда келтирилган сўзлар орасида **мўлтони, шайтон, тулки, туллак, мастон** сўзлари синонимик қаторда маълум жиҳатдан мос келмаётгандек кўринади. Аслида ҳам шундай. Чунки улардаги **айёр** семаси кейинги, функционал маънонинг таъсирида юзага келган. Қолган сўзлар эса ўзининг асосий маънолари билан синонимик муносабат ташкил этмоқда. Лекин улар орасида **хирпа** сўзи ҳам кўчма маъноси орқали синонимик муносабат ташкил этипти, шундай бўлса ҳам, бу сўз, бизнингча, лексик синонимлар қаторида туриши керак, чунки унинг биринчи маъноси деярли унутилган.

Бизнинг назаримизда, **шайтон, тулки, туллак, мастон** сўзлари лексик синонимлар қаторидан чиқарилиши лозим. Бунга нималар асос бўлиши мумкин? Аввало, **шайтон, тулки** сўзлари от туркумига мансуб, **айёр** эса сифат туркумига мансуб. Иккинчидан, бу сўзларнинг **айёр** сўзи билан синонимик муносабат ташкил этиши учун энг кичик - минимал контекст зарур. Учинчидан, **айёр** маъноси мазкур сўзларнинг ўз маъноси эмас, балки функционал - кейинги маъносидир. **Туллак, мастон** сўзлари ўз маъноси билан сифат туркумига мансуб бўлсалар ҳам, уларнинг ҳам **айёр** сўзига синоним бўлиши функционал маъно оқибатидир. Демак, санаб ўтилган сўзларнинг **айёр** сўзи билан синонимик муносабат ташкил этаётган маънолари уларнинг лексик маъноси эмас, балки функционал маъноси сифатида қайд этилиши лозим.

Бу маънонинг функционал маъно сифатида ажратилишини номлаш назарияси нуқтаи назаридан таҳлил қилиб кўрайлик. **Тулки** сўзи изоҳли лугатда шундай изоҳланган: “1. Итлар туркумига мансуб, тумшуғи узун, думи майин узун жунли йиртқич сут эмизувчи хайвон. 2. кўчма ўтакетган айёр, маккор одам ҳақида”. Дикқат қилинса, сўзнинг асосий маъноси изоҳида мазкур хайвоннинг айёрлиги ҳақида ишора ҳам йўқ. **Шайтон** сўзининг асосий маъносида унинг айёрлигига ишора берувчи маълум тушунча мавжуд: ”1 дин. Одамларни дин йўлидан оздирувчи, жинойтга, разолатга бошловчи афсонавий махлук; иблис. 2. кўчма Айёр, қув одам; алдамчи. 3. кўчма Шўх, ўйноқи (асосан болалар ҳақида)”. Нима учун **шайтон** сўзининг асосий

маъноси изоҳида айёрликка ишора берувчи маъно мавжуд? Чунки бу махлуқни инсон ўз кўзи билан кўрган эмас, уни ўз тасаввурарида яратган. Шунинг учун ҳам унинг кўчма маъносига яқинлиги бор. Кўринадики, сўзнинг кўчма маъноси сўз англатган нарса ва ҳодисанинг белги-хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларнинг бошқа нарса ва ҳодисаларнинг белги-хусусиятларидаги ўхшаш белгилар билан уйғунлашуви ёки ҳозирга тегишли тасаввурлар таъсирида ўтмишга тегишли, яъни хотира тасаввурларининг жонланиши орқали пайдо бўлади. **Туллак** сўзида эса бундан бир бошқача жиҳат кўзга ташланади. Изоҳли луғат бу сўзни шундай изоҳлайди: “1. Бултурги, қари (икки, уч йиллик) туллаган бедана. 2. кўчма Айёр, маккор, фирибгар одам ҳақида”. Одатда, беданавозлар беданани жўжа холида уриштирмайдилар, урушқоқлиги сезилган беданани парваришлаб, туллагандан кейин уриштирадилар. Икки ва уч йиллик бедана уриштиришларда чиниқади, тажриба орттиради - ҳақиқий туллак бўлади. **Туллак** сўзида функционал маъно - **айёр** шу тасаввурлар таъсирида пайдо бўлган. Мазкур сўзнинг ўз маъноси инсоннинг жонли табиатдан узоқлашуви таъсирида унутилиш ҳолатида турибди. Бу ҳол **туллак** сўзининг **айёр** маъноси асосий маъно қаторига ўтаётганини кўрсатади.

Бу нарса шуни кўрсатадики, функционал маънони белгилашда нарса, ҳодиса, белги, ҳолат, ҳаракатга ном берилишида маълум бир денотатнинг номи бўлган сўзнинг ўз номига эга бўлмаган янги бир денотатага ном бериш учун жалб қилиниши билан ўз номига эга бўлган денотатни ифода мақсадига кўра қайта номланишини фарқлаш зарур. Ўз номига эга бўлмаган денотатни номлашга хизмат қилишидан англашилган маъно лексик маъно сифатида тушунилиши лозим. Ўз номига эга денотатни ифода мақсадига кўра қайта номлашдан юзага келган маъно функционал маъно сифатида тан олиниши керак. Айни шу маъно билан бошқа бир сўзга синонимик муносабатнинг пайдо бўлиши эса функционал-семантик синонимия сифатида баҳоланиб, функционал маъно билан сўзнинг синонимлиги, ўз навбатида, функционал-семантик синоним ҳисобланиши лозим. Демак, **шайтон, тулки, туллак, мастон** сўзлари **айёр** сўзининг лексик-

семантик синонимлари эмас, балки функционал-семантик синонимларидир.

Шу нуктаи назардан қараладиган бўлса, нолисоний ном кўчиши ходисаси саналган метафора, метонимия, синекдоха ҳамда лисоний ходиса хисобланган эллипсис таъсирида юзага келган номланишлар махсули бўлган маънолар ҳам сўзларнинг лексик-семантик маъноси эмас, функционал-семантик маънолари сифатида кўрилиши керак.

Сўзларнинг сўз функционал-семантик синонимларининг салмокли қисми метафорик кўчиш асосида амалга ошади. Кўпинча, луғатларда берилган сўз изоҳидан сўзнинг кўчма маъносига йўналиш берувчи жиҳатни белгилаб бўлмайди. Ном кўчишига йўналиш берувчи жиҳат сўз англатган денотатнинг турли белги-хусусиятларининг инсон тасаввурида, хотирасида мавжуд у ёки бу белгининг ижобий ёки салбий баҳоси билан инсон онгида барқарорлашганлиги билан боғлиқ бўлади. Ном кўчаётганда, ана шу тасаввурлар фаоллашади, натижада денотатнинг муҳим бўлган жиҳатлари билан боғлиқ тасаввурлар нейтраллашади ёки иккинчи планга ўтади. **Эшак** сўзининг **аҳмоқ**, **қайсар** маъноларида қўлланишида шу ҳолатни кузатиш мумкин. Аслида, эшак итоаткор, ювош махлуклиги билан ижобий баҳоланиши ҳам мумкин. Лекин бу жиҳатлар бундай қўлланишда ўз қимматини йўқотади. Шу билан бирга, ижтимоий онда мавжуд унинг ҳайвонлиги билан боғлиқ тасаввур бутунлай аҳамиятини йўқотмайди. Айни шу бутунлай аҳамиятини йўқотмаган тасаввур инсон билан зиддият вужудга келтириб, метафоранинг таъсирчанлигини, эмоционал-экспрессивлигини белгилайди.

Лекин бундай самара барча метафораларда ҳам бирдай кечмайди. Масалан, **жўжа** сўзининг метафорик қўлланишида бирмунча бошқа ҳолат кузатилади. Бунда инсоннинг ўз боласини **жўжа** орқали аташига йўналиш берувчи жиҳатлар мавжуд. Маълумки, барча жонли мавжудотлар насл учун қайғуради. Товуқ эса ўз феъл-атвори билан инсонга энг таниш паррандалардан. Унинг **жўжаларга** бўлган жонбозлиги, меҳрибонлиги, **жўжаларнинг** эса онасига боғланиб қолганлиги мазкур сўзнинг бола ўрнида қўлланилишига имконият яратган.

Бу ҳолатда **жўжа** сўзи билан боғлиқ парранда тасаввури умуман нейтраллашиб кетади. Жўжаларнинг ҳимоясиз жонзот эканлиги фаоллашади. **Жўжа** сўзининг ўзида **товуқнинг** боласи семаси мавжуд. **Бола** сўзига унинг синоним сифатида қўлланишига йўналиш берган сема ҳам шу. **Жўжа** сўзининг **фарзанд** сўзига функционал-семантик синоним бўлмаслигининг ўз сабаби бор. **фарзанд** ёш жиҳатдан чегараланмаган. Боланинг маъноси гўдаклик билан боғлиқ. Мисоллар: Ёмон оғрияпти, болам. Шу бир бало бўлиб, ўлиб-нетиб қолмайда. Хотин у ёқда касал, **жўжаларнинг** холи нима кечади? (С.Аҳмад. Ҳукм) Нечтадан ёш **жўжаларимиз** бор... Биз ўзимиз оч-ялонғоч ўта берамиз: ёш бола уни билмайди: “нон” дейди, “ош” дейди... (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

Томоқ сўзи **овқат**, **таом**, **озик**, **хўрак**, **емиш**, **неъмат** сўзлари қаторидан чиқарилиши лозим. **Томоқ** сўзидан ташқари қолган барча сўзларда егулик маъноси мавжуд. Улар орасида **томоқ** сўзи ўзининг лексик маъносини эслатиб, бегонадай кўзга ташланиб туради.

Мазкур сўзда **таом** маъносининг юзага келишини кузатайлик. Изоҳли луғат бу сўзнинг маъноларини шундай изоҳлайди: 1. Бўйиннинг энгак ёки тумшук ости қисми. 2. анат. Қизилўнғач билан кекирдак бошланадиган ер; бўғиз. 3. кўчма. Таом, овқат. Изоҳли луғатдаги 1- ва 2- маънолар ҳам **томоқ** сўзи англаган денотатнинг вазифасини изоҳлаган эмас, яъни овқатнинг организмга ўтиш жойининг бошланиши эканлиги аён эмас. Демак, **томоқнинг** овқат ўтиш жойи эканлиги ҳақидаги тасаввур билан алоқада **овқат** маъносида қўлланилиши функционал маъно сифатида баҳоланиши лозим. Мисол: Ишга кетаётганда кампир эртароқ қайт, сангиб юрма, **томоғинг** совиб қолади, деб таъкидлади (С.Аҳмад. Онажонлар).

Қиёмат сўзининг **ажойиб** маъноси ҳам функционал маънодир. Чунки “бу дунё тугагач, у дунёда ҳамма тирилиб, сўроққа тўпланиши”нинг ўзи бир мўъжиза ва аjoyиб. Айни шу тасаввурлар мазкур сўзда **ажойиб** маъносини юзага келтирган. Мисоллар: Овозига нима дейсиз, чинакам қиёмат-а? (Чўлпон, Кеча ва кундуз). Шундай қилиб, бу **қиёмат** йиғин кеча ярим бўлганда гув-гув билан тарқалди (Чўлпон, Кеча ва кундуз).

Сўзларнинг сўз функционал-семантик синонимлари синекдоха асосида юзага келади (10:110;114). Том сўзининг **уй** маъносида, **тўёқнинг сигир**, **кўй-эчки** маъносида, **остона** сўзининг **эшик** маъносида қўлланиши бунга мисол бўлади: Ғайбулла билан Умматали ҳам ёнма-ён **том** солиб, кўчиб тушдилар (С.Сиеев, Мажнунтолнинг новдаси). Ота-буваларимиз **тўёқ** асраганнинг оғзи мой бўлади, деб бежиз айтишмаган экан-да (Ишонч, 94, 16 апрель). У мени **остонагача** кузатиб кўяр экан, самимий эски кадрдонлардек хайрлашди (Туркистон. 92, 12 февраль).

Нарса-курол номининг шахсга хос белги ва лавозим маъноларида қўлланиши таъсирида ҳам метонимия ходисаси орқали сўзларнинг функционал-семантик синонимлари юзага келади: У (Ҳ.Шамс) адабий жанрларнинг деярли барчасида ўз **қаламини** синаб кўрди. (Туркистон, 93, 23 октябрь). Ҳаётда ҳар бир инсоннинг ўз жойи, макони бўлганидек, ижодда ҳам ҳар бир шоирнинг ўз ўрни, овози, ўз **қалами** бор (Адабиёт ва санъат, 93, 29 октябрь). Шу вақт мобайнида 9 та раҳбар келиб кетибди-ю, бош ҳисобчи ўз **курсисида** қолаверибди (Ўзбекистон овози, 94, 21 апрель). Аммо лаганбардорлик пошшоликка ҳам ёқар экан: ҳалиги кишининг Тошкентдаги **стули** қимирлаб қолгач, Горбачев дарҳол Москвага олиб кетди-ю, тинчроқ **стулга** ўтиргизиб қўйди... (Халқ сўзи, 92, 11 февраль). Биринчи ва иккинчи мисолдаги **қалам талант**, **иктидор** маъносида, учинчи ва тўртинчи мисоллардаги **курси**, **стул** сўзлари лавозим, мансаб маъносида қўлланган.

Хамиртуруш сўзининг **сабаб**, **баҳона** сўзларига, сўз сўзининг **ваъда** сўзига синоним бўлиши ҳам метонимияга асосланган: Ўртадаги бир бутилка спиртли ичимлик ҳам жанжалнинг **хамиртуриши** бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас (Оила ва жамият, 96, 26 июнь). Худди нашавандларга ўхшаб қолди, кунора биров билан уришмаса, хузур қилиб ухлай олмасди. Шу боис уришга **хамиртуруш**.излар, эрини, кўпроқ кўшниларни ўринсиз қарғарди (Ўзбекистон овози, 93, 7 апрель). Мен бухоролик ямоқчининг ўғли Саид ботир бўламан. Отангга **сўз** бериб, сени излаб чиққанман (“Саид ботир” эртагидан).

Сўзларнинг сўз функционал-семантик синонимлари эллипсис таъсирида пайдо бўлади. Бунга **ўтганлар**, **дийдиё** сўзларининг

мархумлар ва **ҳасрат** сўзларига функционал-семантик синоним бўлишини келтириш мумкин: Не бўлса бўлди. **Ўтганлар** ўти кетди. (С.Ахмад, Чевара). Албатта, булар амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг дебочаси, холос. Зеро, **ўтганларни** эслаш, хотирасини эъзозлаш тириклар учун қарздор (Спорт, 1991, 5-11 август). Мазкур функционал-семантик синоним аслида **дунёдан ўтганлар** ҳолатида бўлган. **Дийдиё** сўзининг **ҳасрат** маъносида қўлланилишида бошқача бир ҳолат кўзга ташланади. Одатда, бировга биров юзасидан **шикоят**, **ҳасрат** қилган киши ўшунда нутқида “ундай дейди, бундай дейди” каби жумлаларни қўйиб ишлатади. Унда кўчирма гап хоҳлаган мазмунда бўлиши мумкин. Бу ўринда фақат автор гапига сақланиб қолган. Масалан, Чоғроқ анжуманда сўлоқмондай бир киши **дийдиёсини** бошлаб.. (Адабиёт ва санъат, 94, 15 апрель).

Сўз функционал-семантик синонимларнинг бир қисми **эвфемизм** ва **табу** таъсирида юзага келади. Бунга **ёстиқдош** сўзининг эр ва **хотин** маъносида, **хўжайин** сўзининг эр маъносида қўлланилишини мисол келтириш мумкин. **Ёстиқдошингиз** арзимаган нарса учун ўшқириб беҳурмат қилса ёки фарзандларингиз олдида туртиб юборса ҳам кўнглингизга олмайсиз (Туркистон, 93, 16 февраль). Табиатан хушчақчақман. Гоҳо хушчақчақлигим меъёридан ошиб кетаверса, **хўжайиним** “Ўзингни жиддий олиб юргин!” деб танбех ҳам берадилар (Оила ва жамият, 94, 14-сон).

Бундай қўлланишларнинг ўз асоси бор. Урф-одатларимизга кўра эр ёки хотин ўз ёстиқдошининг исмини айтиб, мурожаат қилиши мумкин эмас. Бунинг натижасида оилаларда эр ва хотин бир-бирини хоҳ қиз бўлсин, хоҳ ўғил бўлсин тўнғич фарзандининг оти билан мурожаат қилишлари зарур бўлган. Кейинги йилларда мазкур удумнинг сусайгани маълум. Лекин кўп оилаларда ҳозир ҳам бундай вазифани **адаси**, **онаси** сўзлари зиммасига юкланганлигини кўрамыз. Никоҳдаги кишиларнинг ўзаро исмини айтиб қақиритиши, мурожаат қилиши уларнинг бир-биридан бегоналашуви деб қаралган.

Сўз функционал-семантик синонимлар ўхшатишлар орқали ҳам юзага келади. Қуйида биз уларнинг бир нечаси ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Чўгдек ўхшатиши **чиройли**, **гўзал** сўзларига функционал-семантик синоним бўлади: У бир вақтлар кўзларида ўт чакнаган. Дашнобод йигитларининг кўзини ўйнатган **чўгдек** киз эди. (С. Аҳмад. Уйлар). Бу сўзнинг функционал-семантик синоним бўлишига йўналиш берган жиҳатлари бор: чўгнинг ярақлаб кўзга ташланиши, харорат ва иссиқлик манбаи эканлигидир. Қадимда кишилар чўғни олов ёқиш воситаси сифатида кундан кунга дораганлар, у кишиларнинг тириклик учун курашида муҳим аҳамият касб этган. **Истараси иссиқ** ибораси ҳам маълум маънода **чўғ** билан муқояса қилиниши мумкин. **Сувдай** функционал-семантик синоними ўрни билан **равон** ва **яхши**, ўрни билан **жуда** сўзлари ўрнида қўлланиши мумкин: Мен оми бўлсам, саводим бўлмаса, оқ-қорани танимасам, у киши мулла бўлса, забардаст бўлса, худонинг буйруғини тушунса, шариатни, тариқатни **сувдай** билса... нима дейман (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Мулла Ривожиддин ўзи ажиб бир хуштахрир одам! Ёзишини кўринг: **сувдай** равон! Ҳамма уқади, ҳамма англайди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Мазкур функционал-семантик синоним бирор тилни билиш даражасини ифодалаш учун ҳам қўлланади: У русчани **сувдай** билади.

Пахтадек ўхшатиши пахтанинг доимий белгиси **оппоқ** сифатига синоним бўлиб, кишининг ташқи таъсирга нисбатан рухий ҳолатида юз берадиган баъзи ўзгаришларни, яъни физик-биологик ҳолатларни характерлашга хосланганини кўрамыз: Зеби кўзларини мўлтиратиб, қўли кўксига бедармон ётарди... Ранги **пахтадек** оқарган, қовоқлари буришта учиб турарди (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

Ойдек ўхшатишининг **чиройли**, **гўзал** сўзларига функционал-семантик синоним бўлиши классик адабиётда, халқ оғзаки ижодида, ҳатто, сўзлашув нутқида ҳам ўз анъанавийлигига эга: Жамолнинг васфини, эй **ой**, неча элдин эшитгаймен (Бобур). Ҳо, - деди гал котган қиз, - яхшилаб қаранг, пардоз қилсам, **ойдек** келин бўламан (С. Аҳмад. Онажонлар). Ўтган қуни Малика момо: “Ҳой, Салима, узоқнинг куйруғидан яқиннинг ўпкаси яхши. Тагин бегона жойлардан қиз ахтариб юрма. Қишлоғимизда ҳам **ойдай** қизлар бор”, - деса бўладими (Оила ва жамият, 6-сон).

Эрининг бедаволигини қаранг, ўзи **ойдеккина** экан, дарди борга ўхшайди (С. Аҳмад. Ялпиз ҳиди).

Сўзларни ўз маъносига бутунлай қарама-қарши маънода қўллаш орқали ҳам сўзларнинг сўз функционал-семантик синонимлари юзага келади. Бунга **бало** ва **қиёмат** сўзларининг **ажойиб** маъносида қўлланилишини мисол келтириш мумкин. Топибсиз-а!.. Эсингизга қойилман! У қизнинг таърифини мен ҳам эшитдим. **Бало** эмиш (Чўлпон. Кеча ва кундуз). **Қиёмат** сўзини юқорида кўрдик.

Аслида ҳар қандай сўзни ҳам тескари маънода қўллаш мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам **бало**, **қиёмат** сўзларининг функционал маъноси каби халқ лексиконида ўрнашиб, унинг янги маъноси мунтазамлашавермайди: Бизнинг кизимиз Иноғомова Дилфуза ҳали 23 ёшга етмай, айрим шифокорларнинг “хафсаласи”, “билимдонлиги” орқасида ҳалок бўлди. Бир ярим ёшга етмаган ўғли зор қақшаб қолди (Халқ сўзи, 91, 15 октябрь).

Сўз функционал-семантик синонимларнинг юзага келиши диний тушунчалар таъсирида ҳам пайдо бўлади. Масалан, инсон дунёга келиши биланок, унинг ҳаёти давомида рўй берадиган барча воқеа-ҳодисалар ҳамда кўргиликлари пешонасига ёзилган бўлади деган тушунча мавжуд. Худди шу тушунча асосида **тақдир**, **қисмат** сўзларининг **пешона**, **ёзмиш** функционал-семантик синонимлари юзага келган, яъни тақдирнинг ёзиб қўйилиши асосида **ёзмиш**, ёзилиш ўрни асосида **пешона** сўзларининг функционал-семантик бирлик сифатидаги маъноси барқарорлашган. Мисоллар: Ўз **ёзмишини** бегона осиеликнинг қўлига топшириб қўйган... мовий кўзли гўзал юмшоқ ўринда силкина-силкина ухламоқда эди (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Шунча йиллик азобларни ичига ютиб келган Исломо ака... ҳаммасига қўл силтади. Энди не бўлса, **пешонамдан** кўраман, деди (Туркистон, 93, 17 апрель). Бўлар иш бўлибди, менинг шўр **пешонам** экан, Майли! (Чўлпон, Кеча ва кундуз). **Пешона** сўзининг **бахт** маъносида қўлланиши ҳам мавжуд: Уйқуни озгина ҳаром қилсангиз, ишларингиз олдинга юришади. Тонг палласи ернинг юзини очган одамнинг **пешонасини** худо очади (Халқ сўзи, 92,

29 август). Бу қўлланиш ҳам тақдирнинг пешонага ёзилиши билан алоқадор. Тақдирда **бахт** ҳам ёзилиши мумкин.

Ҳар бир тилда шундай сўзлар борки, уларнинг функционал маънода қўлланилиши анъанавий тус олган бўлади. Уларнинг бундай хусусият касб этиши улар ифодалаган денотатнинг халқ оғзаки ижодида, мумтоз адабиётда тимсол даражасига кўтарилганлиги билан боғлиқ. Шундай сўзлардан бири **ой** сўзи бўлиб, **гўзал** маъносида қўлланади. Мисоллар: Ҳар кимники ўзига, **ой** кўринар кўзига (Мақол). Эртақларда **ой юзли** сифатлашлари кенг қўлланади. **Эр** сўзининг **мард** маъносида қўлланиши ҳам тимсолийлик билан алоқадор: **Эр** йигит - эл гамида; Яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир, ёмонликка яхшилик **эр** кишининг ишидир (Мақоллар).

Бор сўзининг ўзида потенциал тарзда, яъни тасаввурда нарса маъноси мавжуд, унинг антоними **йўқ** сўзида ҳам. Шу сабабли бу сўзлар бир-бирига антоним ҳолда бири - **бой**, бири - **камбағал** маъноси билан функционал-семантик синоним бўлади: **Бор** бўлсанг, кўролмайдди, **йўқ** бўлсанг, беролмайдди (Мақол). **Бор** етти пуштини қўллар (Мақол). **Борнинг** гапи - ўнг, **йўқнинг** гапи - тўнг (Мақол). Ҳатто, бу сўзларнинг янги ясалмалари ҳам функционал маъно касб этган: Агар бўлса **оқлигинг**, билинмайдди **йўқлигинг** (Мақол). Қийёсланг: **йўқ** - **камбағал**, **йўқлик** - **камбағаллик** каби.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, **бор** сўзининг маълум қўлланишларида **олмошга** яқинлик сезилади. Айни шу жиҳати билан бу сўз **ҳамма**, **барча** олмошларига функционал-семантик синоним бўлади: Аслида жамики тирикларни **бор** буди-шуди билан кўксиди ортмоқлаб кетаётган ҳаёт деган улкан кемада одамзод учун ҳамма нарса тўла-тўқисдир (Оила ва жамият, 94, 14-сон). Уйнинг **бор** жиҳозлари тоқчалардаги уч-тўрта сопол, чинни идиш-товоқдан, мис обдастаю эски сўзанадан иборат (Шарқ юлдузи).

Сўз функционал-семантик синонимларнинг бир қисми даража-миқдор билдиради, бир қисми миқдорни, белгини даражалашга хизмат қилади.

а) предметнинг мавҳум миқдорини ифодалайди. Бунга йўналиш берадиган нарса шуки, функционал-семантик синоним

миқдорни алмаштириб келувчи олмошдан ифодаланади: **Неча** байрам ўтди. Ҳеч нарса совға қилолмадим (С. Аҳмад, Кўклам чечаклари). Саодат билан алоқамиз узилди. **Қанча** курбонлар қатори мактабдошларимизнинг изини йўқотдим (С.Аҳмад, Кўклам тароналари);

б) ҳаракатнинг миқдорини ифодалайди: Мингбоши **қанча** ўйласа ҳам маъқул бир маслаҳат топа олмади (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

в) белгини даражалайди: Бу геолог халқи тозаям эзма, **хамири ачимаган** халқ бўлар экан. Бир бурда тош топса, ҳафталаб уёғини қарайди, бу ёғини қарайди (С. Аҳмад, Тоғларда). Ҳамма гап **ойдай** равшан... Энди уйимни топиб кетармикинман (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

г) ҳаракатни даражалайди: Кетди унингиз ўша сулувининг олдига. Тентагингиз **ёмонам** ошиқ бўлибдида (С.Аҳмад. Сени излаб). Жувонмарг Зебинг кишлокқа бориб, ашулани **тоза** қўйганга ўхшайди. Қишлоқ одамларидан кўп нарса эшитдим (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Кеча мажлисда хосилотни **тоза** қизарттирдингми? (С.Аҳмад. Мاستонбиби).

Хуллас, сўзларнинг сўз функционал-семантик синонимлари сўзларнинг дастлабки маъноси билан эмас, балки улар англатган денотатларнинг ўзаро ўхшашлиги, алоқадорлиги, боғлиқлиги, нутқда тежамкорликка интилиш таъсирида юзага келган функционал маъноси орқали шаклланади. Унда инсоннинг предметлар ҳақидаги, уларнинг белгиси, миқдори, ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги тасавурларининг фаоллашуви муҳим аҳамият касб этади. Сўзларнинг шу тарзда сўз функционал-семантик синонимлари юзага келиб, тилнинг ифода воситалари бойиб, сифат жиҳатдан мукаммаллашиб боради.

§ 2. Жуфт сўз кўринишидаги функционал-семантик синонимлар

Жуфт сўзларга муносабат масаласида тилшуносларнинг фикрлари бир хил эмас. Айримлар бу ҳодисани сўз ясаш қаторига қўшсалар, айримлар уларни шакл ясаш қаторига қўшадилар. Бир пайтлар жуфт сўзларни (30:46-86; 7:47-50; 35:341; 32:14-20) қўшма сўзларга қўшганлар. А. Ҳожиёв: “Ўзбек тилида жуфт

сўзларнинг мавжудлиги шу тилнинг тараққиёт даражасини кўрсатувчи белгилардан бири ҳисобланади”, - деб кўрсатади ва уларнинг ифода талаби билан юзага келганлигини таъкидлайди (30:44). Дикқат қилинса, жуфт сўзлар номинатив эҳтиёж талабидан пайдо бўлмаганлигини англаб олиш мумкин. Чунки номинатив эҳтиёж таъсирида юзага келган бирликлар одагда сўз шаклида бўлади. Жуфт сўзлардаги умумлаштириш, жамлаш маъноларининг мавжудлиги ҳам уларнинг номинатив эҳтиёж учун эмас, балки ифода эҳтиёжи учун яратилганлигини кўрсатади. Маълум маънода улар ҳам ўз номи мавжуд нарса-ҳодиса, белги-хусусиятларни ифода эҳтиёжи таъсирида қайта номлашга мансубдир.

Жуфт сўзнинг ифода эҳтиёжига хизмат қилиши замирида тилнинг иқтисод принципи яширинган бўлади. Буни биргина мисол билан исботлаш мумкин. Бозорда **қишин-ёзин** одамлар гавжум. Агар жуфт сузни кўлламасак, гап шундай шаклланади: Бозорда **қишда ҳам, баҳорда ҳам, ёзда ҳам, кузда ҳам** одамлар гавжум. Ҳатто, уюшиқ бўлақлардан сўнг умумлаштирувчи сўз — **доимо** равишини қўллаш мумкин. Биринчи гапдаги **қишин-ёзин** жуфт сўзи ўрнида **доимо** равишини қўллаш билан чекланса, самара биринчи гапдагидек чиқмайди: доимийлик белгиси фаслга оидлик семасидан маҳрум бўлиб, мавҳумлашиб қолади. Мазкур жуфт сўзнинг **доимо** равишига функционал-семантик синоним сифатида қўлланишидаги афзаллик - мавҳум умумийликни хусусий умумийликка ўтказиши билан изоҳланади. Демак, жуфт сўз фикрни тежамли тарзда - минимум бирлик воситасида ифодалаш билан бирга, жузъий аниқликни таъминлаш эҳтиёжига бўйсундирилган.

Жуфт сўзлар борасида бўлган баҳсларда уларнинг алоҳида сўзлар билан синоним бўлиши юзасидан фикрлар мавжуд эмас, лекин бунга ишоралар бор. Масалан: А. Ҳожиев каламига мансуб “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” да жуфт сўзлар синонимик қаторларга киритилган. Бизнингча, уларнинг номинатив мақсадда яратилмаганлигини сўзларга функционал-семантик синоним бўлиши ҳам кўрсатади. Биз қуйида уларнинг сўз билан функционал-семантик синонимик муносабатлари ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, жуфт сўзларни ташкил этган компонентлар синонимлардан, антонимлардан, бирор тўдага ёки гуруҳга оид тушунчаларнинг номларидан, бир компоненти мустақил маъно англатувчи ёки иккала компоненти ҳам мустақил маъно ифодаламайдиган birlikлардан шаклланади. Жуфт сўзларнинг алоҳида сўзлар билан синонимик муносабатини айтиш жихатдан кўриб ўтамиз.

1. Компонентлари синонимлардан тузилган жуфт сўз функционал-семантик синонимлар

Компонентлари синонимлардан тузилган жуфт сўз функционал-семантик синонимлар ҳам анча миқдорни ташкил этади. Уларнинг маъноси икки компонент билдирган тушунчаларнинг умумлашуви-дан юзага чиқади. Бу ҳолни уюшиқ бўлакли гапларда умумлаштирувчи сўзнинг қатнашуви ҳам тасдиқлайди. Фақат уюшиқ бўлақлар икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлса, жуфт сўз фақат икки сўздан тузилади. Шунда ҳам икки компонент санаш мумкин бўлган тушунчаларни худди чегаралаб тургандай кўринади, яъни икки компонент англатган тушунчалар орасига бошқа тушунчалар сингдириб юборилади. Бу, айниқса, антонимлардан тузилган жуфт сўзларда очик кўринади. Шундан бўлса керак, антонимлардан тузилган жуфт сўзлар кўпинча ўта маъхум маъноли сўзларга функционал-семантик синоним бўлиб келади. Масалан, **ёш-қари, катта-кичик** жуфт сўзлари ҳамма сўзига функционал-семантик синоним бўлади.

Синонимларда санаш мумкин бўлган бир-бирига яқин тушунчалар худди давоми бордай бўлиб кўринади. Масалан, **завқ-шавқ** жуфт сўзида мамнунлик, кўтаринкилик, самимийлик каби тушунчалар ҳам қамраб олинади: **завқ-шавқ - ўта хурсандчилик.**

Синонимлардан тузилган жуфт сўзлар турли сўз туркумларига мансуб бўлиши мумкин, лекин уларнинг маълум сўзга функционал-семантик синоним бўлишида қатъий мослик бўлиши шарт эмас. Жуфт отдан тузилган функционал-семантик синонимга от туркумидаги сўз доминанта бўлиши мумкин,

булмаслиги ҳам мумкин. Масалан: **завқ-шавқ** - **хурсандчилик**, **олам-жаҳон** - **кўп**.

Синонимлардан тузилган жуфт сўзларнинг барчаси ҳам алоҳида бир сўзга функционал-семантик синоним бўлавермайди. Масалан: **бахт-саодат**, **куч-қудрат** сўзларига доминанта бўладиган сўзни топиш қийин. Кўринадики, жуфт сўзнинг алоҳида сўзга функционал-семантик синоним бўлиши компонентлардан англашилган маънолар билан боғлиқ бўлади. Синонимлардан тузилган жуфт сўзларнинг компонентларидаги маъно бир-бирини такрорласа ёки уларнинг маъноси тенг бўлса, бундай жуфт сўз алоҳида сўзга синоним бўлолмайди: **хайр-эхсон**, **хайр-садақа** каби. Ёки жуда камдан кам учрайди: **олам-жаҳон** каби. Демак, синонимлардан шаклланган жуфт сўзлар алоҳида сўзларга функционал-семантик синоним бўлиши учун компонентлар маъносида маълум фарқлар бўлиши зарур.

Куйида синонимлардан тузилган жуфт сўз функционал-семантик синонимларни қайси сўз туркумига мансублиги нуктаи назари билан келтириб ўтаемиз.

От туркумига мансуб синонимлардан тузилган жуфт сўзлар унчалик кўп эмас. Уларга **олам-жаҳон**, **бола-чақа**, **орқа-кет**, **завқ-шавқ** кабиларни киритиш мумкин: Мисоллар: Умуман, бу хабарни кўпчилик ўзбекистонликлар **завқ-шавқ** билан кутиб олишди (Тошкент оқшоми, 92, 13 февраль). - **Хурсандчилик** маъносида. Умр эса ўтиб борапти. Аммо сарҳисоб қилиб, **орқа-кетини** ўйлаб кўрадиган одам йўқ (Шарқ юлдузи). - **Натижа**, **оқибат** маъносида. Биргина кампир энам бор, ука. Ёшим қирққа етди. На хотин, на **бола-чақа**. Дунёдан тоқ ўтдик ҳисоб (Ойбек. Қутлуғ қон). - **Ойла** маъносида.

Сифат туркумига мансуб синонимлардан тузилган жуфт сўз функционал-семантик синонимлар ҳам кам миқдорни ташкил этади. Уларга **бола-чақали** - оилали; **сон-саноксиз** (сонсиз-саноксиз) - кўп, беҳисоб; **тўла-тўқис** - тўлиқ, мукамал кабиларни келтириш мумкин. Мисоллар: Биринчидан, **бола-чақали** одам хотин устига хотин олса, уйда ҳар кун жапқал-сурон бўлиши шубҳасиз (Ойбек, Қутлуғ қон). Аммо бу аёл бир кечада қариб қолди... Энг ёмони, қолган умри **сон-саноксиз**

ҳадиклар, кўркув ва армонлар билан ўтадиган бўлди унинг (Туркистон, 93, 10 апрель).

Феъл туркумига мансуб синонимлардан тузилган жуфт сўз функционал-семантик синонимлар ҳам мавжуд. Уларга **узил-кесил** - тўла, аниқ, батамом; **оқизмай-томизмай** - батафсил, мукаммал; **куйди-пишди** - қуюнчак каби. Мисоллар: Демак, гап билан ишлайдиган автомобилларни кўнайтириш, гарчи атроф муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш масаласини **узил-кесил** ҳал этмаса ҳам, ҳар ҳолда истиқболли иш экан (Шарқ юлдузи). Анжуман иштирокчилари НУЖларга тегишли муаммони **узил-кесил** ҳал қилиш мақсадида бир қанча ишончли илмий усулларни таклиф этдилар (Меҳнат, 93, 12 март). Қушчалар боши узра **куйди-пишди** ота-оналари қичқириб учгани учган (Ўқувчи календари, 87, 22-бет).

2. Компонентлари антонимлардан тузилган функционал-семантик синонимлар

Антонимлардан ташкил топган жуфт сўзларнинг маъноларидаги умумлаштириш хусусияти уларнинг алоҳида сўз билан функционал-семантик синоним бўлишини таъминлайди. Масалан, **қишин-ёзин** жуфт сўзида компонентлар англатган қиш ва ёздан ташқари куз ва баҳор фасллари маъноси ҳам мавжуд. Худди шу асосда пайт муносабатини ифодаловчи **доимийлик** маъноси ифодаланади. Мисоллар: Хуллас, оила учун **қишин-ёзин** керак нарсаларнинг ҳаммаси хонадонда топилади (Ишонч, 94, 16 апрель). Кийимлариданоқ пойтахтлик эканликлари кўриниб турган, олисдан келган деҳқонларнинг оғирини **қишин-ёзин** “енгил қиладиган” олибсотарларнинг доимий жойлари гумбазнинг ичида - ёзда салқин, қишда иссиқ (Халқ сўзи, 92, 13 февраль). Одамлар **қишин-ёзин**, тўрт фасл бу ердан узилишмайди (Туркистон, 92, 28 январь).

Кеча-кундуз жуфт сўзида ҳам кеча ва кундузга алоқадор барча пайтлар қамраб олинади. Айни шу маъно билан бу жуфт сўз **доимо**, **доимий** сўзларига функционал-семантик синоним бўлади. Мисоллар: Аҳмаджон Ҳожиёв **кеча-кундуз** одамлар ташвиши билан яшайди (Ишонч, 92, 9 февраль). Адвокатлар

хайъатида **кеча-кундуз** навбатчилик ташкил қилинган бўлиб... (Халқ сўзи, 92, 15 февраль). **Кеча-кундузнинг** бир сўзи билан қўлланилиши **донимий** маъносидан маҳрум қилиб, **сутка** маъносини юзага келтиради: У (корхона) **бир кеча-кундузда** мингта баллонни газ билан тўлдириб бериши мумкин (Халқ сўзи, 92, 21 февраль). Агар бугдой ҳисобида бир **кеча-кундузда** 11800 тонна дон маҳсулоти сарф қилинишини ҳисобга олсак, бир йилдагиси оз миқдорда эмаслиги маълум (Халқ сўзи, 92, 18 февраль).

Антоним отлардан тузилган жуфт сўзлар қуйидаги сўзларга функционал-семантик синоним бўлади:

Ёғингарчилик. - Қишнинг узлуксиз **қор-ёмғирларидан** “эзилган” Қизилқум сарҳадларини ниҳоят кўклам шабадалари эркалай бошлади (Ишонч, 94, 16 апрель).

Комплект. - Сунбулхон ая Фотимага жуда катта хурмат кўрсатиб... **бош-оёқ** сарпо кўйди (Мирмуҳсин. Умид).

Душман. - Кўпдан буён база мудирини билан **ит-мушук** эдик. Пировардида бир-биримизни кўрарга кўзимиз йўқ бўлиб қолди (Адабиёт ва санъат, 86, 30 апрель).

Антоним сифатлардан тузилган жуфт сўзлар қуйидаги сўзларга функционал-семантик синоним бўлади:

Ҳамма, барча. - У тиним нималигини билмайдиган, **катта-кичикка** баробар... хожатбарор киши эди (Ишонч, 92, 3 февраль). Улар жамоа хўжалиги билан боғлиқ тарихдан, яқин ўтмишдаги **катта-кичик** раҳбарлар дунёқарашини, иш тутишидан огоҳ деб ўйлайман (Қишлоқ ҳақиқати, 92, 19 февраль).

Қийинчилик. - Ҳаётнинг кўп **иссиқ-совуғини** кўриб, улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим (Ўзбекистон овози, 93, 12 февраль).

Антоним феъллардан тузилган жуфт сўзлар қуйидаги сўзларга функционал-семантик синоним бўлади:

Алоқа, муомала, муносабат. - Хужжатда коннинг кичик корхона ва район ташкилотлари билан **олди-бердиси** ҳақида сўз юритилган (Ўзбекистон овози, 93, 21 август). Яхши, эзгу ниятли кишилар учун ўлкамизнинг дарвозалари очилди. **Борди-келди** кучайди (Туркистон, 93, 22 июль). Истагим - Ўзбекистон билан, Ўрта Осиё жумҳуриятлари билан Амриқо ўртасидаги дўстлик,

хамжихатлик яна мустаҳкамлансин, бир-биримизга **борди-келдимиз** кучайсин (Ёш ленинчи, 91, 9 ноябрь). Мулла Туроб... ҳеч бир киши билан **бориш-келиш** қилмас экан (С. Айний, Эсдаликлар).

А. Ғуломов жуфт сўзларнинг ҳар икки элементи билан ифодаланган жараёнларнинг умумий номи орқали **борди-келди** кабиларда **алоқа, муносабат** каби маъноларнинг реаллашувини кўрсатиб ўтган (28:77).

Ташвиш. - Эргаш ҳали гўдак эди, дунёнинг **борди-келдисини** билмас эди (П. Турсун. Ўқитувчи).

Савдо. - Бозор муносабатлари ҳамма соҳага чуқур кириб бораётган бугунги кунда **олди-сотди** билан шуғулланаётганлар сафи тобора кенгайиб бораёпти (Халқ сўзи, 94, 24 август). Рисола муаллифи лафз этгандай, ҳар бир савдогар **олди-сотдида** икки дунёни ҳам кўз олдига келтириш лозим (Савдогар, 92, 3 февраль).

Чайқовчилик. - Ишбилармонлик кучайгандан кучайиб, даладаю ишда, олийгоҳдаю мактабда **олди-сотди** авжига миняпти (Ишонч, 92, 3 февраль).

Бор, йўк. сўзларидан тузилган жуфт сўз қуйидаги сўзларга функционал-семантик синоним бўлади:

Барча, ҳамма. Кейин... пичок ўқталиб кампирнинг **бор-йўк** бойлиги - телевизор ва тилла тақинчоқларини олиб қўйди (Оила ва жамият, 93, 42-сон). Сўфи Оллоёрдек забардаст шоиримиз ҳақида **бор-йўк** билганларимиз ҳозирча шулар... (Меҳригиё, 94, 19 июль).

Атиги, фақат. - Мирҳамза аканинг айтишича, шу йилнинг ҳисобидан қўлэмалар бўлими одамлардан **бор-йўғи** иккита китоб харид қилган (Халқ сўзи, 93, 28 сентябрь). Биз тошбақа цехини ташкил қилиб, ҳеч бир қийинчилик кўрмадик. Унга **бор-йўғи** уч киши биркитилган (Туркистон, 94, 30 апрель).

3. Ўзаро яқин ва алоқадор тушунчаларни ифодаловчи сўзлардан шаклланган жуфт сўз функционал-семантик синонимлар

Жуфт сўз функционал-семантик синонимлар орасида компонентлари ўзаро яқин ва алоқадор тушунчаларни ифодаловчилари

ам кенг тарқалган. Ўйлаб кўрилса, бундай жуфтларни ташкил
тган сўзлар нимаси биландир яқин ва алоқадор бўлади. Куйида
уларнинг гуруҳи ва мисолларини кўриб ўтамиз.

1. Компонентлар англатган тушунчалар бири бирининг таркибига киради:

Гап-сўз - можаро, ғийбат - Аммо бизнинг кунларимизда можароларга сабабчи совғалар ҳам озми-кўпми учраб туради. Айниқса, тўйлардан кейинги **гап-сўзларни** эслаш кифоя (Ишонч, 94, 16 апрель). Шунча **гап-сўзлардан** сўнг яна бир ҳайратланарли воқеа рўй бердики, буни ёзмасак бўлмайди (Туркистон, 92, 29 февраль). Фақат Ғ.Ғулом эмас, дарсликка кирган унинг сафдошлари ҳақида ҳам **гап-сўзлар** кўп бўлди (Маърифат, 93, 10 апрель).

Битта-яримта - биров - Бордию, **битта-яримта** “Бобо ака, пенсияга чиқиб зерикмаяпсизми?” дегудек бўлса, савол бергучига қараб... (Ўзбекистон автомобилчиси, 94, 20 август).

Уй-жойли - оилали - Саккиз нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган отахон уларнинг ҳаммасини **уй-жойли** қилиб кўйган (Оила ва жамият).

Ой-кун - муддат - Орадан **ой-кун** ўтиб подшо қиз кўрибди (Эртақдан).

Бош-қош - раҳбар - Маҳалла оқсоқоллари ҳар бир ишда **бош-қош**, одил ва шафқатли эдилар (Қишлоқ ҳақиқати, 92, 20 март). Кўприклар, ҳаммомлар, анҳорлар, рабобларни қайтадан тиклаш ишларига **бош-қош** бўлдилар (Тошкент ҳақиқати, 91, 25 сентябрь).

Ҳисоб-китобли - тежамкор - Энди ўйлаб қарасам, қишлоқда энг ақлли ва **ҳисоб-китобли** инсон шу киши экан (Ёш ленинчи, 91, 4 октябрь).

2. Компонентлар англатган аъзолар вазифаси жиҳатидан яқин ва аҳамиятли бўлади.

Қўл-қанот - шерик, ҳамроҳ - Бир мусулмон қавмида хотин топиб, никоҳлаб кўяйлик, ҳарна **қўл-қанот** бўлади (С.Сиёев. Мажнунтолнинг новдаси).

3. Компонентлардан англашилган воқеа бири тугалланиши билан иккинчиси бошланиши ифодаланади:

Олди-қочди - **можаро** - Шундай қилиб, турмушнинг ҳар кунлик олди-қочдиларидан иккита мисол келтирамиз (Халқ сўзи, 93, 15 сентябрь).

4. Компонентлардан англашилган маънодан сабаб-натижа муносабати ифодаланади:

Кўйди-чикди - **ажралиш** - Шубҳасиз, тўй ҳаражатлари **кўйди-чикдилар** ҳақида старлича ёзилган (Халқ сўзи, 93, 15 октябрь). Ирландия ҳукумати оилавий **кўйди-чикдиларни** қонун йўли билан тартибга солиб кўйиш ниятида (Ватан, 92, 7 октябрь).

5. Компонентлар кишининг физик ва рухий ҳолатида руҳ берадиган ўзгаришларни акс эттиради:

Инқиллаб-синқиллаб - **қийналиб** - Райкомхоз амаки **инқиллаб-синқиллаб** кўзгалди-да, қуюққина хайрлашиб жўнади (С.Сиёев. Мажнунтолнинг новдаси).

Қизариб-бўзариб - **уялиб** - Бироқ ҳар бир ўтиригичда бир-бирига чирмашиб, ялаб-юлқашиб ўтирган жуфтларни кўриб, уят-номусдан юролмай қолдим. Менинг **қизариб-бўзарганимни** кўрган йўлбошчи тоғам мийиғида жилмайди (Туркистон, 94, 24 август).

Қисиниб-қимтиниб - **тортиниб** - Биз баҳоли қудрат устоз хузурида **қисиниб-қимтиниб** кўшиқ айтардик (Ишонч, 92, 23 март).

Жуфт сўзнинг ўзига хос баъзи жиҳатини эслатиб ўтиш зарур. Баъзи жуфт сўзлар эгалик кўшимчасини олиш билан ўз маъносини ўзгартириши мумкин. Масалан, **қозон-товоқ** жуфт сўзи ошхона жиҳозларини англатган ҳолда эгалик кўшимчасини олгач, **рўзгор** маъносини реаллаштиради: Халқимиз шаънига ҳеч тап тортмай, бунинг учун ҳатто ўзига “хуқуқий имтиёзлар” яратиб олган оғаларнинг энди **қозон-товоғи** бошқа (Адабиёт ва санъат, 92, 7 февраль). **Ой-кун** жуфт сўзи умуман **вақт**, **муддат**, **фурсат** маъносига эга бўлгани ҳолда эгалик кўшимчаси билан шаклланиб, **туғиши** маъносини ифодалайди. Бу ҳол тилда мавжуд эллипсис ҳодисаси билан боғлиқ: асли **туғадиган ой-кун** бирикмаси билан боғлиқдир. Масалан, **Ой-кун** яқинлашиб қолган йўловчи жувонни тўлғоқ тутиб қолди. Бола дунёга келди - ўғил. Исми ҳам нақдгина - Йўлчи (Тошкент окшоми, 94, 1 февраль).

Кўп бўлмаса ҳам, компонентлари олмошдан тузилган жуфт сўз функционал-семантик синонимлар ҳам учраб туради: **сиз-биз - хурмат** - Одамлар икки дўст - икки кўшнининг **сиз-бизига**, бир-бирига бўлган меҳр-оқибатига хайрон қолади (С.Сиёев. Мажнунтолнинг новдаси, 161 - бет).

Жуфт сўз иштирокида шаклланган кўшма феъл функционал-семантик синонимлар.

Мазкур функционал-семантик синонимларда жуфт сўз маъно ташувчи компонент сифатида, кўмакчи феъл эса феълликни таъминловчи компонент тарзида шаклланади. Уларнинг маъно англатишида жуфт сўз англатган маъно муҳим роль ўйнайди. Бундай функционал-семантик синонимларнинг етакчи компоненти асосан от туркумидан баъзан олмошдан тузилади ва улар феълга мансуб сўзга функционал-семантик синоним бўлади.

Мисоллар: **бош-қош бўлмоқ**: Улар... ҳамқишлоқлар турмуш маданиятини юксалтиришга **бош-қош бўлдилар** (Қишлоқ ҳақиқати, 86, 6 май). - Тилимизнинг жонкуярлари бўлмиш ўзбек филологияси факультетининг бир гуруҳ ташаббускор талабалари бў хайрли ишга **бош-қош бўлди** (Ёш ленинчи, 1990, 7 март). - **Бошқармоқ** маъносида.

Кўз-қулоқ бўлмоқ: Бу - қушчаларнинг “болалар боғчаси”га ўхшайди. Уларга “бақироқ энагалари” **кўз-қулоқ бўлиб туришади** (Ўқувчи календари, 87, 22-бет). - Шокиржон ҳамкасби Валижон Назаров билан биргаликда барча тикув машиналари ҳаракатидан **кўз-қулоқ бўлиб турибди** (Ишонч, 92, 8-сон). - **Кузатмоқ, огоҳ бўлмоқ** маъносида.

Сен-менга бормоқ: Ҳеч қачон оиланинг сири кўчага чиқмаган, эру хотин **сен-менга бормаган** (Адабиёт ва санъат, 92, 7 февраль). - Меҳмон ўз қадру иззатини билмаган маданиятсизлардан чиқиб қолди... Оғзидан боди кириб, шоди чиқаверади. Икки ўртада **сен-менга бориб қолишди** (Постда, 94, 29 апрель). - **Айтишмоқ, жанжаллашмоқ** маъносида.

Кирди-чиқди бўлмоқ: Э, домла чатоқ... **Кирди-чиқди бўлиб қолган**, деди. Саидумар кўрсаткич бармогини чаккасига бигиз қилиб (Ватан, 94, 30-сон). - **Жинни** маъносида. Мазкур функционал-семантик синоним эллипсис натижаси бўлиб, бу

ибора аслида эси (ақли) кирди-чикди бўлмоқ кўринишида бўлган.

Аён бўладики, жуфт компонентларнинг ўзи маълум маъно англатса, уларнинг кўмакчи феъл билан боғланиши феъллик маъносини реаллаштиради, кўпинча турли туркумдаги жуфт сўзлардан феъл туркумига мансуб функционал-семантик синонимлар шаклланади.

§ 3. Уюшиқ бўлак кўринишидаги функционал-семантик синонимлар

Сўзларнинг уюшиқ бўлак функционал-семантик синонимлари бир сўзнинг, бир юқламанинг ёки бир боғловчининг маълум бўлак билан такрорланиши орқали шаклланган бўлиб, одатда, жуфт қўлланиш характериға эға. Уюшиқ бўлак функционал-семантик синонимлар эркин ва фразеологик характерда бўлади. Улар куйидаги кўринишда шаклланади.

1. Компонентлари **-са** аффикси билан шаклланган феъл ва ҳам кўмакчисининг такрори билан воқе бўлади, мазмунига кўра бирор характернинг юзаға келишиға монельлик қилолмайдиган ҳолатни ифодалайди, ўз навбавтида, такрор эса давомийликни англатиб, **доимо** равиши билан синонимик муносабатни ташкил этувчи уюшиқ бўлакли бирликни таркиб топтиради. Масалан: **Юрса ҳам, турса ҳам** ғазалнинг латиф оҳанглари унинг хаёлидан кетмади (Совет Ўзбекистони, 91, 7 июнь). Ўтмишда бир одам **ёгса ҳам, турса ҳам...** худодан уч нарсани сўраркан (Шарк юлдузи, 92, 9, 76-бет).

2. Компонентлар вақт ифодаси бўлган сўз билан ва **сайин** кўмакчиси билан шаклланиб, воқеа ва ҳодисанинг кучайиши ва давомийлигини билдиради. Бундай уюшиқ бўлак **узлуксиз, муттасил** равишларига функционал-семантик синоним бўлади: Нарх-наво бўлса **кун сайин, соат сайин** ошиб бормоқда. Кечанинг гапи бугунға, бугуннинг гапи кечкурунға тўғри келмай қолди (Адабиёт ва санъат, 92, 7 февраль).

3. Компонентлар олдида ё айирувчи боғловчиси келтирилади, кейин эса **билан** кўмакчиси келтирилади. Улар икки имкониятдан бири воситасида амалға ошиши мумкин бўлган

воқеа ва ҳодисани билдириб, амаллаб равишдошига функционал-семантик синоним бўлади: Гап шундаки, ўша чала савод болалар **ё зар билан, ё зўр билан** дегандек, бир амаллаб олий мактабга кириб оляпти. Бир амаллаб битириб ҳам чиқяпти (Адабиёт ва санъат, 87, 4 январь). Бу ўринда ўта мавҳум ҳолда юз берувчи ҳодисанинг амалга ошувига бир оз аниқлик киритиляпти.

4. Компонентларнинг иккиси ҳам **-б (-иб)** аффикси билан ясалган равишдош билан шаклланиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиш тарзини билдиради, равишдош ва равишга функционал-семантик синоним бўлади: Йўқ, бунга ишонмайман, набираларимни ўзим **оқ ювиб, оқ тараб** ўтирсам бўлмайдими? (Меҳнат, 93, 26 март). Мангубердининг кўшинлари ҳар томондан исканжага тушиб қолганди. Шунга қарамай улар **жон олиб, жон бериб**, баҳодирона жанг қилишда давом этардилар (Ишонч, 92, 1-сон, 9-бет). Мазкур функционал-семантик синонимларнинг биринчиси **авайлаб, ардоқлаб**, иккинчиси эса **фидокорона** сўзларига функционал-семантик синоним бўлади.

5. Компонентлардан бири **-б (-иб)** равишдош орқали, иккинчиси унга антоним бўлган тусланган феъл билан шаклланиб, феъл билан синонимик муносабат ташкил этади: Давлат машинани олиб қўйди. Бировнинг номига расмийлаштировдик. Уни ҳам **олиб бориб, олиб келишди** (Туркистон, 92, 12 февраль). Бу ўринда уюшиқ бўлак **овора қилмоқ, сарсон қилмоқ** сўзларига функционал-семантик синоним бўлади.

6. Компонентларнинг бири **-б (-иб)** равишдоши билан, иккинчиси ўтган замон сифатдоши аффикси **-ган** билан шаклланиб, сифат туркумидаги сўзга функционал-семантик синоним бўлади: Ўлим ҳақ. Лекин **ошини ошаб, ёшини яшаган** одам ўлса, ачинмайсан киши (Сўзлашувдан). **Кекса, қари** маъносида.

7. Компонентларнинг иккиси ҳам **бўлмоқ** феълига тааллуқли бўлади: Суҳбат чоғида миллат эркинлиги учун **бир жон, бир тан бўлиб** курашиши лозимлиги айтиларди (Туркистон, 92, 12 февраль). Шу пайтгача онгимиз хизмат қилиб келган кўплаб маза-матрасиз “изм”лардан халос бўлиб, болаларимизнинг келажаги учун **бир тан, бир жон бўлиб** курашмоқлари керак

(Халқ сўзи, 91, 3 октябрь). Мазкур функционал-семантик синоним **бирлашмоқ; якдил, ҳамжиҳат бўлмоқ** маъносида.

8. Компонентлар сифатловчи аниқловчи ва аниқланмиш билан ифодаланиб, аниқланмишлар ўзаро алоқадор отлар орқати ифодаланади ва равиш туркумидаги сўзга функционал-семантик синоним бўлади: Бироқ янги ҳукумат составига маҳаллий аҳоли вакилларида бирор киши ҳам киритилмади. Бу эса Русия ҳукуматининг **эски ҳаммом, эски тос** сиёсатини акс эттирар эди (Халқ сўзи, 92, 29 октябрь). Гап шундаки, юқорида келтирилган бу қарор 1979 йилнинг 19 мартда қабул қилинган. Аҳвол эса ҳозир ҳам ўша-ўша - **эски ҳаммом, эски тос** (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 86, 4, 25-бет). Бу функционал-семантик синоним **эскича** маъносига эга.

Юқоридагилардан кўринадики, уюшиқ бўлак ҳам сўзга функционал-семантик синоним бўлиши мумкин. Уларнинг фарқли хусусияти сўзларга нисбатан характерловчилик, кўргазмалилик белгиларига эгаллигида кўринади.

§ 4. Ўхшатиш кўринишидаги функционал-семантик синонимлар

Функционал-семантик синонимлар орасида ўхшатиш кўринишидаги бирликлар ҳам кенг тарқалган. Маълумки, ўхшатиш инсоннинг хотира ва хаёл тасаввурлари иштирокида юзага келади. Бунда ўхшатилаётган нарса ҳақидаги тасаввурлар инсоннинг айна пайтда кузатиб турган, реал сезгиларга таянган ҳолда унинг хотирасида мустаҳкамланган, яъни ҳаёт тажрибасида илгари кузатилган, идрок қилинган нарса-ҳодисаларнинг шакли-шамоиلى, белги-хусусиятларининг қайта тикланиши, эса олиниши натижасида юзага келади. Мазкур қайта тикланган тасаввур инсоннинг реал равишда кузатиб турган нарса-ҳодисаларини у ёки бу тарзда характерлашга жалб қилинади. Бу эса ўхшатишли бирикма тарзида шаклланади. Масалан, **томдан тараша тушгандек ўхшатиши тўсатдан, бирдан, кутилмаганда** рўй берган нарса-ҳодисани характерлаш мақсадида юзага келган: Юриш-туриши, хулқ-одоби яхши деб юрган кишининг **томдан тараша тушгандек** бирдан ёмон отликқа

чикиб қолса, қандай хулосага боришни билмай қоларкансан (Тошкент оқшоми, 91, 12 сентябрь). Мазкур мисолда ўхшатиш - томдан тараша тушгандек ҳам, ўхшатилмиш - бирдан ҳам матида иштирок этиб, жараённинг бирдан, қутилмаганда, тўсатдан юз беришини кучайтиряпти. Кўпинча ушбу бирикма таркибидан ўхшатилмиш - бирданнинг эллипсисга учраши ҳам кузатилиб, бу компонентнинг вазифаси ҳам ўхшатишнинг ўзига юкланади: Ҳар қандай бўлса ҳам гапни томдан тараша тушгандек эмас, ётиғи билан бошлаб, ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга мўлжаллаб қўйди (Р.Файзий. Қайнона).

Ўхшатиш асосида юзага келган функционал-семантик синонимларнинг бундай қўлланишида икки жиҳат кузатилади. Ўхшатишнинг ўзи синонимик муносабат ташкил этаётган сўз билан қўлланиши белгини даражалаб ифодалаш натижасида маънони кучайтириб келади. Бу ҳолда синоним жуда, ғоят, ниҳоятда сўзлари маъносини ифода этади: Ишлари хамирдан қил суғургандек осон кўчаётган Мақсудали Душанбега келди (Постда, 93, 24 сентябрь). Қиёсланг: Ишлари жуда осон кўчаётган Мақсудали Душанбега келди. Бундай ўхшатишлар оғзаки нутқда тез-тез қўлланганлиги, уларнинг тил вакиллари лексиконидан жой олиши, ўхшатилмишнинг қўлланмаслигига - эллипсисга учрашига имконият яратади: Аслида бу сафар ҳам иш хамирдан қил суғургандай ўтаётганди (Халқ сўзи, 92, 8 декабрь). Ичимдан бир хўрсиниш келди-ю, бу ишни ҳам хамирдан қил суғургандек бажардим (Савдогар, 93, 11 август). Бундай қўлланишда функционал-семантик синоним жуда осон маъносига тенг келади, яъни белгини ҳам, унинг даражасини ҳам ифодалашга хослашади. Баъзан ўхшатилмиш -гина аффиксини олган ҳолда ҳам қўлланади: Совхоз маъмурияти масъулиятсиз бўлим бошқарувчисини хамирдан қил суғургандек осонгина вазифасидан бўшатиб юборди (Совет Ўзбекистони, 1986, 28 декабрь). - гина аффикси орқали иш-ҳаракатнинг бажарилишини маъқулламаслик акс этган. Ўхшатиш орқали шакланган функционал-семантик синонимлар кўпинча зарур сўзи олдида келиб, жуда, ғоятда, ниҳоятда маъноларини юзага келтиради, яъни зарурликни даражалайди ва даража ифодаловчи худди шу сўзларнинг ўзига функционал-семантик синоним бўлиб келади:

Бу муҳокамада ижодий зиёлиларнинг, қурултой делегатларининг, умуман, халқимизнинг фикр-мулоҳазалари бизга **нону сувдек** зарур (Тошкент-окшоми, 92, 28 февраль). Олтинпазликда цианли калий, махсус смола, ишқор, олтингургурт кислотаси, тиомочевина, оҳак **сув билан ҳаводек** зарур (Ўзбекистон овози, 92, 28 февраль). Соғлом танқид хонанда ижоди учун **сув билан ҳаводай** зарур (Меҳнат, 94, 18 март). Ушбу функционал-семантик синоним нутқда новербал воситалар билан бирга қўлланиши мумкин.

Ўхшатиш функционал-семантик синонимлар воқеа-ҳодисанинг юз бериши ёки жараённинг кечишини характерлашга хизмат қилади. Баъзан функционал-семантик синоним ўзи синонимик муносабат ташкил қилаётган сўз билан бир матнда қўлланади: Бутун онгли ҳаётини шу машаққатли, лекин савобли ишга бағишлаган, чидам ва қунт билан **игна ила қудук қовлашдек** сермашаққат соҳага бахшида этган кишилар меҳнатига қандай баҳо берса бўлади? (Ишонч, 94, 14-сон).

Ўхшатиш функционал-семантик синонимдан нутқ предметига нисбатан сўзловчининг ижобий ёки салбий муносабати ҳам англашилиб туриши мумкин: **ёғ тушса, ялагудек** (тоза), **қоғозга ўралган қанддай** (бокира; тоза, соф), **ит мужиган ошиқдай** (орик), **туя гўшти егандай** (чўзилган), **милтиқнинг ўқидай** (соғлом) қабилар. Мисоллардан кўринадики, функционал-семантик синонимларнинг шаклланишига асос бўлган ўхшатиш образи танлаб ишлатилади (Кўпинча улар маълум белги-хусусиятлар учун хосланган бўлади). Лекин ижобий ёки салбий муносабат ҳамма вақт ҳам бўртиб турмайди. Уларда ижобий ёки салбий муносабат белги-хусусиятнинг ижтимоий онда қандай баҳоланишига боғлиқ ҳолда кечади. Масалан, **милтиқнинг ўқидай** функционал-семантик синоними соғлом сўзига мос тушади. Лекин бу ўхшатиш кўпроқ кишиларнинг ўзлари хуш кўрмаган одамларига нисбатан қўлланади: “Уни ўзинг кўриб турасанми?” - “Ҳа, кўп кўраман, юрибди. **Милтиқнинг ўқидай**”. Бу ўхшатишда субъективлик мавжуд. Соғломлик ижтимоий онда ижобий баҳоланган ҳолда, нутқда салбий баҳони юзага келтиради.

Ўшатиш функционал-семантик синонимлар юқоридаги мисолларда кўрганимиздек кўпинча ўзи синонимик муносабатга киришадиган сўз ифодалаган маънога **жуда**, **ғоят**, **ниҳоятда** семаларини кўшимча қилади. Лекин барча функционал-семантик синонимлар ҳам доимо бир хил маъно юклайвермайди. Бошқача айтганда, улар нутқда фарқсиз эмас. Уларнинг кўпчилиги **жуда** маъносига, баъзилари **ғоят**, баъзилари эса **ниҳоятда** маъносига хосланган бўлади ёки уларнинг қўлланиши матнда ўзи синоним бўладиган сўзнинг маъносида даражанинг мавжудлигига ҳам боғлиқ бўлади. Бу ҳолни функционал-семантик синоним ўрнига бу сўзлардан бирини қўйиш билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масалан: Кўрсатилган юксак ҳурмат ва эътибор Убайдулла Каримовга **игна билан қудуқ қазини**дек сермашаққат изланиш йўлида янги парвозларга куч-қувват бахш этмоқда (Ўзбекистон овози, 93, 18 ноябрь). Бу мисолдаги функционал-семантик синоним **игна билан қудуқ қазини**дек **ғоят**, **ниҳоятда** сўзлари маъносига мос тушади. Бунинг ўз сабаблари бор. Чунки мазкур функционал-семантик синонимнинг аниқланмиши бўлган **сермашаққатнинг** маъносида **жуда машаққатли** маъносига яқин маъно мавжуд. Сермашаққатнинг даражаланиши эса яна ҳам кучли даражаловчини талаб қилади. Ёки яна бир бошқа мисол: Фақат бир нарса салгина ғашингизда тегади, холос. У ҳам бўлса, кўшни хонадонлар орасидаги деворнинг **пиёз пўсти**дек юпқалиги... (Оила ва жамият, 93, 7-сон).

Бунда ҳам **жуда** сўзи функционал-семантик синонимнинг моҳиятига мос тушмайди. Ўшатишда мавжуд **пиёз пўсти** билан деворнинг юпқалиги қиёсидаги зиддиятнинг ўзи **ғоят**, **ниҳоятда** маъноларини тақозо этади.

Демак, биргина даража ифодаловчи **игна билан қудуқ қазини**дек функционал-семантик синонимнинг қайси сўзга функционал-семантик синоним бўла олиши маълум ўринларда матнга боғлиқдир. Ўшатиш функционал-семантик синонимларда даражани даражалаш далилининг гувоҳи бўламиз ва функционал-семантик синонимнинг доминантасини белгилаш машаққати ҳам дуч келамиз.

Ўшатиш функционал-семантик синонимдаги **-дек** формантнинг **деган** сўзига қўшилиши ҳам кузатилади. Қиёсланг:

Икки карра иккидек аниқ ҳақиқатни ҳар бир дарсада ёзиш шартми? (Халқ сўзи, 91, 28 август). Ҳосилнинг кўчатдан олинishi **икки қарра икки - тўрт дегандек** гап (Ўзбекистон овози, 94, 15 март).

Ўхшатиш функционал-семантик синонимлар равишдошининг синоними бўлиб келади: Зоти шариф ўзбек қўшиқлари битилган, улар ким томонидан ижро этилиши, қўшиқнинг сўзию мусикаси муаллифлари ёзилган кичик ахборотномадан иборат фонотекасини олтига жомадонда **кўз қорачиғидай** сақлайдилар (Халқ сўзи, 92, 10 январь). Тил - миллатнинг ҳам қони, ҳам жони. Шу боисдан ҳар бир миллат ўз она тилини **кўз қорачиғидай** асрайди, ундан жонини ҳам, молини ҳам аямайди (Маърифат, 93, 3 март). Ҳовли-жойни **ёғ тушса, ялагудек** супуриб-сидирди (Шарқ юлдузи, 90, 10-сон, 19-бет).

Бу мисолларнинг дастлабки иккисида **авайлаб** маъноси, сўнггисида **тозалаб** маъноси мавжуд.

Кўпчилик ўхшатиш функционал-семантик синонимлар равиш маъносини юзага чиқаради: Мактаб ўқувчиларига яратилган (тўғриси - яратилмаган!) шароит ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Буни колхоз-совхоз раҳбарларининг ўзлари ҳам **беш қўлдай** билади (Совет Ўзбекистони, 87, 9 февраль). Аммо ҳар қандай ишбилармон ўз мол-мулки, ундан келадиган даромад, сарф-ҳаражатни **беш қўлдек** билиши лозим. (Туркистон, 92, 4 февраль). Бундан ташқари инглиз забонини ҳам **она тилидек** ўрганиш фойдадан холи эмас (Тошкент окшоми, 92, 13 март). Буларда эса **жуда аниқ** ва **мукамал, яхши** маънолари реаллашган. Ёки: Раҳбар узоқ мулоҳазалардан сўнг уларнинг таклифига рози бўлди. Йигитлар **лоторясига ютук чиққандай** қувониб, мол-қўй олиш, бино тиклаш, ҳужжатларни расмийлаштиришга киришиб кетдилар (Халқ сўзи, 94, 4 март). Ушбу мисолда эса **ғоят** маъноси юзага келтирилган.

Юқоридаги баён ва таҳлиллардан шундай хулоса чиқариш мумкин. Ўхшатиш функционал-семантик синонимлар нарса-ходисанинг ёки ҳаракатнинг белгисини даражалаб ифодалашга хизмат қилади. Улар кўпинча **жуда, ғоят, ниҳоятда** каби даража ифодаловчи сўзлар билан синонимик муносабат ташкил этади. Аниқловчи, ҳол эллипсисга учраган ўринларда эса уларнинг

маъносини ҳам ўз зиммасига олади. Демак, ўхшатиш функционал-семантик синонимлар нутқ предметини характерловчи, ифоданинг ранг-баранглигини, таъсирчанлигини таъминловчи восита сифатида юзага келган.

§ 5: Бир сўзни синтактик алоқага киритиш орқали юзага келган функционал-семантик синонимлар

Ўзбек тилида бир сўзнинг келишиқ қўшимчалари ва бошқа элементлар орқали боғланишидан юзага келган сўзларнинг функционал-семантик синонимлари ҳам анчагина. Улар қаторига яхшиларнинг яхшиси, ёмонларнинг ёмони, доноларнинг доноси; йигитмисан йигит, қизмисан қиз, асалмисан асал, боғмисан боғ; камдан кам, кўндан кўп; бирдан бир, мингдан минг; қанчадан қанча; узундан узун, янгидан янги; йилдан йилга, кундан кунга кабиларни киритиш мумкин.

Бу хил бирликларнинг орттирма даража ифодалаш ҳақидаги дастлабки талқишларни З. Маъруфовнинг ишида кўрамиз. Муаллиф совукдан совук, хунукдан хунук, кўполдан кўпол; яхшиларнинг яхшиси, доноларнинг доноси каби бирликларни “бир сифатнинг ўзини такрорлаш йўли билан” орттирма даража ифодалаш сифатида кўрсатади (34:248). А. Абдуллаев худди шу хил ҳамда йигитмисан йигит, қизмисан қиз каби бирликларни синтактик усулда маъно кучайтиришнинг бир кўриниши сифатида таҳлил этади (1:36-39). Лекин ҳар икки муаллиф ҳам бу хил бирликларни алоҳида сўзнинг функционал-семантик синоними бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирмайди. Бир ўзакли сўзнинг бундай синтактик алоқага киришуви билан пайдо бўлган бирликлар иккала муаллиф томонидан ҳам такрор сифатида номланган. Бундай бирликларни такрорларга киритиш ўринсиз эканлиги ҳақида ҳам мулоҳазалар мавжуд (30: 89-91).

Мазкур бирликларнинг белгининг ортиқ ёки камлигини билдириши нуқтаи назарига, айрим ўринларда алоҳида сўзга синоним бўлишига кўра, сўзларнинг функционал-семантик синоними сифатида қараймиз. Масалан, доноларнинг доноси - донолар орасида ҳам доно маъноси билан энг доно бирлигига

тенг эканлигини тан олиш зарур. Шунга мувофиқ доноларнинг доноси - доно сўзининг функционал-семантик синоними ҳисобланиши зарур. Шунга ўхшаш ҳолат кўполдан кўпол, кўпдан кўп каби бирликларда ҳам бор. Кўринадики, бир ўзакли сўзларнинг бундай тузилиши сўзнинг лексик маъносига энг, жуда каби семаларни кўшимча қиляпти. Ҳатто, бу ҳол ушбу бирликларнинг феълдан тузилганларида ҳам кузатилади: қизигандан қизиди - жуда қизиди, юришгандан юришди - жуда юришди.

Шу конструкциядаги отдан тузилган йигитларнинг йигити эса ҳақиқий йигит маъносини юзага чиқаради. Қиёсланг: йигитмисан йигит. Мазкур бирликларнинг сон ва олмошлардан тузилганларига эса шу birlik тузилган сўз эмас, умуман бошқа сўз доминанта бўлиб келади. Масалан: бирдан бир - ягона, ёлғиз, биргина; қанчадан қанча - кўп, йилдан йилга - муттасил ва шунга ўхшашлар.

Қуйида мазкур бирликларнинг сўзга функционал-семантик синоним бўлиши, уларнинг гуруҳлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

1. Белгини даражалаб ифодалайдиган функционал-семантик синонимлар, ўз навбатида, кичик гуруҳларга бўлиниши мумкин.

а) қаратқич ва қаралмиш муносабатида шаклланган функционал-семантик синонимлар икки турли бўлиб, бири отлашган сифатлардан тузилади: Ундаги иродани ҳеч кимда кўрмаганман. Айтган сўзини бажарадиган мардларнинг марди эди (Ўзбекистон овози, 92, 4 ноябрь). Майдонга зўрларнинг зўри деб топилган полвонлар... чиқишди (Туркистон, 92, 10 апрель). Улар ўзақдан англашилган сўз маъноси устига юкорида айтганимиздек, жуда, энг маъноларини юклайди. Ана шу қўшган маъноси учун ҳам (энг мард, жуда зўр) мард ва зўр сўзларининг функционал-семантик синонимлари ҳисобланади. Иккинчи тури от туркумига мансуб сўздан тузилиб, ўзақдан англашилган маънога ҳақиқий, чин маъносини юклайди. Бир қарашда улар от бўлгани учун ҳам белги ифодаламагандай кўринади. Уларнинг бундай тарзда белги ифодалаган сўзлар каби интенсивлик юзага келтириши, уларнинг ижтимоий онгда шаклланган ижобий баҳосига эгаллиги билан изоҳланади. Масалан: йигитларнинг

Йигити - ҳақиқий йигит. Халқ тасавурида мазкур **йигит** сўзининг **ватан химоячиси, жасур, мард** маънолари мужассамланган. Бу фикрларни халқ мақоллари билан ҳам тасдиқлаш мумкин: **Йигит** сўздан қайтмас, арслон изидан. **Эр йигит** эл бошига иш тушганда синалар ва бошқалар. Шу ҳолатни **дарахт** сўзида ҳам кузатиш мумкин: Баобоб дарахтини шундай аташади. Бунда ҳеч қандай муболаға йўқ, ҳақиқатан ҳам, у ҳар томонлама **дарахтлар дарахти**, курраи заминимиздаги ўсимликлар дунёсининг энг йириги, ноёби, хайратомузи ҳисобланади (Тошкент ҳақиқати, 93, 9 сентябрь).

б) бир сўзнинг сўроқ юкламаси **-ми** ва кесимлик кўшимчаси **-сан** орқали бирикувидан юзага келган функционал-семантик синонимлар: **қизмисан қиз, йигитмисан йигит** каби. Мазкур гуруҳдаги функционал-семантик синонимлар от туркумига мансуб сўздан тузилган қаратқич ва қаралмиш типдаги функционал-семантик синонимларнинг синоними саналиши зарур. Қиёсланг: **йигитларнинг йигити - йигитмисан йигит**. Маълум тасавурлар бу бирликнинг кўшма гапнинг кесимларидан тузилганига ишора ҳам қилади. Халқ орасида бундай бирликнинг кўпинча **йигитмисан йигит, қизмисан қиз, паловмисан палов, асалмисан асал** кабилари кенг қўлланади. Мантиқий жиҳатдан эса жуда кўп сўзларни шундай шакллантириш мумкин. Биз бу ўринда бундай бирликларнинг қўлланилиши халқ лексиконидан мунтазам ўрин олганларини сўзларнинг функционал-семантик синонимлари ҳисоблаймиз. Мисоллар: Ахир ўзининг ҳам қишлоқдан четга чиққиси йўқ. Қишлоқ қизлари ҳам кўзга ташланиб қолибди. Кўшнининг қизи **қизмисан қиз** бўлиб етилибди (Оила ва жамият, 93, 6-сон). Ўтган ҳафта бозорга бир гилам чиқди, **гиламмисан гилам** эди-да (А.Қаҳҳор, Қанотсиз читтак). Бундай қўлланиш кўчма маънода ҳам бўлиши кузатилади: Унинг диркиллаган болдирлари, тирсиллаган кўкраклари, опшоқ бағбақалари, кўйинги, **гулмисан гул** (С.Анорбоев. Оқсой). Мазкур маъно қизни **гулга** ўхшатишдек кенг тарқалган тасаввурга асосланади.

в) биринчи компонент чиқиш келишигида, иккинчи компонент бош келишида шаклланган функционал-семантик синонимлар: **кўполдан кўпол, чиройлидан чиройли, кўндан**

кўп, камдан кам, қанчадан қанча каби. Улар ҳам қайси сўздан тузилган бўлсалар, ўша сўзнинг маъносига **жуда, энг, ғоят** маъноларини қўшиб, айти шу сўзнинг ўзига функционал-семантик синоним бўлади. Мазкур бирликлар одатда сифатдан, даража микдор равишларидан ва феълдан таркиб топади. Мисоллар: Ўта масъулиятли, шу билан бирга шарафли ва беминнат хизматни ўтаётган бу йигитга... **каттадан катта** муваффақиятлар тилаймиз (Постда, 94, 6 май). Шундай қизгиналар борки, агар **чиройлидан чиройли** қилиб, айтадиган бўлсак, бир табассуми билан сизни йўқитади. Аммо икки оғиз гурунглашинг... Афсус, уларни Аллоҳ ақлдан, ибодан қисган (Постда, 92, 22 апрель). Шундай қизгиналар борки, **кўполдан кўпол** қилиб айтадиган бўлсак, қарагингиз келмайди. Аммо икки оғиз гурунглашинг, дили пок, нияти соф, ақлан теранлигини билиб оласиз. Афсус, уларни Аллоҳ ташқи хусндан қисган (Постда, 92, 22 апрель). Ҳайдар қўрқоқбозни **камдан кам** одам танимаса, ҳамма танир эди (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Учрашувда Президент йиғилганларнинг **кўндан кўп** саволларига жавоб қайтарди (Адабиёт ва санъат, 94, 5 август).

Бундай бирликлар феълдан ҳам тузилиб, ҳаракат интенсивлигини билдиради ва уни даражадайди: **қизигандан қизиди, юришгандан юришди**, яъни **жуда қизиди, жуда юришди** маъносини бериб, **қизиди, юришди** сўзларига функционал-семантик синоним бўлади. Мисоллар: Гурунгимиз **қизигандан қизиди**. Анча-мунча сигаретлар ҳам чекилиб кетди (Оила ва жамият). Куйбишев ноҳиясидаги генерал Петров даҳасида яшовчи В.Сафина хонадони остонасидан хатлаганларнинг “ови” **юришгандан юришди** (Туркистон, 92,22 февраль).

2. Компонентлари бир сўздан ташкил топган бу бирликларнинг бир гуруҳи олдинги гуруҳдаги каби айти шу сўзга эмас, балки бошқа сўзга функционал-семантик синоним бўлади. Уларни қайси сўз туркумига мансублигига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

а) сондан таркиб топган бўлади: Бу муштипарларнинг **бирдан бир** орзуси шу-ку! (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Пиллачиликнинг **бирдан бир** озуқаси тут баргидир (Қишлоқ ҳақиқати, 92, 19 февраль). Бирор аёл кўнглингизга ёкса, уйланинг.

Мен мингдан минг розиман (Меҳнат, 94, 18 март). Улар одатда **ягона, биргина; тўла, тўлиқ** сўзларига функционал-семантик синоним бўлади.

б) вақтнинг маълум қисмини билдурувчи отдан тузилган бўлади: **кундан кунга, ёздан ёзга, йилдан йилга** каби. Улар одатда **тобора, борган сари, узлуксиз, мутгасил** сўзларига функционал-семантик синоним бўлади. Мисоллар: Булар бари Навоий вилоятининг **кундан кунга** яшариб бораётган ҳаётидан бир лавҳалар (Адабиёт ва санъат, 94, 5 август). Эҳтиёжнинг **кундан кунга** ўсиб бориши туфайли бу ерда 100 турдаги 24 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариладиган бўлди (Туркистон, 92, 19 февраль). Бас, шундай экан, теракзорлар барпо этишга ҳозирдан киришишимиз... ва улар эгаллаган майдонни **йилдан йилга** кўпайтириб боришимиз лозим (Ўзбекистон табиати, 93, 4 март). Сарик касаллигидан ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши азоб тортаётган, жигар касалликлари **йилдан йилга** ўсаётгани кузатилаётган бир даврда Қ. Ҳожиматов ўзи яратган гиёҳларни кўтариб, кирмаган идораси қолмади (Қишлоқ ҳақиқати, 93, 16 февраль).

в) оломшдан тузилади ва **кўп** сўзига функционал-семантик синоним бўлади: Қаранг, ўзини эр санайдиган ҳар бир эркак зотининг пешонасига **қанчадан қанча** савдолар битилган экан (Оила ва жамият, 93, 39-сон).

г) тожик тилидан ўтган **бекор** сўзидан тузилади ва **сабабсиз** сўзига функционал-семантик синоним бўлади: Наҳотки, ҳаётни севадиган, фарзандларини севадиган аёл **бекордан бекорга** ўзини ёқса (Хабар, 94, 30 апрель).

Бир сўзни келишиклар ва бошқа воситалар ёрдамида синтактик муносабатга киритиш орқали юзага келган бу бирликлар ўзбек тилининг ифода имкониятлари нақадар кенглигини кўрсатувчи далиллардан биридир. Улар тилнинг бойлиги ҳақида, унинг луғатларида қайд этилган сўзлар миқдорига қараб баҳо беришнинг қанчалик хато ва тилни билмаслик эканлигини ҳам эслатиб туради.

Хуллас, ушбу бирликларнинг асосий қисми белги, ҳолат, ҳаракат ва жараёнларни даражалаб, кучайтириб ифодалашга, бир қисми эса уларнинг мунтазам ва узлуксизлигини ифодалашга

хосланган эркин, аммо кўлланиши барқарорлашган ва тил вакиллари лексиконида тайёр ҳолда мавжуд бирликлардир.

§ 6. *Бир* сўзи ва нумеративлардан шаклланган функционал-семантик синонимлар

Мазкур функционал-семантик синонимларнинг айрим сўзга функционал-семантик синоним бўлиши иккинчи компонентни ташкил этувчи нумеративнинг маъносига боғлиқ бўлади. Уларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

а) иккинчи компонент **чимдим** сўздан шаклланади: Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Қаюм Ҳаққулов ҳам биз билан **бир чимдим** суҳбатлашишга вақт тополмади. У узр сўраб, бир оз кутиб туришни илтимос қилди (Ўзбекистон овози, 92, 17 март). Одатда **чимдим** сўзи жуда майда нарсалар - курук чой; ўсимлик уруғлари кабилар учун ишлатилади. Бу ўринда унинг маъноси **озгина** сўзига тўғри келади ва вақтга нисбатан ишлатилган.

б) иккинчи компонент **ховуч** сўзи билан шаклланади: Бу хотираларим... Америка Қўшма Штатлари ва у ерда истиқомат қилаётган “**бир ховуч**” ўзбеклар ҳақидадир (Ёш куч, 91, 7-сон, 11-бет). **Ховуч** одатда ховучлаб ушлаш мумкин бўлган нарсаларга нисбатан ишлатилади. Бу гапда миллатнинг бир қисмига нисбатан кўлланган, яъни кўчма маънога эга. Яна бир мисол: 1865 йилда **бир ховуч** аскар билан Қашқарда ҳокимиятни қўлга киритган ва ўн йил мобайнида мустақил давлатни идора қилган Қўқон лашкарбошиси Ёқуббек бадавлат (1865-1876) мисолида ибрат-қўради (Тошкент ҳақиқати, 92, 19 февраль).

в) иккинчи компонент **тутам** сўзи билан шаклланади: Боз устига, киш куни **бир тутам** - орқа-олдинга қарашга улгурмай шом тушади (Гулистон, 91, 6-сон, 24-бет). **Тутам** сўзи хашак, пичан ва шунга ўхшашларнинг қисмини билдиради. Бу ўринда вақтга нисбатан кўлланиб, **қисқа** сўзига функционал-семантик синоним бўлади.

г) иккинчи компонент **этак** сўздан шаклланади ва **кўп** равишига функционал-семантик синоним бўлади: Онаси **бир этак** бола билан бева қолди (Халқ сўзи, 92, 1 февраль). Саккиз

нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган отахон уларнинг ҳаммасини уйли-жойли қилиб қўйган. Ўз таъбири билан айтганда, **бир этак** набиралари ҳам бор (Оила ва жамият, 94, 14-сон).

д) иккинчи компонент **қадам** ва **одим** сўзи билан шаклланиб, **яқин** сўзи билан синонимик муносабат ташкил этади: Бахт ва бахтсизликнинг ораси **бир қадам** экан. Бошингга тушмагунча буни англаб етолмайсан (Туркистон, 92,17 март). Мазкур функционал-семантик синоним **-гина** юкламаси билан шаклланди, **яқинлик** маъносини яна ҳам кучайтиришга хизмат қилади: Уларнинг бу “ялло”лари билан жиноят орасининг масофаси **бир қадамгина** эканлигини ўйламаймиз (Маърифат, 91, 19 сентябрь). Ушбу функционал-семантик синонимнинг биринчи компоненти **икки** сўзи билан ҳам ифодаланиши мумкин, бироқ маънога ҳалал етмайди: Манови қирдан ўтсам бўлди, у ёғи **икки одим**, бир хатлашда етаман (Гулистон, 91, 6-сон, 25-бет). **Бир қадамнинг яқин** сўзидан ташқари, **озгина** сўзига функционал-семантик синоним бўлиши ҳам кузатилади: Бу, бир томондан, театрларга одамлар сонини кўпайтирган, иккинчи томондан, тарбиямиз борасида **бир қадам** силжишга имкон яратган бўлармиди (Ишонч, 92, 3 февраль).

е) иккинчи компонент **ўрин пайт келишиги** билан шаклланиб, **тенг** сўзининг функционал-семантик синоними бўлади: Аввало, неча хотин олса, уларни моддий жиҳатдан бекаму кўст таъминлай олиши керак. Иккинчидан, аёллар ва улардан туғилган фарзандларни **бир кўзда** кўриши лозим (Оила ва жамият, 92, 15-сон).

ё) иккинчи компоненти ўзаро синоним бўлган **олам, жаҳон, дунё** сўзларидан тузилиб, **миқдор, ҳажм, кўлам** ва бошқа маъноларни билдиради ва улар **кўп, кенг, чексиз, катта, ажойиб** сўзларига функционал-семантик синоним бўлади: Мохир шифокор, меҳрибон онанинг юмушлари **бир дунё** (Қишлоқ ҳақиқати, 86, 7 май). Ёшим улғайгач, бундай ўйлаб қарасам, ҳали олдинда **бир олам** юмушлар турган экан (Ўзбекистон овози, 92, 4 ноябрь). Ҳадисдаги ушбу ибратларнинг мазмуни **бир жаҳон** (Ишонч, 94, 16 апрель). Фарғоналик Пирматжон Шерматов бир кунда бойиди-қолди. У “Лаҳзада 15 миллион” лотореясининг 200 сўмлигидан уч дона сотиб олган эди. Шулардан бирита 15

миллион сўм ютук чиқди. Пирматжон аканинг севинчи **бир олам** (Қишлоқ ҳақиқати, 93, 5 октябрь). Улуғ адиб Ойбек хонадонидан биз **бир олам** қувонч билан қайтдик (Ишонч, 92, 8-сон). Завқ-шавқ билан гулханга гугурт чақасиз, оловнинг гуриллаб ёниши ўзи **бир олам** (Гулистон, 91, 9-сон, 30-бет).

ж) иккинчи компонент **бурда** сўзи билан шаклланиб, **кичик** сўзининг функционал-семантик синоними бўлади: Мамарайим афандининг ажин босган, қуришган **бир бурда** юзида илжайганга ўхшаган бир нарса кўринди (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). Бунинг **хорғин** маъноси ҳам мавжуд: Том соламан деб жуда қийналди бояжиш. Кеча кўрдим, юзлари **бир бурда** (Сўзлашувдан).

з) иккинчи компонент **қарич** сўзи билан шаклланиб, узун сўзига функционал-семантик синоним бўлади: Ҳой ўғлим! Қилгиликни қилиб кўйиб, тағин нега тилингни **бир қарич** қиласан (Ҳ. Назир, Бир тўп ғўза). Иккинчи компонент **қаричликдан** сўзи билан шаклланганда, **кичиклик**, **болалик** маъносини юзага келтиради: Гулнор, **бир қаричликдан** меҳнатга уринган бу жафокаш киз, энди ўзи ишқининг олов кўйлагида яшар эди (Ойбек. Қутлуғ қон).

и) иккинчи компонент **қулоч** сўзи билан шаклланиб, узун сўзига функционал-семантик синоним бўлади: Қилган иши шу-ю, яна тили **бир қулоч** (Сўзлашувдан). Устимдан шикоят қилгани-қилган, ишхонамга ҳам **бир қулоч** хат жўнатибди (Сўзлашувдан). Ашурхон, ишларингизни кейин қиларсиз. Келинг, сиз билан **икки оғиз** гаплашиб кетай деб келдим (С. Зуннуова. Олов).

й) биринчи компонент **икки** сўзидан, иккинчи компонент **энлик** сўзи билан шаклланиб, **қисқа** сўзига функционал-семантик синоним бўлади: Кўк конвертга солинган **икки энликкина** хат (А.Қаххор. Кўк конверт).

к) биринчи компонент **етти** сўзидан иккинчи компонент **иқлимда** сўзи билан шаклланиб, **дунё** сўзига функционал-семантик синоним бўлади: Қамбар чўлоқдек исковуч **етти иқлимда** йўқ (Ойбек. Қутлуғ қон).

Демак, **бир** сўзидан ва **нумеративлардан** тузилган функционал-семантик синонимлар бутуннинг бўлагини ифодалаб келганда, миқдор маъносини реаллаштириб, **оз**, **кўп**, **қисқа**

сўзлари, иккинчи компонент микдор ва масофа ўлчови маъносини ифодаланганда, **кўп**, **яқин**, **узун** сўзлари, кенглик ва микёс ифодалаганда эса **кўп**, **кенг**, **чексиз**, **катта**, **ажойиб** сўзлари билан синонимик муносабат ташкил этади.

§ 7. Гап кўринишидаги функционал-семантик синонимлар

Тилда гап типдаги функционал-семантик синонимлар ҳам анчагина. Улар нутқнинг ифодавийлиги эҳтиёжини таъминлаш асосида юзага келади.

Маълумки, бу тип функционал-семантик синонимлар фразеологизмга тегишли ишларда ўрганиб келинди. Кейинги йилларда сўзларнинг валентлиги юзасидан олиб борилган ишларнинг жонланиши (86) гап типдаги фразеологизмларнинг валентлиги ҳақида ҳам алоҳида тадқиқотнинг пайдо бўлишига туртки бўлди (27; 17; 29). Аммо гап типдаги фразеологизмларнинг сўзларга функционал-семантик синоним бўлиши юзасидан ўзбек тилшунослигида ишлар мавжуд эмас. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки ҳозиргача функционал-семантик синонимнинг ўзи ҳақида ҳам тушунча мавжуд бўлмагач, гап фразеологизмларнинг сўзга функционал-семантик синоним бўлиши ҳақида ишнинг бўлмаслиги ҳам табиий ҳолдир. Хўш, тилнинг бир-биридан фарқланувчи алоҳида бирликларининг ўзаро синонимик муносабат ташкил этиши қандай рўй беради? Биз ишимизнинг бу қисмида айти шу саволга жавоб ахтаришга ҳаракат қиламиз.

Номлаш назариясига кўра тилнинг алоҳида бирликлари бўлган сўз ва гап номлашнинг турли кўринишларига мансубдир, яъни сўзлар элементар номлашга тааллуқли бўлса, гап воқеий номлашга мансубдир. Бу хусусиятлар - уларни номлашга алоқадорлиги орқали бирлаштириб турувчи белгидир. Бундан ташқари, уларни яна бир белги бирлаштириб туради. Бу ҳам бўлса, уларнинг маълум тил жамоаси вакиллари лексиконидан жой олганлигидир. Бу жиҳатдан элементар номлаш маҳсули бўлган сўзларнинг кишилар лексиконидан жой олган бўлиши шубҳа уйғотмайди. Гап ҳақида эса бундай қатъий хулоса бериш

мумкин эмас, чунки ҳар қандай гап ҳам тайёр бирлик сифатида тил вакиллари лексиконида мавжуд эмас. Уларнинг аксар қисми нутқ асносида ҳар бир индивид томонидан янгидан тузилади. Бошқача айтганда, гапларнинг маълум модели кишиларнинг онгида мавжуд бўлса ҳам, сўз даражасида тайёр ҳолда нутққа жалб қилинмайди. Шу билан бирга, тилда шундай гаплар ҳам борки, улар предметнинг белги-хусусиятларини, ҳолатини ва ҳаракатини характерлаб ифодалагани сабабли тез-тез қўлланиши ва нутқда барқарорлик касб этиши натижасида кишиларнинг нутқиға ўзгаришсиз жалб қилинадиган бўлади. Улар худди шу белгисига кўра тил вакиллари лексиконидан тайёр бирлик сифатида жой олади. Бу эса уларни сўз билан жуда яқинлаштиради, яъни улар тил бирлиги сифатида барқарорлашади.

Гапни сўзлардан фарқлаб турадиган жиҳатлари ҳам бор: бу фарқлар сўзнинг элементар номлашга, гапнинг воқеий номлашга алоқадорлигида кўринади. Яна уларни бир-биридан фарқловчи хусусият шуки, юқорида эслатганимиз сўзнинг кишилар лексиконида тайёр ҳолда мавжудлиги бўлса, гапнинг аксар қисмининг нутқ асносида индивидуал тарзда юзага келишидир. Шунинг учун ҳам сўз ва фразеологизмлар тилнинг тайёр бирлиги саналса, гаплар нутқ бирлиги сифатида баҳолаб келинмоқда. Тилшуносликда кейинги пайтда гапни ҳам тил бирлиги сифатида баҳолаш лозим деган қарашлар юзага келди (20). Бундан ташқари, гапни номинатив бирлик сифатида баҳолашни шартли равишда тан олиш мумкин деган фикрлар ҳам бор (9: 43).

Хуллас, биз тил жамоаси лексиконидан барқарор жой олган, нутққа тайёр ҳолда жалб қилинадиган фразеологик характердаги гапларнинг алоҳида сўзларга функционал-семантик синоним бўлиши юзасидан баҳс юритамиз.

Сўзларнинг гап кўринишидаги функционал-семантик синонимларининг фразеологик характерда бўлиши ҳақида гапирилгач, ўз-ўзидан синтактик боғланишлари ҳақида фикр юритиш лозим. Юзаки қараганда, бу ўз-ўзидан равшандай туюлади: гап бўлгандан кейин эга кесим муносабати бўлади-да, дегандай. Улар ҳақидаги дастлабки таҳлиллар Ш. Раҳматуллаевга тегишлидир: “Бундай бирикма ёки гапдан яхлитлигича англашиладиган фразеологик маъно уни синтактик бирлик (нутқ

бирлиги) деб эмас, балки семантик бирлик (тил бирлиги) деб қарашга олиб келади... Умуман, ибора таркибида қатнашган сўзлар орасидаги боғланиш ўз кучини сақлайди, ўлмайди, фақат ички бўлади” (18:9-10). Аммо бу деган сўз гап функционал-семантик синонимлар истеъмолда, яъни нутқда ҳамма вақт ҳам ўз ички боғланишини сақлайди деган фикрни билдирмайди. Уларнинг бир қисми, яъни ўз таркибида ифодаланган эга компонентига эгаларигина нутқ асносида ўз эгасини сақлаган ҳолда қўлланади. Функционал-семантик синоним таркибида эга компонентнинг мавжудлиги гапнинг мантикий эгасини қаратқичли аниқловчига айлантиради. Натижада, гапнинг мантикий эгаси билан грамматик эгаси орасида номослик юзага келади: Табиийки, режаси амалга ошаётганидан Ибодулланинг **оғзи қулоғига етди** (Постда, 91, 5 октябрь). Мантикий эга - **Ибодулланинг** сўзида, грамматик эга эса **функционал-семантик синонимнинг** таркибидаги **оғзи** сўзида ифодаланган. Мантикий эганинг бошқа бўлақлар орқали ифодаланиши ҳақида қаранг : (29: 6-10).

Мантикий эганинг грамматик эга билан номослиги гап функционал-семантик синонимларнинг кўпинча кесим бўлиб келиши билан боғлиқ. Агар гап функционал-семантик синоним аниқловчи ва ҳол вазифасида қўлланса, гапнинг мантикий эгаси билан грамматик эгаси функционал-семантик синонимдан ташқарида мавжуд бўлади: Ҳабибулло студентлар орасида ҳамма ишга ҳавасманд, тиришқоқ ва **қўли ўнг** йигит эди (Оила ва жамият, 93, 40-сон). **Қўли ўнг** - ўқувли маъносида. Кечкурун Муртазо **вақти хуш** уйига қайтди (Шарқ юлдузи, 1991, 10, 22-бет). **Вақти хуш** - хурсанд маъносида.

Сўзларнинг гап функционал-семантик синонимларининг маъноси сўз орқали ифодаланадиган маънога нисбатан фарқли жиҳатларга эга бўлади, кўпинча уларнинг маъноси белги ва ҳолатни даражааб, яъни ортирма даражада ифодаланишига кўра фарқланади. Бу хусусияти эса уларнинг сўзга функционал-семантик синоним сифатида яшашини таъминлайди. Буни А.Ҳожиев фразеологизмлар хусусида шундай тушунтирган: “Умуман, фразеологик маънонинг ҳажми лексик маънонинг ҳажмига нисбатан кенг, мураккаб бўлади. Кўпгина

фразеологизмлар маъносида сўзнинг маъносида йўқ компонент бўлади. Масалан: **ёқасини ушламоқ, бошида ёнғоқ чакмоқ, ер-кўкка ишонмаслик** оддийгина хайрон бўлиш, азоблаш, ардоқлаш эмас, балки ортиқ даражада хайрон бўлиш, ниҳоят даражада азоблаш, ўта даражада ардоқлашдир” (35: 139).

Гап кўринишдаги функционал-семантик синонимлар ҳолат ва ҳаракатни ифодалаганда, кўпинча сабабдан юзага келадиган натижани билдиради ва натижанинг сабабини характерлайди. Бунда кишининг маълум руҳий ҳолатини юзага келтирувчи сабаб гап функционал-семантик синоним қатнашган гапнинг ўзида ёки олдинги гапда ифодаланади. Сабабдан киши руҳида ҳосил бўлган натижа бошқа бир ҳодиса ва ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлиб қолади. Ўз навбатида, унинг ҳам натижаси зоҳир бўлади: сабаб → натижа → сабаб → натижа муносабатида муайян занжир ҳосил бўлади. Ушбу сабаб-натижа занжирида биринчи натижа эса гап функционал-семантик синонимнинг доминантаси сифатида қўлланади. Шу ерда, яъни иккинчи натижанинг юзага келишига сабаб бўлиб қолган биринчи натижанинг номи бўлган алоҳида сўз иккинчи натижа - гап функционал-семантик синонимнинг доминантаси эса яширин тарзда қолади. Масалан: Оила бахтли яшади. Бирин-кетин ўғил ва қиз туғилди. Ота-хурсанд, онанинг боши осмонда. (Тошкент окшоми, 93,8 февраль). Мазкур парчада оиланинг бахтли яшаши, **ўғил ва қизнинг туғилиши - сабаб**; ундан келиб чиққан **натижа - хурсандлик**; бу ҳолат **ота хурсанд** гапида акс этган; **хурсандлик** сабаб бўлиб, **онанинг боши осмонда**. Биз айтган сабаб ва натижа занжири она ҳақидаги воқеа чизигида мавжуд.

Шу билан бирга, биринчи сабабнинг натижаси бўлган ва айни пайтда иккинчи натижага сабаб бўлган занжир ҳалқасининг нутқ чизигида узилиб қолиши иккинчи натижанинг маълум маънода автоном ҳолда, яъни ўз эгаси ва кесими билан гап тарзида шаклланишини таъмин этади. Чунки иккинчи натижа биринчи натижа сабабли юзага келган ҳолатни ифодалайди, аниқроғи, ҳолатнинг тасаввур орқали юзага келган номини ифодалайди. Шу сабабли мантиқий эга - **она** сўзи бу ўринда функционал-семантик синоним бўлган гап - **боши осмонданинг қаратқичли аниқловчиси** вазифасида бўлади.

Гап кўринишдаги функционал-семантик синонимларнинг кўплари биринчи натижа сабаб бўлиб, киши аъзоларида воқе бўладиган ўзгаришларнинг ифодаси тарзида пайдо бўлади. Масалан: Остонақул бутун бўлган воқеани сўзлади. Шошқол домланинг **кўзи қинидан чиқиб кета ёзди** (Ғ.Ғулом. Фарзанди солих). Бу парчада Остонақул сўзлаган воқеа - **сабаб**, Шошқол домла тушган руҳий ҳолат ғазабланиш - **натижа**, натижа сабаб бўлиб, Шошқол домла кўзида акс этган ўзгариш - кўзи қинидан чиқиб кета ёзди - **иккинчи натижа**, яъни гап функционал-семантик синоним. Бу ўринда иккинчи натижани юзани чиқарган ғазабланиш сабаб сабаб-натижа занжиридаги нутқда ифодасини топмай қолган узвдир.

Киши кўзининг бундай ҳолатга тушиши бошқа бир руҳий ҳолат кўрқувдан ҳам, хайратдан ҳам рўй бериши мумкин: Тупроққа қоришган каллалар, узилган кўллар, ерда чўзилган олачипор ичакларни кўраркан, унинг **кўзлари қинидан чиқа ёзди** (Ойбек. Кувёш қораймас).

Сабаб-натижа занжиридаги бу узилиш эллипсис ҳодисасининг бир кўриниши сифатида баҳоланиши мумкин. Агар нутқ жараёнида мазкур узилиш тикланган ҳолда кўлланса, гап функционал-семантик синонимдаги ифодавийлик бирмунча заифлашади.

Сўзларнинг гап кўринишидаги функционал-семантик синонимлари тузилишига кўра содда гаплардан, қўшма гаплардан, эргаш гаплардан иборат бўлиши мумкин. Қуйида улар ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1. Содда гап кўринишидаги функционал-семантик синонимлар

Содда гап кўринишидаги функционал-семантик синонимларнинг жуда кўп қисми икки компонентли, яъни эга ва кесимдан тузилган йиғиқ содда гаплардан иборат. Улар орасида ёйиқ содда гаплар ҳам мавжуд. Ёйиқ содда гаплар асосан феъл функционал-семантик синонимларни ташкил этади. Содда гап функционал-семантик синонимларнинг кесими қисман от туркумига мансуб сўзлардан, кўпчилиги эса сифат сўз туркумига тегишли сўзлардан,

баъзан равишлардан ифодаланади. Мазкур хусусиятлар уларнинг асосан сифат туркумига мансуб сўзларга функционал-семантик синоним бўлишини таъминлайди. Уларнинг бундай компонентлардан ташкил топиши инсоннинг турли белги-хусусиятларини характерлаб номлашга бўйсундирилгандир.

Йиғиқ содда гап функционал-семантик синонимларнинг эга компоненти **бош, кўз, қўл, пешона, тери, бел, оғиз, жағ, тил, кулок, соч** каби инсоннинг ташқи аъзолари номидан, **юрак, суяк, илик, ўнка** каби ички аъзолар номидан ифодаланади. Уларнинг бир қисми **ақл, эс, нафс, бахт, толе, кўнгил, жаҳл, ахлоқ, феъл** каби мавхум отлардан ифодаланади; бир қисми эса **юлдуз, дарвоза, дастурхон, бозор, чўнтак, харидор** каби конкрет отлар орқали шаклланади.

Эга компонент бундай функционал-семантик синонимларда учинчи шахс бирликдаги эгалик кўшимчаси билан шаклланади. Бу қўлланишнинг ўз сабаби мавжуд, чунки биз санаб ўтган эга вазифасида келадиган барча от туркумига мансуб сўзлар инсон билан боғлиқ белги-хусусиятларни характерлаш мақсади таъсирида юзага келган, уларни қаратқичи билан қўллашга эҳтиёж сезилмайди. Функционал-семантик синонимларнинг нутқ жараёнида турли бўлак сифатида вазифа бажариши уларнинг зарур бирикувчанлигини таъмин этади.

Гап функционал-семантик синонимларнинг кесимлари ҳам кўзга ташланиб турадиган маълум белгиларга эга. Уларнинг кесим компонентлари аксари белги-хусусият билдирувчи сўзлардан (феъл функционал-семантик синонимлардан ташқари) ифодаланади. Кесим компонент албатта ижтимоий онгда ўз ижобий ёки салбий баҳосига эга денотатнинг номи бўлган сўзлардир: **тор, кенг, очиқ, қисқа, калта, узун, юпқа, қалин, бўш, қора, оч, ўнг, катта, эгри, қинғир, ботир, боғлиқ, енгил, тўқ, ожиз, бутун, оқ, вазмин, бузук, бақувват, қуруқ, совук, ўлик, баланд, тез, қаттиқ** каби. Жуда кам ҳолларда кесим-компонент **гул, тош, дарё** каби сўзлар, яъни отлардан ифодаланади. Кесим компонентнинг салмоқли қисми тасдиқ ва инкорни ифодаловчи - **бор** ва **йўқ** сўзлари билан ифодаланади.

Биз қуйида йиғиқ содда гап функционал-семантик синонимларнинг шаклланиш моделлари ҳақида таҳлил берамиз.

а) **от-от. Юраги дарё** (сабр-тоқатли, оғир, вазмин): Онанинг ҳам **юраги дарё**. Бўлмаса келинининг туққанига уч ой бўлибди-ю, бир келиб кетай демайди (Ойдин. Келин ўғил туғибди). Афтидан, **юраги дарё** эллипсис натижаси, аслида **юраги дарёдай кенг** шаклида бўлган: Умрзоқ ака унча-мунча нарсага парво қилмайдиган, **юраги дарёдай кенг** одам эди (Х. Назир. Сўнмас чакмоқлар.) **Қўли гул** (мохир): Хонадонлар олдидаги **қўли гул** инсонлар яратган шинам боғларда етилган мевалар эса кўзингизни қамаштиради (Тошкент оқшоми). **Қўли гул** пазандалар тайёрлаган ош халқ сайлининг барча қатнашчиларига тарқатилди (Адабиёт ва санъат). **Бағри тош** (бераҳм, шафқатсиз): Тухмат қилиб қаматган ҳам жияним, қувғинга солган ҳам ўша жияним, **бағри тош** чиқди, оғайни (Ш.Рашидов. Бўрондан кучли).

б) **от-сифат**. Бу типдаги гап функционал-семантик синонимларни ижобий ва салбий муносабат ифодалашига кўра иккига ажратиш мумкин.

Ижобий баҳога эга функционал-семантик синонимлар:

Ақли расо (ақлли, заковатли): Сендай **ақли расо**, тушунадиган одам бўлсам, заводдан кетмас эдим (А.Қахҳор. Қанотсиз читтак). **Кўнгли кенг** (саховатли): У **кўнгли кенг**, вазмин бўлишни... ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб юришни хавас қилади (П.Қодиров. Уч илди). **Кўнгли очик** (самимий): Унинг **кўнгли очик**, содда йигит эканини билиб, болалар бирин-бирин яқинлаша бошладилар (Ойбек. Қутлуғ қон). **Қўли очик** (сахий): **Қўли очикнинг**, кўнгли очик (Мақол). **Кўнгли тоза** (самимий): Хадича яхши аёл: **кўнгли тоза**, мард, тўғри сўз (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар). **Кўнгли тўқ** (хотиржам): “Бектемирдан **кўнглим тўқ**, - деди Али тажанг, - калласи ишлайди” (Ойбек. Қуёш қораймас). **Юлдузи иссиқ** (ёқимли, жозибали): Кўриб, танитай қолибман, **юлдузи иссиқ**, попукдай қиз бўлибди (Мирмуҳсин. Жамила).

Келтирилган гаплардаги кесим компонентлар **расо**, **кенг**, **тоза**, **очик**, **тўқ**, **иссиқ** сўзлари ижтимоий онгда ўзининг ижобий баҳосига эга бўлиб, улар гап функционал-семантик синонимларга ижобийлик маъносини юкляпти.

Салбий баҳога эга функционал-семантик синонимлар:

Бахти қора (бебахт, бахтсиз): Азиз дўстлар, нетай, **бахти қаро** бўлганга йиғлайман, Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йиғлайман (Ҳамза. Пранжи сирлари). **Оғзи бузук** (беадаб): Ҳой **оғзи бузук**, мени чуқурдан олиб чиққанинг рост! Лекин буни ҳаммага кўрсата берма (Т.Обидов. Юсуфжон қизик). **Кўзи тор** (хасис, зикна): Ўзлариям ўлгунча **кўзи тор**, зикна - деди Латип (Ғ.Ғулом. Шум бола). **Тили эгри** (ёлғончи): **Тили эгри** одамдан тўғри сўз кутма (Тошкент оқшоми. 86, 16 август). **Қўли эгри** (нопок): Яна бир гап, билиб туриб қаллоб, **қўли эгри** одамдан ҳалол пулга олинган ҳамма нарса, жумладан, озиқ-овқат масаллиқлари ва улардан пиширилган таом ҳам харом бўлади (Оила ва жамият, 94, 13- сон). **Қўли қинғир** (ўғри): Ҳа, тақчиллик ҳукм сураб экан, у **қўли қинғир** одамларнинг жиноят кўчасига киришига омил бўлиб хизмат қилади (Туркистон, 93, 13 март).

Бу гапларда эса келтирилган функционал-семантик синонимларнинг кесим компонентлари **қора**, **бузук**, **тор**, **эгри**, **қинғир** сўzlари ўзларининг салбий маъносини ижтимоий онгда барқарорлаштирган сўзлардир. Бундан кўринадики, гап функционал-семантик синонимларнинг кесим компоненти уларга ижобий ва салбий маънони юклашда катта аҳамиятга эгадир.

в) **от - сифатдош**. Мазкур типдаги функционал-семантик синонимлар микдор жиҳатдан салмоқли ўринни эгаллайди. Унда ўтган замон сифатдошининг бўлишли шакли ҳам, бўлишсиз шакли ҳам қатнашади: **номи чиққан**, **сўлоғи чиққан**, **боши кўшилган**; **охори тўқилмаган**, **чилласи чиқмаган**, **хамири ачимаган** каби. Масалан:

Номи чиққан (таниқли, машхур): **Номи чиққан** ашулачи-санъаткордан бошқа ҳамма хурсанд бўлиб тарқалди (А.Қаҳҳор. Санъаткор). **Сўлоғи чиққан** (эски; шалоқ): Оббо! **Сўлоғи чиққан** машинангизни мунча мақтадингиз! (Н.Сафаров. Ҳаёт мактаби); **Боши кўшилган** (бирлашган): Ҳамма гап эндиликда миллатнинг **боши кўшилган** ҳолда дунёвий тирикчиликлар сари дадил бора билишида (Адабиёт ва санъат, 92, 21 август). **Охори тўқилмаган** (янги): Болтавой энди **охори тўқилмаган** беқасам тўн ўрнига ямоқ тушган гуппи киядиган бўлди (С.Аҳмад. Қадрдон далалар). **Чилласи чиқмаган** (янги): **Чилласи**

чиқмаган она далага чиқиб кетибди; **Чилласи чиқмаган** чакалокни сунъий сут билан боқишни бошлашибди (Сўзлашувдан). **Хаамири ачимаган** (бегам, сусткаш): Оббо **хаамири ачимаган-эй**, туша қолмайсанми энди? (Н.Сафаров. Қурбонали).

г) **от - кўп** сўзи. Бу типдаги функционал-семантик синоним **харидоргир** сўзи билан синонимик муносабат ташкил этади: Шундан бўлса керак, бу сержило мрамарнинг **харидори кўп**, бозори чаққон (Ўзбекистон овози, 92, 18 август).

д) **от - бор** сўзи. Мазкур қолипдаги функционал-семантик синоним эгадан англашилган нарсанинг кимдадир мавжудлигини билдириб, сифатларга синоним бўлади: Дилида **сиёҳлик бор** (хафа): Ё танида нохушлик, ёхуд дилида **сиёҳлик бордир?** (М.Исмоилий, Фаргона тонг отгунча). **Хабари бор** (хабардор, билади, вокиф): Сизнинг бу ишингиздан қайин отангизнинг **хабари бор** эдими? (А.Қодирий. Ўтган кунлар). **Юрагида ўти бор** (мард, жасур, шижоатли): Мен ҳам ёмон кўрмас эдим, негаки, йиғити тушмагур ўзимга ўхшаган **юрагида ўти бор**! (О.Ёқубов. Чин муҳаббат).

е) **от - йўқ** сўзи. Бу қолипдаги функционал-семантик синонимлар эга компонентдан англашилган нарса, белги-хусусиятларга эга эмасликни билдириб, инкор қилиб, сифат туркумига мансуб сўзларга синоним бўлади. Масалан:

1. **бе-, -сиз** аффикси билан ясалган сифатларга синоним бўлади: **Хунари йўқ** (хунарсиз, беҳунар): **Хунари йўқ** кишининг, мазаси йўқ ишининг (Мақол). **Қўли йўқ** (беайб, айбсиз): Аҳроп ўзини бу ишда **қўли йўқ** деб ҳисоблайди (Постда, 92). **Жони йўқ** (жонсиз, ўлик; мадорсиз, кучсиз; бўш, чидамсиз, заиф): Сойга қарасак, учта балиқ ётибди, иккитаси ўлик, биттасининг **жони йўқ** (Эртақдан). Бир кўлимнинг **жони йўқроқ** (А.Қаҳҳор. Қўшчинор). Бу тўрингнинг **жони йўқ**, балиқ тутишга ярамайди (Сўзлашувдан).

2. Туб ва ясама сифатларга синоним бўлади: **юрагида кири йўқ** (пок, самимий): Жамол хола кўнгли очик, **юрагида кири йўқ** хотинлардан... (Х.Нўъмон. Ёшлиқда берган кўнгил). Бизнинг одамларимиздан. Жуда дилкаш, **кўнглида кири йўқ** жувон

(С.Зуннунова. Гулхан). **Тоби йўқ** (касал): Нима, **тобингиз йўқми?** Кўзларингиз ичига кириб кетибди (Мирмуҳсин. Умид).

ё) от - сон. Бундай функционал-семантик синонимлар қўшма феълнинг кўмакчи феъл қисми қисқарувидан юзага келади. Масалан: **Кўзи тўрт** (интизор): Дарҳол телеграмма қоқ, болам. **Кўзим тўрт.** (И.Раҳим. Оловкор). Зухранинг ҳам **кўзлари тўрт**, интизор (С.Абдулла). Қиёсланг: Наҳотки, саккиз ойдан бери бир марта кўриш насиб этмаса? Йўлингизда **кўзларим тўрт бўлди** (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). **Дўнписи яримта** (хурсанд, беғам, бепарво): ...кўп одамлар оёғидан қарзга илинади. Ҳеч нима бўлмагандай, **дўнписи яримта!** Ҳалкумигача қарзга ботганини ўзи билмай қолади (Ойбек. Қутлуг қон). Ғанигушна анча гушналикдан тушган, усти башанг, чаккаси таранг, ҳамёни жаранг-у, **дўнписи яримта** (С.Абдулла. Ота ва ўғил).

ж) от - сон - кўмакчи феъл. Боши икки бўлмоқ (уйланмоқ): Йигитнинг **боши икки бўлмагунча**, моли икки бўлмайди (С.Аҳмад. Қадрдон далалар).

з) от - феъл. **Кўзи етмоқ** (ишпонмоқ): Хуллас, Марҳамат ҳозир бу бола билан гаплашиб, бирон натижа чиқара олмаслигига **кўзи етди** (Ҳ.Назир. Кўкорол чироклари). **Кўнгли ўсмоқ** (рухланмоқ): Аваз ўзининг чўпонлик қобилятидан ғурур қилиб, **кўнгли тоғдай ўсиб юрган** пайтларини эслади (П.Қодиров. Қора кўзлар). Ўзига биринчи марта муҳим вазифа топширилганидан **кўнгли ўсиб**, Раҳимнинг оёқ олиши бошқача бўлиб кетди (Ҳ.Назир. Кўкорол чироклари). **Хўрлиги келмоқ** (ўксинмоқ): **Хўрлигим келиб**, ўтириб йиғладим (П.Турсун. Ўқитувчи). Қорасочнинг дили сиёҳ бўлиб, бирдан **хўрлиги келди**. (С.Анорбоев. Жасорат). **Кўз тегмоқ** (кўзикмоқ): **Кўз тегмасин.** Ажойиб келингинам бор-да... (С.Абдулла. Муқимий).

и) от - равиш. Мазкур қолипдаги гап функционал-семантик синонимлар бармоқ билан санарли миқдорда учрайди: **жаҳли тез, феъли тез** каби. Лекин улар ҳам гап ҳолида предметнинг белгисини билдиради ва сифат туркумидаги сўзга функционал-семантик синоним бўлади. Масалан: Шомми калнинг **жаҳли жуда тез** бўлиб, юрагида кек сақловчи киши эди (Ж. Шарипов. Хоразм). Домланинг **аччиғлари тез**, асабий мижоз эканликларини айтиб ўтган эдим (М.Муҳаммадҷонов. Турмуш

уринишлари). Хотининг бунақа **фёъли тез** экан, (болани) олиб кетмагани ҳам дуруст (А.Қахҳор. Кўшчинор).

Мисоллардаги функционал-семантик синонимлар ўзаро синоним сўзлар ҳисобига вариантланиб, бир хил маъно англатади. Улар гапда аниқловчи, кесим ва ҳол вазифасини бажаради, **сержаҳл, жиззак, қизиққон** сифатлари билан синонимик муносабат ташкил этади.

Ёйиқ содда гап кўринишидаги функционал-семантик синонимларда содда гап эга ва кесим таркибининг кенгайиши ҳисобига ёйилиш рўй беради. Мазкур функционал-семантик синонимлар эга ва кесим муносабатида мантиқий етишмовчилик таъсирида иккинчи даражали бўлақлар ёрдамида тўлдирилган бўлади. Бусиз информация кемтик бўлиб қолади. Масалан, **кўнглида кири йўқ** содда гапида эга компонентнинг учинчи шахс эгалик қўшимчаси билан келиши қаратқични талаб қилмайди, бу **унинг** сўзи эканлиги англашилиб туради. Лекин эга кесимдан англашилган хабар **кирнинг йўқ** эканлиги орқали мантиқий савол туғилади: **қаерда** кир йўқ? Хабардаги айна шу етишмовчилик **кўнглида** сўзи ёрдамида тўлдирилади. Натижада функционал-семантик синоним **ҳол** - эга - **кесим** тишида шаклланади. **Дилида сиёҳлик бор** ҳам шундай шаклланган.

Содда гап функциоанл-семантик синонимлар орасида маълум шароитда ўз маъносини юзага чиқарувчилари ҳам мавжуд: **Жони чикди** икки маънони - **ўлмоқ** ва **ғазабланмоқ** маъносини реаллаштиради - Милтиқдан **ўт** очди. **Жони чиқаётган** солдатларнинг бўкириши эшитилди (Ойбек. Куёш қораймас); Менга насиҳат қилавериб, **жонимни чиқарманг!** (Ойдин. Кўнглинг тўлдими, яхши йигит?). Бундай имкониятни улар, худди сўзлар каби, контекстдан олади. Худди шунга ўхшаш ёйиқ содда гап функционал-семантик синонимлар ҳам шароит ва контекстга кўра бир неча маънода қўлланиши мумкин: Бундай ҳолатнинг барчасида ҳам улар сўзга функционал-семантик синоним бўлавермайди. Бир хил маъносиди бирикмага функционал-семантик синоним бўлса, бир маъносиди сўзга функционал-семантик синоним бўлиши мумкин. Масалан, **Жони халқумига келмоқ** фразеологизми тўрт маънога эга: 1. Ўлар ҳолатга келмоқ. 2. Чидами тугаб, яшашдан безор бўлиб кетмоқ.

3. Ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ, дарғазаб бўлмоқ. 4. Ниҳоятда қаттиқ кўркмоқ. (142: 101-102).

Бу фразеологизмнинг биринчи маъноси бирикмага, иккинчи маъноси гапга, учинчи ва тўртинчи маънолари сўзга функционал-семантик синоним ҳисобланади.

Эйиқ содда гап кўринишидаги функционал-семантик синонимларнинг қуйидаги тишлари мавжуд.

1. **Эга - тўлдирувчи - кесим. Кўзи қонга тўлмоқ - ғазабланмоқ.** Манқурт ҳақида китобларда ўқиган, киноларда кўрган филологлар **кўзи қонга тўлган**, оғзидан бадбўй ҳид келиб турган, захил башара манқуртлардан калтак еган, таҳқирланган (Халқ сўзи, 92, 1 февраль). **Эти суягига ёпишган - ориқ, озғин.** Тишлари тушиб, жағи жағига киришиб кетган катта бувиси ҳассасини ерга тақ эткизиб урди-ю, кўришиб, **эти суягига ёпишиб кетган** башарасини тириштириб шанғий бошлади. (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

2. **Тўлдирувчи - эга - кесим: кўзини ёғ босмоқ - мағрурланмоқ, такаббурланмоқ.** Э, кўришмаймизми мундоқ! **Кўзингизни ёғ босибди-да** (П.Қодиров. Уч илди).

3. **Эга - ҳол - кесим: оғзи қулоғига етмоқ - шодланмоқ, севиноқ, қувонмоқ.** Дўконнинг дарчасидан **оғзи қулоғига етиб**, илжайиб турган қоп-қора бир башара кўринди (А.Мухтор. Опа-сингиллар). **Жони халқумига келмоқ - ғазабланмоқ.** Бола деса, **жони халқумига келади** (С.Абдулла. Девор орқасида суҳбат). **Боши осмонга етмоқ - севиноқ, қувонмоқ.** Ўз кишиларини танимагани қизиқ. Йўқлаб келибсан, **бошим осмонга етди.** (А.Мухтор. Опа-сингиллар).

4. **Ҳол - эга - кесим: ораларидан қил ўтмайди - иноқ, ахил.** Иккови шундайм улфатки, **ораларидан қил ўтмайди** (Ойбек. Олтин. водийдан шабадалар). Шарофат менга сўз берган. **Орамиздан қил ҳам ўтмайди.** Бахт юришиб, мен бирорта ишга жойлашиб олсам, иккинчи ойлигимдан тўй (Ғ.Ғулум. Мен ўзимни отаман). **Лабига учук тошади - кўрқиб кетади, кўрқади.** Энди бу усуддан гапирсанг, эшитганнинг **лабига учук тошади.** Нега десангиз, яхши ишнинг обрўсини тушириб қўйдик (И.Раҳим. Ихлос).

5. Аниқловчи - эга - кесим: кўзининг пахтаси чикмоқ - газабланмоқ. Холмурод билан доим хушмуомала бўлган қори қутилмаганда бирдан хўмрайиб, кўзларининг пахтасини чиқарди (П.Турсун. Ўқитувчи). Киндик қони тўкилган - туғилган. Ҳар қандай одам, у қаерда бўлмасин, киндик қони тўкилган кишлоғи, шаҳридан ҳеч қачон умид узолмайди (Ўзбекистон табиати, 92, 18 март).

6. Аниқловчи - тўлдирувчи - эга - кесим: ўз ёғига ўзи қовурилмоқ - азобланмоқ, эзилмоқ. Уч кундирки, Бўтабой ўз ёғига ўзи қовурилиб уйда ўтирибди (С.Аҳмад. Хукм).

2. Қўшма гап кўринишидаги функционал-семантик синонимлар

Сўзларнинг функционал-семантик синонимлари орасида қўшма гапдан шаклланганлари ҳам мавжуд. Улар одатда икки содда гапдан тузилади, содда гаплар ўз таркибига кўра, яъни эга ва кесимнинг иштирокига кўра тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар бўлиши мумкин.

Қўшма гап кўринишидаги функционал-семантик синонимлардаги содда гаплар ўз таркибига кўра қуйидагича шаклланади.

а) қўшма гаптаги содда гапларнинг эга компоненти кишилик олмошларидан шаклланиб, кесим компонентлар кўр сўздан иборат бўлади. Афтидан, кесим компонентнинг бундай шаклланиши сен ҳам кўрмадинг, мен ҳам кўрмадим билан боғланади. Бу ҳолатни тасдиқловчи далил сифатида Кўрмагандай бўлиб кетдим, яъни соғайиб кетдим маъносидаги иборани келтириш мумкин.

Бу муолажадан кейин бемор сен кўр, мен кўр бўлиб кетди (Радиодан). Мазкур гап функционал-семантик синоним соғаймоқ феълига синоним бўлади.

б) эга компонентлар III шахс бирликдаги отдан, кесим компонентлар сондан шаклланади: оёғи олти, қўли етти (Ғоят хурсанд) - Зайнаб оёғи олти, қўли етти бўлгани ҳолда эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқазиб, ёнига учта пар ёстикни қўйди (А.Қодирий. Ўтган кунлар). Бу ерда ҳам сабаб → натижа → сабаб

→ натижа занжиридаги сабабга ўтган натижа орқали номлаш кузатилади.

в) эга компонентлар III шахс эгалик қўшимчаси билан, кесим компонентлар **бошқа** сўзи орқали шаклланади: **тили бошқа, дили бошқа** (иккиюзламачи) - Хориждаги ватандошларимиз ўзларини ватанпарвар, халқимизни бой-бадавлат кўришни орзу қилувчи сифатида тутадилар, чиндан ҳам шундайлари бор ва улар анчагина. Аммо **тили бошқаю дили бошқалари** ҳам топилади (Халқ сўзи, 93, 21 декабрь).

г) эга компонент сондан ифодаланган аниқловчиликни одан, кесим компонент **кам** ва **кўп** сўзларидан ташкил топади: **битта гап кам, иккита гап кўп** (жуда назик): Ҳозир замон шундайки, одамларга **битта гап кам, иккита гап кўп** (Оила ва жамият, 92, 9- сон).

д) эга компонент ўзининг сондан ифодаланган сифатловчиликни аниқловчиси билан келган III шахс эгалик қўшимчасидаги одан, кесим эса ўрин-пайт келишигидаги одан ифодаланади: **бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда** (қари, кекса) - Ашур мирзонинг кўзига кўринган нарса... севгили Жамиласи; ширин-шакар Тўтиқизи бўлмади. Йўқ, **бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда** бўлиб қолган имонсиз хўжайиннинг сарқит жони бўлди. (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

е) эга компонент бош келишида, кесим компонент холланмишга эга бўлган шарт майлидаги феъл билан шаклланади, иккинчи гап фақат феълдан ифодаланган кесимдангина шаклланади: **ер тагида илон қимирласа, билади** (ўта сезгир, зийрак) - Нусрат уни: “**Ер тагида илон қимирласа, билад:**”, дер, ундан ўтдан қўрққандек қўрқарди (С.Назар. Яшил бойлик).

ё) эга компонент функционал-семантик синоним таркибида ифодаланмаса ҳам, кесимлар шаклидан эгаларнинг у олмоши орқали ифодаланиши маълум бўлади. Аммо иккинчи содда гапнинг эгаси функционал-семантик синоним қатнашган гапда мавжуд бўлиб, биринчи гапнинг эгаси ўзга шахс эканлиги сезилиб туради: **ерга урса, кўкка сапчийди** (ўта шўх). - ...туппа тузук вазмин йигит бўлиб қайтибди. Бўлмаса у ҳам илгари **ерга урса, кўкка сапчирди** (Ҳ.Назир. Рашк).

ж) эга ва кесим компонент ҳолланмиш вазифасида бўлиб, ҳол мақсад равишдоши билан ифодаланади. Бундай қўшма гап **ёқтирмайди** сўзига функционал-семантик синоним бўлади: Ойқиз билан Олимжонни ҳам, Муротали билан Олтинсойни ҳам **кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ** эди (Ш.Рашидов. Бўрондан кучли).

Қўшма гап кўринишидаги функционал-семантик синонимлар унча кўп эмас. Улар ўзи синонимик муносабат ташкил этаётган сўз англатган маънога **жуда, ғоят, ниҳоятда, ўта даражада** маъноларини юклаганлари учун ҳам, белги, ҳолат ва ҳаракатни характерлаб бераётганлари учун ҳам сўзларга функционал-семантик синоним сифатида яшаб келмоқда. Оз бўлса ҳам, фақат эргаш гаплардан шаклланган гап функционал-семантик синонимлар ҳам учраб туради: **кўз очиб юмгунча, ана-мана дегунча** каби. Мисоллар: **Кўз очиб юмгунча** Жаҳоной опа ҳам 45 ёшни ошалаб қўйибди (Тошкент оқшоми, 93, 9 февраль). Бу орада **ана-мана дегунча** қиш ҳам келиб қолди (Гулистон, 91, 6-сон, 24-бет). **Кампир шафтолини еб, данагини ажратгунча**, ҳамма ишни битириб қўямиз (Сўзлашувдан). Мазкур гап функционал-семантик синонимлар пайт маъносини англатиб, тезда сўзига функционал-семантик синоним бўлади.

Хуллас, сўзларнинг гап кўринишидаги функционал-семантик синонимлари содда, қўшма ва эргаш гап қолипида бўлади. Бир жихатдан улар ҳам қайта номлаш маҳсули бўлиб, денотатни характерлаш, у ҳақдаги тасаввурларни жонлантириш, баҳолаш, белгини даражалаш, экспрессивликни таъминлаш каби хусусиятларга эга бўлиб, белги ва ҳаракатни жонли тарзда тақдим этади. Улар воқеий номлаш маҳсули бўлсалар ҳам, элементар номлаш маҳсули - сўзларнинг функционал-семантик синонимлари сифатида миллий тил вакиллари лексиконидан барқарор жой олгандир.

§ 8. Перифрастик функционал-семантик синонимлар

Нарса-ҳодиса ва шахсларни ифодаловчи функционал-семантик синонимлар перифрастик характерга эга бўлиб, тилда тарқалиши эътибори билан салмоқли ўринлардан бирини

эгаллайди. Перифраза борасидаги қарашлар турлича бўлиб, баъзи тадқиқотчилар уларнинг фразеологик характерга эга эканлигини тан олишади, лекин уларни фразеологизмлар таркибига қўшмайдилар. Аслини олганда, номлаш нуқтаи назаридан перифраза ҳам, фразеологизм ҳам қайта номлаш маҳсули сифатида юзага келади. Фақат уларнинг фарқи шундаки, перифраза ўз номига эга предмет-ҳодисани, шахсни қайта номлайди, фразеологизм эса белгини, ҳолатни, ҳаракатни қайта номлайди. Кўринадики, улар номлаш эътибори билан принципиал фарққа эга эмас, фақат нимани номлашига кўра фарқланади.

Перифраза нутқнинг ранг-баранглиги, таъсирчанлиги, бадийлигини таъминловчи услубий воситалардан бири ҳисобланади. Маълум жиҳатлари билан мазкур ҳодиса ўхшатиш, метафора, метафорик эпитет каби бадий тасвир воситалари билан бир қаторда туради.

Тилшуносликдаги бир ҳодиса кўпинча турли муаллифлар томонидан турлича тушунтирилади. Бундай ҳолатдан перифраза ҳам мустасно эмас. Масалан, тилшуносларимиздан А.Ҳожиев “дала маликаси”, “революция бешиги” кабиларни перифраза ҳодисасига киритган бўлса (33:267), Р.Қўнгуоров “пўлат от”, “зангори кема”, “зангори олов” кабиларни кенгайган метафора деб изоҳлайди (26:237).

Перифраза ҳақида ўзбек тилшунослигида, адабиётшунослигида, дарслик ва луғатларда берилган таърифларда ҳам бир хиллик етишмайди. Солиштириш учун таърифларни келтириб ўтамыз:

“Нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, тасвирий усул билан маълум контекст, ситуациядаги характерли белги хусусияти орқали ифодаланадиган стилистик приём” (33:267). “Кишиларнинг отларини ёки предметларнинг номини тўғридан-тўғри гапирмасдан, уларни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар воситасида баён қилиш перифраз дейилади” (26:243). “Кўчим турлардан бири бўлиб, унда нарса ёки инсон ўз номи билан эмас, балки унга хос асосий белгилар, хусусиятлар номи билан юритилади” (36:230).

Келтирилган таърифлардан англашилишича, перифраза нарса-ҳодисанинг ва кишиларнинг номи ўрнида қўлланадиган восита. Хўш, ўзбек тилшунослигига ва адабиётшунослигига мавжуд таърифлар қаердан келиб қолди деган ҳақли савол туғилади. Мазкур саволга жавоб олиш учун рус тилшунослиги ва адабиётшунослигида мавжуд таърифларни кўриб чиқишга тўғри келди. Маълум бўлишича, перифразага берилган мазкур таърифлар русча манбаларда ҳам учрайди. Демак, перифразани предмет-ҳодисанинг ва шахснинг номини тасвирий усул билан ифодаловчи стилистик восита сифатида тушунтириш ўзбек тилшунослигига ва адабиётшунослигига рус тилшунослиги ва адабиётшунослигидан таржима асосида вужудга келган таърифдир. Таърифдаги бундай ҳар хилликнинг бош сабаби ўзбек тилшунослигида перифразанинг табиати, ўрни, вазифаси ҳали тўлиқ ўрганиб чиқилмаганидандир.

Ш.Балли ушбу ҳодисани “Фикрнинг кенг шаклда такрорланиши одатдаги терминологияда перифраза дейилади” (5:126) тарзида таърифлайди. Лекин унинг ҳам келтирган мисоллари от сўз туркумига мансубдир. Бошқа манбадан олинган қуйидаги таъриф ҳам юқоридаги фикрларни мустаҳкамлайди: “Перифраза, перифраз (юнон. - тасвирий ифода, бошқача), предмет, тушунча, ҳодисани ўз номи билан эмас, маълум контекст, ситуациядаги қандайдир характерли томонлари, белгиларини таъкидлаш орқали тасвирий ифодалайдиган услубий усул” (19: 203).

Юқоридаги таърифлар билан танишув кишида шубҳа уйғотади: наҳотки, предмет-ҳодисани, инсонни ўз номи билан эмас, перифраза орқали ифодалай олган инсон предметнинг белгисини, ҳолати ва ҳаракатини перифраза орқали нега ифодалай олмаган? Бунинг сабаби нима?

Аслида, инсон жуда қадим замонлардан бери предметнинг белгиси, ҳолати ва ҳаракатини ҳам бошқача номлаб, атаб келган. Фақат бундай номлаш тилшуносликда бошқача аталиб келинган, яъни улар фразеологизмлар деб юритилади. Мисолларга мурожаат қилайлик: **она сути оғзидан кетмаган** (ёш, тажрибасиз), **ер тагида илон қимирласа, биладиган** (сезгир), **тоғни урса, талқон қиладиган** (забардаст, паҳлавон); **йил - ўн**

икки ой (доимо), икки оғиз, икки шингил (озгина, андак), кўз очиб юмгунча (тезда), кўз тагидан (яширин); кўйинини пуч ёнғокка тўлдирмоқ (алдамоқ), ўз ёғига ўзи қовурилмоқ (азобланмоқ), тена сочи тикка бўлмоқ (газабланмоқ), ковушини тўғрилаб кўймоқ (хайдамоқ, кувмоқ) каби.

Шундан бўлса керак, перифразага тегишли қарашларда мазкур ҳодисанинг фразеологияга алоқадорлиги айтиб ўтилади. Масалан, И.Б.Голуб перифразаларни лексик, образли ва индивидуал-муаллифий гуруҳларга ажратади ва образли перифразалар одатда барқарор хусусият касб этиб, фразеологиялашган ёки фразеологиялашув асносида бўлади (47:154) деган фикрни олға суради. В.П.Уткина эса идеоматик оборот, фразеологик чатишма, барқарор бирикмалар бир вақтнинг ўзида перифрастик оборот ҳам бўла олишини таъкидлайди (“спустя рукава”, “леч костыми” типигади) (177:103).

Белорус олими Г.Н.Моложай ўзининг перифразага бағишланган махсус ишида: “Перифраза остида семантик жиҳатдан бўлинмайдиган сўз бирикмалари (кам ҳолларда гаплар) тушунилади. Улар алоҳида предмет, белги ёки ҳаракатларни (таъкид бизники - Х.Ш.) тасвирий атам ва айни пайтда уларнинг фарқловчи хусусиятларини кўрсатиш учун нутқ жараёнида пайдо бўлади (117:4) деб тушунтиради.

Перифразанинг фразеологизмлар билан алоқадорлигини кўрсатувчи далилилардан бири сифатида куйидаги фикрни ҳам келтириб ўтиш зарурдир: “Перифразалар бадиий асар тилида, газета тилида ва оғзаки нутқда ишлатилади. Уларнинг аксар қисмини барқарорлашган, умум томонидан тан олинган, ҳамма учун тушунарли бўлган, одатда, фразеологизм ҳисобланган бирикмалар ташкил этади“ (149:203).

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, перифраза фразеологизмнинг бир тури сифатида тан олинмоқда, аммо ҳали бу қараш тилшуносликда барқарорлашганича йўқ.

Перифразага алоқадор ҳал қилинмаган масалалардан яна бири унинг тилга ёки нутққа мансублиги масаласидир. Мазкур масала билан шуғулланган тилшунослар уларни нутқий ҳодиса сифатида баҳолайдилар. Масалан, Г.Н.Моложай: “Фразеологизмлар - тилнинг тайёр бирликларидир, перифразалар эса маълум

шароитда, маълум бадий тасвирда, конкрет алоқада вужудга келадиган тасвирий ифодалардир. Улар окказионал ясалмалар ҳисобланади ва нутққа мансубдир” (16:5), - деган хулосага келади. Л.И.Синельникова ҳам Моложайнинг фикрини қувватлаб: “Фразеологизмлар - тилнинг семантик бирлигидир, перифразалар эса нутқ бирлигидир” (21:257), - деган тўхтамга келади. Аммо мазкур хулосаларга эътироз билдириш зарур. Мадомики, перифразалар нутқий ҳодиса сифатида тан олинар экан, у ҳолда ҳозирда ҳеч қандай изоҳсиз, тушунтиришсиз ҳаммага маълум бўлган оқ олтин, пўлат от, дала маликаси, яйлов баҳодири, қанотли дўстлар, зангори экран, кумуш тола, саломатлик посбонлари, қалам аҳли, мўйқалам соҳиб, илм аҳли каби перифразалар тил факти бўлиб қолди-ку! Уларга қандай асосда нутқ факти сифатида қараймиз? Агар фразеологизмлар тил бирлиги сифатида мавжуд экан, мазкур перифразалар ҳам тил бирлиги сифатида тан олиниши зарур.

Перифразага нутқ факти сифатида қаровчилар унинг куйидаги хусусиятини санайдилар: а) айрим-айрим (бир неча сўздан) шаклланган бирлик; б) семантик жиҳатдан бўлинмайди; в) сўзни алмаштириб келади; г) сўз-компонентлар валентлигидан келиб чиқмайдиган ўз қамровига эга; д) алоҳида гап бўлаги вазифасини бажаради. Диққат қилинса, санаб ўтилган барча хусусиятлар фразеологизмларга ҳам тааллуқлидир. Демак, бу хусусиятлар ҳам уларга фақат нутқ бирлиги сифатида қарашга асос бермайди.

Перифразалар нутқ факти сифатида пайдо бўлади. Нутқ факти сифатида юзага келган перифраза кундалик матбуот, журнал мақолаларида, радио ва телекўрсатув эшиттиришларида кўп қўлланиши сабабли штампларга айланади, натижада, улар тил вакиллари учун контекстнинг иштирокисиз ҳам тушунарли бўлиб қолади. Бошқача айтганда, улар тил бирлигига айланади. Перифразаларнинг маълум қисми индивидуал-муаллифий хусусиятни сақлаб қолади, жуда кам ҳолларда умумхалқ мулкига айланиши мумкин. Муайян бир шахс томонидан ишлатилган перифраза жамият тасдиғидан ўтса, тан олинса, у тил бирлигига айланиши мумкин. Акс ҳолда нутқий фактлгича қолади. Табиийки, бу ҳол перифразаларни тил перифразалари ва нутқ

перифразаларига ажратишни тақозо этади. Масалан, Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб Алишер Навоийни характерлайдиган **ғазал мулкининг султони** перифразаси бугунги кунда тил мулкига айланиб қолди, лекин унинг **диёр сурати** (харита) ва **илм паспорти** (диплом) перифразаларини тил бирлиги деб, ҳеч ким даъво қилолмайди.

Перифразага тааллуқли ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири умумфилологик мазкур ҳодисани яғона термин билан аташ масаласидир. Тилшунослиқда ҳам, адабиётшунослиқда ҳам бу термин яғона кўринишга эга эмас. У гоҳ парафраза (парафраз), гоҳ перифраза (перифраз) тарзида ёзилиб келинмоқда. Бундан ташқари, юқорида келтирилган илмий адабиётларнинг барчасида парафраза ва перифразанинг айнан бир нарса эканлиги қайд этилади. Лекин баъзи маълумотларга назар ташласак, улар орасида маълум тафовутлар борлиги аниқланади. Маълум бўлишича, **пара-** ҳам, **пери-** ҳам юнонча бўлиб, тўғрисида, хусусида; атрофида, теварагида маъноларига эга (8:107). Русча “Хорижий сўзлар луғати”даги перифразага берилган изоҳ ҳам ҳодисанинг моҳиятини тўлароқ ақс эттиради [Солиштиринг: “Парафраза гр. paraphrasis описательный оборот, описание, передача чего-либо своими словами, пересказ близкий по тексту”. “Перифраза гр. periphrasis окольная речь - оборот речи, вид тропа, состоящий в употреблении вместо слова или имени описательного сочетания, напр. “царь зверей” вместо “лев”, “гениальный автор “Войны и мира” вместо “Лев Толстой”, п. часто служит признаком напыщенной речи; разновидностью перифраза является эвфемизм” (22:371,382).] Демак, мазкур умумфилологик ҳодисани ифодалаш учун перифраза терминининг қўлланиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, 1979 йилда нашр этилган “Рус тили. Энциклопедия”да луғат мақоласига парафраза эмас, перифразанинг киритилиши ҳам шу терминнинг аниқ, қулай, афзалроқ эканлигини кўрсатади.

Бу борада яна бир ҳал қилинмаган масала - унинг кўчим (троп) сифатидаги функцияси билан соф тилшунослик талабаларидан келиб чиқадиган жиҳатларини (яъни унинг матнда бир хил такрорларни камайтириш, баёндаги бир хилликни

бартираф этиш мақсадида қўлланиши) чегараламасликка оид камчиликдир. Аслида, унинг кўчим сифатидаги функцияси бадий нутққа хос вазифасидир. Шунинг учун ҳам О.С.Ахманова ўз луғатида мазкур ҳодисани икки изоҳ билан таъминлаган: “1. Тасвирий ифода. 2. Одатдаги сўзни тасвирий ифода билан алмаштирувчи кўчим” (4:312). Бизнингча, бундай ажратиш ҳам ҳодисанинг моҳиятини етарли даражада характерлай олмаган. Чунки кўчимлар бадий ифода воситалари сирасига мансуб. Ўз-ўзидан изоҳни “Одатдаги сўзни бадий ифода билан алмаштирувчи кўчим” тарзида ўзгартирилгани мақсадга мувофиқдир. Демак, мазкур терминнинг изоҳи “1. Тасвирий ифода. 2. Одатдаги сўзни бадий ифода билан алмаштирувчи кўчим” тарзида шаклланиши зарур.

Бизнингча, перифразанинг ўзига хос хусусиятларини очиш, уларнинг тилдаги ўрни ва вазифасини ёритиш ҳам тасвирий ифода ва бадий ифода сифатидаги икки хусусиятидан келиб чиқиши лозим.

Тасвирий ифода маҳсули сифатида юзага келган перифраза фикрга аниқлик киритади, тасвир предметининг маълум хусусиятларини таъкидлайди. Бундан ташқари, соф услубий вазифа бажаради, кўпинча, тасвирлардаги бир хилликдан кутқаради, такрорнинг камроқ бўлишини таъминлайди. Масалан, ушбу мақола муаллифи, “Ўтган кунлар” романининг муаллифи, ўзбек адабий тилининг асосчиси, бахт ва шодлик куйчиси каби.

Бундай перифразалар тасвир объектининг белги-хусусиятларини аниқлаб келиши нуктаи назаридан эпитетга яқинлашиб келади. Кўпинча, предметнинг номи билан ёнма-ён қўлланиб, изоҳловчи-аниқловчи вазифасида келади. Масалан, “Ипак қуртининг озуқа базаси - тут баргини тежаб ишлатинг” (Совет Ўзбекистони, 1980, 13 май).

Тасвирий ифода сифатида қўлланган перифразалар номинативликни ҳам ўз зиммасига олиш билан бирга, тасвир ранг-баранглигини таъминлайди ва нутқ предметини баҳолайди.

Бадий ифода сифатида юзага келган перифразаларга воқеликни эстетик ўзлаштириш усулларида бири сифатида қараш мумкин. Шу жиҳатлари билан перифраза бадий ифода

воситалари - метафора, ўхшатиш, метафорик эпитет каби бир вақтнинг ўзида нутқ предметига нисбатан сўзловчининг муносабатини ҳам акс эттиради. Бошқача айтганда, улар иккиламчи номлашнинг бир тури бўлиб, ҳам номинатив, ҳам эстетик маъно ташиydi.

Перифраза субъектив қараш махсули сифатида пайдо бўлади, ammo бу субъективлик предметларда мавжуд объектив хусусиятларни акс эттиргани учун объективликни инкор этмайди. Бу ҳол перифразаларнинг нутқий штампларга айланиб, публицистика ва матбуот, радио ва телекўрсатувлар тилида кенг қўлланиб, кўпинча тилнинг ҳам номинатив, ҳам бадий ифода воситаси сифатида қарор топишини таъминлайди.

Объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни номлашда диалектиканинг муҳим категориялари бўлган айримлик ва умумийлик етакчи ўрин тутади. Перифразаларнинг иккиламчи номинация сифатида пайдо бўлишида ҳам мазкур категорияларнинг диалектик бирликда амал қилиши кузатилади. Фақат икки нарса ва ҳодисаларни солиштириш орқали улар орасидаги айримлик ва умумийликни аниқлаш мумкин. Предмет ёки ҳодисанинг ўзигагина хос бўлган, бошқа предметларда такрорланмайдиган белги-хусусиятлар мазкур предметни бошқа предметлардан ажратиб, унинг айримлигини белгилайди. Ўз навбатида, предмет-ҳодисалар ўз белги-хусусиятларига кўра бир-бирига ўхшаш (умумий) томонларни ҳам акс эттиради, бу эса улардаги умумийликни белгилайди. Предметлардаги фарқий ва умумий белгилар тилда қайта номлашни ёки иккиламчи номлашни юзага келтириб, перифраза типидagi тил ва нутқий ҳодисаларнинг пайдо бўлишини таъминлайди. Бундай дейишимизга сабаб шуки, метафора ва фразеологизмларда ҳам шу ҳол кузатилади.

Перифраза типидagi бирликларнинг юзага келишида объектив ва субъектив омилларни фарқлаш зарур. Чунки объектив омил - воқеликда янги, ҳали ўз номига эга бўлмаган нарса-ҳодисани номлаш ҳисобланади. Субъектив омил таъсирида ўз номига эга бўлган предмет ифода талаби билан қайта ёки иккинчи марта номланади. Шу нуқтаи назардан перифраза

иккиламчи номлаш маҳсули сифатида субъектив омил таъсирида юзага келади.

Перифразаларнинг юзага келиши ўрганилар экан, бу борада психолингвистик омил - тасаввурнинг ролини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ҳолни **оқ олтин** перифразаси мисолида кўриб ўтайлик. Маълумки, **олтин** ижтимоий онгда ижобий баҳоланиб, бойлик рамзи ҳисобланади. **Пахта** эса республикамиз иқтисодиётида етакчи ўрин тутади, халқимиз ҳаёти ва турмушида асосий бойликни вужудга келтирувчи восита саналади. Олтин ҳақидаги тасаввуримиз билан пахта ҳақидаги тасаввуримизнинг қиёси, яъни улар орасида ҳар бирининг муайян белги-хусусиятларидаги ўхшашлик таъсирида перифразанинг **олтин** узви, фарқий белги-хусусиятлар асосида эса **оқ** узви шаклланган. Натижада, нутқ предметини баҳолаш мақсади таъсирида экспрессивликни вужудга келтирувчи - **пахта** сўзининг функционал-семантик синоними - **оқ олтин** перифразаси яратилган.

Далилларнинг тасдиқлашича, хотира ва хаёл тасаввурларининг иштироки ҳали номига эга бўлмаган предметга ном беришда ёки ўз номига эга бўлган предметни ифода мақсадига кўра қайта номлашдагина эмас, балки маълум предметни яратишда, ижод қилишда ҳам кузатилади. Масалан, уй-рўзғор буюми - **пичоқнинг** қирқиш ва кесиш вазифаси тасаввури асосида қишлоқ хўжалиги машиналари механизми культиваторнинг бегона ўтларни қирқувчи, ерни юмшатовчи иш қуроли яратилгани ва унинг **пичоқ** деб номланиши шундан далолат беради.

Нихоят, перифразанинг матнда қандай берилиши ҳам ўз счимини топганича йўқ. Кундалик матбуот, журнал мақолаларида улар гоҳ қўштирноққа олинаиб, гоҳ қўштирноққа олинмай берилмоқда. Қўштирноққа олиншининг сабаби ҳам тушунарли эмас. Агар мазкур ҳодисанинг ўз номига эга бўлган предметни қайта номлаб келиши ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда тилда кенг тарқалган метафоранинг, фразеологизмларнинг хусусиятлари ҳам бундан ўзга ҳодиса эмас, улар ҳам ўз номига эга бўлган предметни, белгини, ҳолатни, ҳаракатни қайта номлаб келади. Агар мазкур хусусият уларни қўштирноққа олиш учун асос қилиб

олинса, кўплаб сўзларни қўштирноққа олиш зарур бўлиб, матн қўштирноқлар билан тўлиб кетади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, биринчи марта кўлланаётган, ҳали тил мулкига айланмаган перифразалар маълум пайт қўштирноққа олинishi зарур. Лекин **оқ олтин, зангори олов, қумуш тола** сингари перифразалар қўштирноққа олинмаслиги зарур: Чунки улар лисоний меъёрга айланиб қолди.

Бадиий нутқ учун бу каби ифодавийликни яширишнинг ўзи бадиийлик талабларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра бадиий нутқда перифразалар қўштирноққа олинмайди.

1997 йилда И.Э.Умиров томонидан “Ўзбек тили парафраза-лари” номида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Мазкур ишда перифразага алоқадор кўп масалалар ҳал қилинган бўлса ҳам, баъзи чалкашликларга йўл қўйилди. Улар, бизнингча, қуйидагиларда кўринади. Биринчидан, ушбу термин семантика-сига хилоф равишда **лексик перифразалар** тушунчаси киритилди, чунки термин таркибидаги “фраза” қисми перифразанинг сўз ва ясовчи қўшимчадан иборат бўлишини инкор этади. Мазкур тушунчанинг киритилиши эса, бунга қўшимча равишда, яна бир мангикан ортиқча **синтактик перифразалар** тушунчасининг киритилишига йўл очди. Иккинчидан, муаллиф ишда перифразалар нарса-ходиса, предметни англатишини таъкидлаган ҳолда, яна мангикан зид бўлган, ҳаракат ифодалайдиган, аслида фразеологизм бўлган **эрк бермоқ, бой бермоқ** бирликларини **фразеологик парафазалар** сифатида ажратди. Учинчидан, перифразаларнинг сўз туркумларига муносабати ҳамиша битта - улар от сўз туркумига мансуб бўлади, чунки улар шахсни, нарса-ходисани, ўрин-жойни англатади. Шунинг учун улар компонентини туркумларга мансублик юзасидан таҳлил қилиш ортиқча (23: 6-7, 15-16). Перифразаларнинг синтактик бирлик сифатида шаклланишини назарга олсак, уларнинг грамматик жиҳатдан ҳамиша қаратқич ва қаралмиш, аниқловчи ва аниқланмиш тарзида шаклланиши аён бўлади.

Юқорида айтилганлардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Перифраза нутқнинг ранг-баранглигини, бадиийлигини таъминловчи стилистик восита бўлиб, у тилнинг номлаш эҳтиёжи

махсули эмас, балки ифода эҳтиёжи маҳсулидир, чунки у ўз номига эга бўлган предмет-ҳодисани қайта номлайди. Мазкур хусусиятга боғлиқ ҳолда перифраза нутқда ҳам номинатив, ҳам эстатик, ҳам бадийий функция бажаради.

2. Перифраза функционал жиҳатдан икки турга бўлинади: а) тасвирий ифода сифатида бир хил такрордан қутқаради, яъни баён ранг-баранглигини таъминлайди; б) бадийий ифода сифатида нутқнинг образлилигини таъминлайди: нутқ предметини баҳолайди, эмоционал-экспрессивликни кучайтиради. Мазкур хусусият уни кўчимлар сирасига киритади.

3. Перифразалар экстралингвистик омил - нарса-ҳодисаларнинг умумий ўхшаш ва айрим фарқли белги -хусусиятлари асосида ҳамда психолингвистик омил - хотира ва хаёл тасаввурлари ишгирокида пайдо бўлади.

4. Перифразанинг яратилиши субъектив омил, яъни ўз номига эга бўлган нарса-ҳодисани ифода мақсадига кўра қайта номлаш таъсирида воқе бўлса ҳам, бу субъективлик нарса-ҳодисалардаги объектив мавжуд белги-хусусиятларга асослангани учун объективликни инкор этмайди. Бу ҳол кўпинча перифразаларнинг нутқий штампларига айланиб, оммавий ахборот воситаларида кўп қўлланиб, тил бирлигига айланишига шароит яратади, маълум қисми эса индивидуалликни акс эттириб, нутқнинг мулки бўлиб қолади.

5. Бадийий ифода сифатида юзага келган перифразаларни воқеликни эстетик ўзлаштириш усулларида бири сифатида баҳолаш мумкин. Айни шу жиҳатлари билан перифраза нутқнинг бадийий воситалари - метафора, ўхшатиш, метафорик эпитет каби стилистик воситалар қаторига мансубдир.

Демак, перифразалар тасвирий ва бадийий ифода мақсади таъсирида юзага келиб, тилнинг номлаш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган сўзларнинг функционал-семантик синонимлари сифатида мавжуддир. Чунки улар сўз билан муносабатда синонимларга хос равишда айни вақтда предмет-ҳодисалардаги ўхшашликни ҳам, тафовутни ҳам акс эттиради.

1. Шахс ифодалайдиган функционал-семантик синонимлар

Шахс ифодалайдиган перифрастик функционал-семантик синонимлар номлаш этибори билан куйидагича гуруҳланади.

1. Шахсларни ижод соҳаси нуктаи назарига кўра номлайдиган функционал-семантик синонимлар: илм **соҳиблари**, илм **аҳли** - олимлар, **табобат аҳли** - меδικлар. - Қолаверса, бу жойдан А.Қодирий, Хислат, Ғайратий, А.Ҳидоятлов, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Юнус Ражабий ...сингари дунёга машхур буюк ёзувчи, шоир, санъаткор, илм **соҳиблари** ва бошқалар етишиб чиқди (Тошкент оқшоми, 92, 28 февраль). - Жаҳон илм **аҳли** дунёда Ўзбекистондек жумҳурият борлигини, Берунийнинг ватанида ҳам илм сўнмаганини яна бир бор ҳис этдилар (Ўлистон, 92, 28 март). - Жумладан коинотдаги сайёралар астронавтларга, микроб ва вируслар **табобат аҳллари**га ...ўз сирасорларини сўзлаганлари каби... (Тошкент оқшоми, 92, 2 апрель).

2. Шахсларни ижодий фаолият қуроллари асосида номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **қалам аҳли**, **қалам соҳиблари** - ёзувчи, шоир, адиб ва журналистлар; **мўйқалам усталари**, **мўйқалам соҳиблари** - рассомлар. - Айниқса, **қалам аҳли** энг оғир дамларда ҳам ҳақ гапни айтиш учун чора излаган (Адабиёт ва санъат, 92, 21 август). - Туркиялик журналистлар ўзаро мулоқотлар учун Ўзбекистон **қалам аҳли**га ёрдам беришга тайёр (Халқ сўзи, 93, 8 сентябрь). - Натижада маърифатли ва маданиятли **қалам соҳиби** Элбек ҳам социалистик қонунчилиكنинг бузилиши қурбонларидан бири бўлди (Ишонч, 93, 39-сон). - Сёздимизнинг иккинчи бир характерли томони - ...навқирон **қалам соҳиблари**га этибор илгаригига нисбатан уч баробар ортиқ бўлди (Адабиёт ва санъат, 86, 11 июль). - Унда республикаимизнинг таниқли **мўйқалам соҳиблари** ижодига мансуб асарлар намоиш этилди (Қишлоқ ҳақиқати, 92, 20 март). - Хонага киришимиз билан қатор стулларни тўлдириб ўтирган **мўйқалам усталарининг** қўлларида сайқал топаётган рангбаранг буюмларни кўриб кўзимиз қамашди (Тошкент оқшоми, 94, 16 март).

3. Шахсларни касб-кори орқали умумлаштириб номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **меҳнат аҳллари** -

меҳнаткашлар. - Хўжалик **меҳнат аҳли** гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтариш учун курашни кучайтирмоқда (Қишлоқ ҳақиқати, 86, 27 апрель). - **Хонанда халқи**. - хонандалар. - Кечирасиз-у, **хонанда халқи** бир оз хасисроқ дейишади. Сиз эса, бозорга кўп борар экансиз... (Ўзбекистон овози, 93, 14 август).

4. Шахсларни лавозими орқали номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **бригада сардори** - бригадир. - Уста пахтакор, **бригада сардори** Бўрибой ака Алибоев доимо узоқни кўзлайди (Тошкент ҳақиқати, 86, 4 май). - **Биринчи раҳбар** - президент. - Ушбу мақолада давлатимизнинг **биринчи раҳбари** ҳақида сўз боради (Халқ сўзи, 92, 11 февраль).

5. Шахсларни жамиятдаги вазифасига кўра номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **тартиб посбонлари** - милиционерлар. - Собиқ миномётчи, ҳозир университет студенти Шавкат Усмонов ҳам ўз ўрнини **тартиб посбонлари** сафида деб билмоқда (Тошкент оқшоми, 88, 4 март). - **Саломатлик посбонлари**. - Бугунги кунда деҳқончилик маҳсулотлари таркибидаги нитратнинг ошиб бораётганлиги... **саломатлик посбонлари** зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда (Халқ сўзи, 91, 18 сентябрь). **Қонунчилик посбонлари** - судьялар. - Юкорида номлари зикр этилган **қонунчилик посбонлари** қонунни бузишга йўл қўйдилар (Совет Ўзбекистони, 87, 11 июнь). **Эл осойишталиги посбонлари** - милиционерлар. - ...Иноғомжон Икромовлар эл **осойишталиги посбонларининг** шарафли ва оғир касби ҳақида сўзлаб бердилар (Тошкент оқшоми, 88, 4 март).

6. Шахсларни махсус кийимлари орқали номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **оқ халатлилар** - врачлар. - Ходимлар кўп берганга парвона бўлиб, оз берганга ёки бермаганга эътиборсизлик қилишлари табиий ҳол. Бу эса уларнинг норозилигини кучайтиради. **Оқ халатлиларга** нафрат уйғотади (Сиҳат-саломатлик, 91, 8-сон, 23-бет).

7. Шахсларни улар яратадиган маҳсулот орқали номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **оқ чашма соҳибалари** - соғувчилар. - Эришилган муваффақиятга **оқ чашма соҳибаларидан** Муҳаббат Худойкулова, Ойжон Холмуродоваларнинг қўшган ҳиссалари катта бўлди (Қишлоқ ҳақиқати, 86, 7 май). **Оқ олтин усталари** - пахтакорлар. - 9 октябрда эса Бухоро райони

оқ олтин усталари йиллик режани адо этишди (Ўзбекистон овози, 91, 12 октябрь). **Кумуш тола ижодкорлари** - пиλλαкорлар. - Наманган вилоятининг. Задарё тумани **кумуш тола ижодкорлари** республикада биринчилар қатори ғалаба маррасига етдилар (Халқ сўзи, 93, 3 июнь). - **Қирмизи бошоқ ижодкорлари** - шоликорлар. - Вилоят **қирмизи бошоқ ижодкорларининг** меҳнат ютуғига режани анча ошириб уддалаган хўжаликлар айниқса баракали улуш қўшдилар (Халқ сўзи, 93, 10 ноябрь).

8. Шахсни меҳнат фаолияти қуролиари номи орқали номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **Зангори кема капитанлари** - механизаторлар. - Шундай экан, ёш механик-ҳайдовчиларга тажрибали **зангори кема капитанларини** бириктириб қўйиш лозим (Ёш ленинчи, 86, 23 сентябрь). - **Пўлат от чавандозлари** - механизаторлар. - ...сирдарёлик **пўлат от чавандозлари** улуши 156 минг 287 тоннани ...ташқил этди (Совет Ўзбекистони, 86, 10 октябрь).

9. Эр ёки аёлни эвфемистик номлаш орқали юзага келган функциоан-семантик синонимлар: Йигит ўзига **жуфти** ҳалол танлаганда, бўлажак келиннинг аввало қайси жиҳатларига эътибор бергани дуруст? (Оила ва жамият, 91, 12- сентябрь). - Нурилла ишдан келса, **умр йўлдоши** останада уни кутиб турибди (Тошкент оқшоми, 92, 14 апрель). - Аёл нарирокда турган киши ёнига борди-да, бизларга **"Турмуш ўртоғим"**, - деб таништирди (Ёш ленинчи, 86, 28 март).

10. Шахсни яшаш жойи ва меҳнат фаолияти ўрни орқали номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **Уй соҳиби, хонадон соҳиби** - мезбон. - Меҳмон лоақал бир пиёла қаҳва ичмаса, **хонадон соҳиби** қаттиқ ранжийди (Ишонч, 92, 5-сон). **Яйлов баҳодир** - чўпон. - **Яйлов баҳодирлари** ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 106 тадан кўзи олган эдилар (Қишлоқ ҳақиқати, 92, 20 март).

11. Шахсни у шуғулланаётган спорт соҳаси қуроли ёки воситаси орқали номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **Чипор тўп устаси** - футболчи. - Ҳадемай, Мехикода жаҳоннинг 24 терма командаси XIII марта кучларини чоғиштириш учун тўпланишади. Ана шу тўрт буюк **чипор тўп устаси** сони кўпаярмикан? (Қишлоқ ҳақиқати, 86, 23 март). - **Чарм қўлқоп**

усталари - боксчилар. - Бир пайтлар ўз **чарм қўлқоп усталари** билан фахрланиб келган республикамизга 10-ўрин ярашмайди (Ёш ленинчи, 86, 1 октябрь).

12. Конкрет шахсларни ижод ва илм соҳасидаги хизматларига кўра номлайдиган функционал-семантик синонимлар: Сўз **мулкининг соҳибкирони** Алишер Навоий “Ҳайратул Аброр” асарида шундай ёзадилар (Туркистон, 92, 19 февраль). - **Тиббиёт илмининг султони** Абу Али ибн Сино асалнинг хосиятларини қуйидагича санаб ўтган (Ишонч, 94, 16 апрель). - **Табиблар бобокалони** Абу Али ибн Сино баъзи касалликларни ёнғоқ билан даволаш ҳақида ёзади (Ишонч, 94, 9 июль). Бу мисолларда перифразалар яхлитлигича эпитет вазифасида қўлланган.

13. Шахсни ифодалайдиган функционал-семантик синонимларнинг бир қисми форс-тожик тилидан ўзлашган перифразалар ҳисобланади. Уларнинг қўлланиши мағбуот саҳифаларида тез-тез учраб туради: Жаҳонга машҳур бўлиб кетган Адекс ла Гума, Питер Абрахамс сингари **соҳиби қаламларнинг** роман ва қиссалари турли тилларга таржима қилинган (Тошкент оқшоми, 91, 25 октябрь). - Ўзингиз наҳорги ошдаги манзарани ва вазиятни бир тасаввур қилиб кўринг-а: ...ясанган одамлар бир-бирлари билан самимий саломлашиб келишмоқда. Уларни **соҳиби хонадонлар** қўлларини кўксиларига қўйиб, таъзим ва иззат-ҳурмат билан қарши олмақдалар (Тошкент оқшоми, 92, 10 апрель).

Шахс номларини ифодалайдиган функционал-семантик синонимлар ўз таркибий қурилиши эътибори билан қаратқич ва қаралмишдан шаклланади. Уларнинг айримлари кўриб ўтилган мисоллардаги каби нарс-ходиса ифодалайдиган сифатловчи ва сифатланмиш орқали шаклланган **оқ олтин, кумуш тола, пўлат от** каби перифразаларни қаратқичли аниқловчига айлантириш ҳисобига юзага келади: **оқ олтин ижодкорлари, оқ олтин усталари, кумуш тола ижодкорлари, пўлат от чавондозлари** ва бошқалар.

Мазкур ҳолат шахс номлари ифодаси бўлган функционал-семантик синонимлар одатда қаратқич ва қаралмиш муносабатида шаклланади деган хулосага олиб келади.

2. Ўрин-жой и фодалайдиган функционал-семантик синонимлар

Мазкур функционал-семантик синонимлар ўз номига эга бўлган конкрет бир мамлакат ёки маълум бир жиҳати билан, белги-хусусияти билан ажралиб турадиган жойларни қайта номлайди: **Кунчиқар мамлақати** - Япония, **Ўзбекистон Швейцарияси** - Бўстонлик, Шоҳимардон; **Ҳисор узуги** - Дашнобод қабилар шулар жумласига киради. Мисоллар: **Ўзбекистон Республикаси Ислам Каримовнинг кунчиқар мамлақатига сафари** (Тошкент оқшоми, 94, 23 май). - **Кунчиқар мамлақати** деб ном чиқарган олис Япония диёрида ҳам ўзбек адабиёти ва маданияти, ўзбек халқининг тили, тарихи ҳамда санъатини ўрганаётган тоғмас тадқиқотчилар бор (Совет Ўзбекистони, 91, 17 июль). - Туман ҳокими ва ёшлар вакиллари азиз меҳмонларни **Ўзбекистон Швейцарияси** - хушҳаво Шоҳимардонга таклиф этдилар (Туркистон, 93, 17 август). - Азизларга маълумки, пойтахтимиздан етмиш чақирим узоқликда гўзал бир гўша - **Ўзбекистон Швейцарияси** деб аталмиш Бўстонлик ноҳияси мавжуд (Ёш ленинчи, 990, 30 август). - Дашнобод! Ҳисор тоғининг қўйнида кенг адирлар елкасида жойлашган гўша! Неча асрлардан бери “**Ҳисор узуги**” деб таърифланаётган қишлоқ (Ёш ленинчи, 88, 10 март). **Минг орол мамлақати** - Индонезия: **Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 1992 йилнинг июнь ойида минг орол мамлақатига ташрифи** ушбу ҳамкорликка ҳуқуқий асос солган эди (Халқ сўзи, 95, 17 август). - **Туманли альбион** - Англия: Тулки ови қадимда **туманли альбион** аҳолисининг энг қизиқарли машғулотларидан бири бўлган (Фан ва турмуш, 97, 1-сон, 16-бет). - **Лолалар юрти** - Голландия: 1794 йил кузида фарангистонлик жангчилар **лолалар юрти** (Голландия) га бостириб киришади (Туркистон, 96, 23 ноябрь). - **Ўзбекистон Мецетаси** - Фарғонадаги Чимён санаторийси: **Ўзбекистон Мецетасида олтинугуртли маъдан суви** билан даволашдан ташқари, электроаппаратлар, шаъм ва озокрит, уқалаш, жисмоний тарбия йўли билан даволаш ҳам йўлга қўйилган (Халқ сўзи, 96, 13 апрель). - **Эҳромлар мамлақати** - Миср (Адабиёт ва санъат, 96, 11 октябрь).

Бундай функционал-семантик синонимлар ўзлари ифодалайдиган жой номи билан бир матнда қўлланади.

3. Нарса-ҳодисаларни ифодалайдиган функционал-семантик синонимлар

Биз нарса-ҳодиса тушунчаси остида (шахс ва жойларни билдирадиган функционал-семантик синонимлардан ташқари) барча нарса-ҳодисаларни қамраб олишга ҳаракат қилдик. Бунда фан-техникага оид тушунчалардан тортиб, жонли, жонсиз мавжудотларни ва табиат ҳодисаларини ҳам назарда тутдик. Уларни таснифлашда қайта номлаш жиҳатига диққат қилдик.

Маълумки, функционал-семантик синонимларнинг аксари ўз номига эга бўлган денотатларни қайта номлаш асосида юзага келади. Бунинг устига, қайта номлаш бир денотатнинг турли белги-хусусиятлари орқали амалга оширилиб, бир денотат номининг бир неча функционал-семантик синонимлари пайдо бўлишига олиб келади. Бу ўринда қайта номлаш механизмини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки унда қайта номлашнинг асоси белгиланади. Шу сабабли биз куйида нарса-ҳодисаларни қайта номлаш орқали функционал-семантик синонимлар вужудга келиши қайси белги-хусусият асосига қурилгани нуқтани назардан тасниф қилдик. Бундай йўл тутганимизда, конкрет номлаш жараёнини таҳлил қилишга ҳожат қолмайди, бу гуруҳлашнинг ўзидан англашилиб туради.

1. Нарса-ҳодисани эстетик жиҳатдан баҳолаш орқали қайта номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **ўрмон маликаси** - арча, **сахро санами** - жайрон, **дала маликаси** - маккажўхори, **табиатнинг жонли безаги** - капалак, **умр баҳори** - ёшлик, **фасллар келинчаги** - баҳор кабилар. - Тошкентга ҳозирдаёқ 70 вагон ям-яшил **ўрмон маликаси** тушириб олинди. Арчаларни мамлакатимиз Шимолидан келтириш давом этмоқда (Тошкент окшоми, 80, 20 декабрь). - Қизилқум сахроси ва Устюрт бағрида яқингинада **сахро санами** - жайронлар пода-пода бўлиб юрганини кўриш мумкин эди (Ўқувчи календари, 87, 44-бет).

2. Нарсани ранги асосида қайта номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **инсониятнинг яшил дўсти** - **яшиллик олами**, **яшил бойлик** - ўсимликлар, ўрмон; **яшил тўсиқ**, **яшил қалқон** - ихотазор; **яшил майдон** - стадион; **зангори олов** - газ; **сарик металл** - олтин; **қахрабо дон** - маккажўхори; **қирмизи дон** - шоли ва бошқалар.

Айрим мисоллар: Малумки, ўсимликлар **инсониятнинг яшил дўсти** у фақат ҳавони тозалабгина қолмасдан, бутун борлиққа гўзаллик бағишлайди (Ёш ленинчи, 86, 6 май). - Жумхуриятимиздаги **яшил бойликлар** орасида шифобахш ўт-ўланлар, турли фойдали гиёҳлар ҳам кўп (Тошкент ҳақиқати, 91, 15 октябрь). - Яқин ўтмишда Шофиркон ўрмон хўжалиги томонидан Ғиждувондан Қорақўл райониғача юз километрдан зиёд **яшил қалқон** бунёд этилган эди (Қишлоқ ҳақиқати, 90, 24 апрель). - Ишқибозлар ўйинни ойнаи жаҳон орқали кузатиб, **яшил майдондаги** “жанғи” бошидан охирига қадар кўришга муваффақ бўлдилар (Қишлоқ ҳақиқати, 92, 25 март). - Бригада коллективи бу йил ҳар гектар майдондан 50 центнердан **қахрабо дон** ва 400 центнердан силосбоп кўк масса етиштириш ниятида астойдил ишламоқда (Ёш ленинчи, 86, 6 май). Аму соҳили оқ олтин хазинаси бўлибгина қолмай, балки ризқ-рўзимиз бўлмиш **қирмизи дон** кони ҳамдир (Меҳнат ва турмуш, 74, 8-сон, 11-бет).

3. Нарсаларни халқ хўжалигида тутган ўрнига кўра олтинга қиёсан номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **оқ олтин** - пахта; **қора олтин** - кўмир, нефть; **жингалак олтин** - қорақўл ва бошқалар. Айрим мисоллар: Тошлоқ райони пахтакорлари йиллик планни бажаришди. Қабул пунктларига 34700 тонна **оқ олтин** жўнатилди (Ёш ленинчи, 83, 21 декабрь). - Кейинги вақтларда удар ҳар йили уяётган **қора олтин** хирмони беш юз минг тоннадан кам бўлмаяпти (Қишлоқ ҳақиқати, 91, 24 август). - 700 атмосфера босимида скважиналардан ўнлаб тонна **қора олтин** отилиб чикди (Тадбиркор, 92, 1-сон). - Биз етмиш йил давомида **оқ олтинимиз**, **жингалак олтинимиз** (қорақўл терилари)ни **юмшоқ олтинимиз** - ипакни Иттифоқ фонди дейилмиш ўпконга топширавериб... (Ёш ленинчи, 91, 17 сентябрь).

4. Нарса-ходисани давр ва вақтга хослаб номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **XX асрнинг вабоси, аср ўлати** - СПИД каби. - Тошкентда ҳам **XX асрнинг вабоси** - СПИД билан касалланганлар пайдо бўлибди (Туркистон, 92, 21 февраль). - Маълумотларга қараганда, шў кунгача Россияда СПИДдан 76 киши ўлган. Шунингдек 682 киши **аср ўлатини** юқтирган (Туркистон, 93, 10 ноябрь).

5. Нарсаларни туркумлар ичидан ажратиб кўрсатиш ва улуғлаш асосида номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **барча неъматлар султони** - нон; **иккинчи нон** - картошка; **барча таомлар шоҳи** - палов; **ширинликлар султони** - асал; **жавохирлар подшоси** - олтин ва бошқалар. Мисоллар: Нон - **барча неъматлар султони** (Совет Ўзбекистони, 91, 3 сентябрь). - Маълумки, картошка **иккинчи нонимиз** ҳисобланади. Йилдан йилга бу неъматга бўлган талаб ортиб бормокда (Тошкент ҳақиқати, 93, 15 октябрь). - XV асрда яшаб ижод қилган шоир Шайх Абуисҳоқ Фахриддин Хилладис Атъима Шерозий паловга атаб катта дoston ёзган. Унда бу таомни шоир **“барча таомларнинг шоҳи”** деб изоҳлаган (Тонг юлдузи, 93, 2 февраль). - **Ширинликлар султони** ҳисобланувчи асални одамзот қадим-қадимдан истеъмол қилиб келади (Ишонч, 94, 16 апрель). - Олтин у зарни **жавохирлар жавоҳири** ёки **жавохирлар подшоси** ҳам дейдилар (Ўзбекистон овози, 92, 29 апрель).

6. Нарсани ранг тимсоллашуви асосида номлайдиган функционал-семантик синоним: **қаро ер** - гўр.

7. Нарса-ходисани инсон турмуши ва ҳаётидаги аҳамияти ва ўрни орқали номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **ҳаёт манбаи** - сув; **ақл чироғи** - билим; **тарбия мактаби** - адабиёт; **билим ўчоғи** - мактаб; **деҳқоннинг иккинчи уйи** - шийпон; **йигитнинг қаноти** - от; **деҳқоннинг қаноти** - техника қабилар. Мисоллар: Тиббиётда сув **ҳаёт манбаи**, саломатлик гарови ҳисобланади (Сиҳат-саломатлик, 91, 8-сон, 26-бет). - Дала шийпони - **деҳқоннинг иккинчи уйи**, унинг хордиқ чиқариш маскани (Совет Ўзбекистони, 86, 4 июнь). - Айни пайтда от тўқчилик, кут-барака ва фаравонлик тимсолидир. У **йигитнинг, эрқакнинг қанотидир** (Адабиёт ва санъат, 93, 19 февраль).

8. Нарсаларни муайян соҳа учун аҳамияти орқали номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **нашриётларнинг нони** - қоғоз; **деҳқончилик хамиртуруши** - компост ва бошқалар. Мисоллар: Бизни энг мушкул аҳволга солиб кўйган масалалардан бири **нашриётларнинг нони** ҳисобланган қоғоз муаммосидир (Адабиёт ва санъат, 93, 20 август). - Ҳозир ширкат **деҳқончилик хамиртуруши** нарҳини сал оширди (Ўзбекистон овози, 93, 20 август).

9. Уй техник жиҳозларини белгиси ва хизмати асосида номлайдиган функционал семантик синонимлар: **Мўътадил ҳаво манбаи** - кондиционер; **куйловчи ликопчалар** - граммпластинка; **зангори экран** - телевизор; **ойнаи жаҳон** - телевизор каби. Мисоллар: Кондиционер - **мўътадил ҳаво манбаи** (Тошкент оқшоми, 86, 24 апрель). - Граммпластинкалар заводининг пресслаш цехида "**куйловчи ликопчалар**" тайёрлайдиган еттига пресс-автоматни монтаж қилиш бошланди (Тошкент оқшоми, 85, 31 май).

10. Маҳсулотни етиштириш ўрнига қиёсан номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **ойнаванд дала неъмат** - лимон; **боғ неъмат** - мева; **чўл дурдонаси** - пахта каби. Мисоллар: **Ойнаванд дала неъматларининг** мўл-кўллигига мохир цитрусчи Анвар Мирсоатов баракали ҳисса қўшаётир (Совет Ўзбекистони, 89, 13 январь). - ...Ҳозиргача коллектив 23 гектардан 84 тонна **боғ неъмат** териб, йиллик планни зиёди билан удалади (Қишлоқ ҳақиқати, 86, 17 август). - Бу йил Р.Эрматова бошлиқ бригада коллективи 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 26,4 центнер ўрнига 35 центнердан **чўл дурдонаси** етиштиришга аҳд қилишган (Ёш ленинчи, 86, 14 май).

11. Вақт ва даврни нарса-ҳодисанинг кашф этилиши ва ривожига қиёсан номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **атом асри**, **космос асри**, **инқилоб асри**, **қоинот асри** (XX аср). Мисоллар: 20-аср - **атом**, **электрон**, **космос асри**, **фан асри** (Ёш ленинчи, 86, 19 апрель). - Биз сўнгги ўн йиллигида яшаб турган XX асрнинг таърифлари жуда кўп: **инқилоб асри**, **қоинот асри**, **атом асри**, **кибернетика асри**... (Р.Отаев. Сурнай навоси).

12. Техник воситаларни материали асосида номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **пўлат этак** - бункер; **пўлат**

от, **пўлат тулпор**, **пўлат бедов** - трактор; **темир қуш**, **пўлат қуш** - самолёт каби. Мисоллар: У техника қувватларидан, иш вақтидан оқилона фойдаланиб, мавсумда 257 тонна пахтани **пўлат этакдан** тўкди (Қишлоқ ҳақиқати, 76, 31 декабрь). - Муборакнинг бошқа механизаторлардан фарқ қиладиган жиҳати шундаки, у йил бўйи **пўлат отдан** тушмайди (Совет Ўзбекистони, 87, 9 июнь). - Белгиланган куни тажрибали механизатор Иброҳим Эргашев ўз **пўлат туялорини** далага олиб чиқди (Ёш ленинчи, 86, 1 май). - “Қора молимни ва “ВМВ” автомобилимни сотдим, етмаганига омонат дафтарчамдан кўшдим”, - дея жавоб берди **темир қуш** эгаси (Савдогар, 92, 19 август). - Эртасига асосий состав тушган **пўлат қуш** кўкка кўтарилди (Қишлоқ ҳақиқати, 86, 30 март).

13. Техник воситаларни афсонавий маҳлуқларга қиёсан номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **дев машина** - эксковатор каби. Мисол: Улкан **дев машина** - эксковатор гуриллаганча “КамАЗ”ларга пешма-пеш шағал юкламоқда (Гулистон, 91, 6-сон, 25-бет).

14. Иш ҳайвонларини техникага қиёсан номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **тирик вездеходлар** - фил, туя ва бошқалар. Мисоллар: Чакалакзорлар ва сахро районларида бу ишлар **тирик вездеходлар** зиммасига юклатилган. Улар фил, туя ва хачирлардир (Ёш ленинчи, 86, 29 апрель).

15. Инсон тана аъзосини техникага қиёсан номлайдиган функционал-семантик синонимлар: Тиш - **тананинг тегирмони** деган нақл бор халқда (Фан ва турмуш, 68, 7, 38-бет).

16. Нарса-ҳодисани инсонга келтирадиган салбий таъсири асосида номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **оқ ажал**, **оқ ўлим** - қор кўчкиси; **тилсиз ёв** - ёнғин каби. Мисоллар: **Тилсиз ёвдан** огоҳ бўлинг (Туркистон, 93, 30 январь). - Қор кўчкиларини “**оқ ажал**” деб бежиз айтишмайди (Тошкент ҳақиқати, 92, 5 март). - Шунинг учун қор кўчкиларини Альп тоғларида “**оқ ўлим**” деб аташади (М.Маматкулов, Қорлар ҳаракатга келганда, Т., 1970, 10-бет).

17. Қуш ва паррандаларни инсонга хизмати ва фойдаси асосида номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **қанотли дўстлар** - қушлар; **қанотли алоқачилар** - қаптарлар каби. Мисоллар: Кўргазмада “**қанотли дўстлар**”ни севган мактаб

ўқувчилари ҳам қатнашдилар (Тошкент окшоми, 86, 30 сентябрь). - Шундай экан, биз **қанотли дўстларимизга** ҳеч қандай зарар етказмаслигимиз керак (Тошкент окшоми, 86, 16 июль). - Бу ўринда сўз кабулар алоқаси бўлинмалари ҳақида бормокда. Уларнинг сафида 40 минг **қанотли алоқачилар** бор (Ўзбекистон табиати, 92, 4 март).

18. Қушларни ва жониворларни яшаш жойига қиёсан номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **ўтлоқларимиз булбули** - бедана; **чўл шоҳи** - қора қуш. Мисоллар: Бедананинг эрта саҳарлардаги ёқимли хониши уни эшитган ҳар бир киши дилига ҳузур бағишлайди. Шу боис бу **ўтлоқларимиз булбулининг** ишқибозлари халқимиз орасида жуда кўп (Тошкент ҳақиқати, 93, 23 февраль). - **Чўл шоҳи** осмонда ов қилиш одатига зид равишда худди мушукдек ер бағирлаб юриб, ўлжасига яқинлашади (Ўқувчи календари, 87, 47-бет).

19. Нарса-ҳодисаларни диний тушунчалар асосида номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **манглайимизга ёзилгани, пешонага ёзилгани, пешонада бори** (тақдир, қисмат) каби. - Бизнинг орзуларимиз катта эди, - деди Зиёвуддин Тусий хўрсиниб. - Аммо эришганимиз, **манглайга ёзилгани** шу бўлди (Ўзбекистон овози, 93, 11 ноябрь). - Бандасининг **пешонасига ёзилгани** бўларкан: кимгадир ола таъсир 20-йилларда яшаш насиб этди, кимгадир уруш йилларида, бизга эса шу давр тўғри келди (Туркистон, 93, 2 декабрь). - Аммо биздан кейин келган болаларни икки-уч ойдан кейин бошқа ёққа олиб кетишди. Қаёққа ҳеч ким билмайди... **Пешонагда борини** кўраверасан, оғайни (Гулистон, 91, 9-сон, 12-бет).

20. Ҳайвонларни иш бажариш ўрни ва яшаш жойига қиёсан номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **саҳро кемалари** (туялар), **тўқай султони** (йўлбарс), **денгиз қароқчилари** (акулалар), **соҳил хазинаси** (нутрия), **тўқай чангалзорининг соҳиби** (буғу) каби. - **Саҳро кемалари** - кичик сарлавҳа (Ўзбекистон овози, 93, 28 май). - Жумҳурият рўзномаларидан бирида босилган “Амударё соҳилларида **тўқай султони** - йўлбарс яна пайдо бўлди” деган мазмундаги қувончли хабар ёлгон бўлиб чиқди (Ўзбекистон табиати, 91, 21 октябрь). - Мазкур ғорлар **денгиз қароқчилари** - акулаларнинг тинчгина жон берадиган

улкан қабристонни бўлса керак деб тахмин қилган эди ғаввос (Фан ва турмуш, 78, 8-сон, 11-бет). - Амударё **соҳилининг хазинаси** кўпаяверсин. (Қишлоқ ҳақиқати, 87, 24 март). - Ўтлоқнинг нариги томонидан дупур-дупур овоз эшитилиб, орадан сал ўтмай, мағрур бош кўтарган **тўқай чангалзорининг соҳиби** - буғу кўринди (Ўқувчи календары, 87, 19- бет).

21. Байналмилал номларни ўзбекча ифодалашга интилиш асосида юзага келган функционал-семантик синонимлар: **дори қоғози** (рецепт), **хат боши** (абзац), **илми ҳикмат** (физика), **ҳаво мавжлари** (эфир), **ер ости йўли** (метро), **қалам ҳақи** (ганорар), **сўнг сўз** (эпиграф), **муз тоғлари** (айсберглар) каби. - У киши жумҳурият радиосининг “Ватандош” туркуми эшитиришлари орқали **ҳаво мавжларидан** кўп мужда ва ҳикматларни халққа узатганлар (Туркистон, 92, 25-январь). - Бирлашма пойтахт **ер ости йўли** маъмуриятдан 7 миллион дона жетон тайёрлаб бериш юзасидан буюртма олган эди (Ўзбекистон овози, 92, 15 апрель). - Радио, телевизор кўшиқларим матни учун бир тийин ҳам бермайди. Газета, журналлардан, китобларимдан **қалам ҳақи** оламан, холос (Оила ва жамият, 93, 40-сон).

22. Нарсани инсон интеллектуал фаолиятига хизмати асосида номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **ақлли машиналар**, **электрон ёрдамчи**, **электрон ўқитувчи** (компьютер) каби. - Тошкент тўқимачилик машинасозлиги корхонасида эса иккита саноат “**ақлли машинаси**” жорий этилди (Тошкент оқшоми, 90, 3 август). - Тошкент қадоқлаш ва ўраш машина-ускуналари тажриба конструкторлик ва технологик бюросининг цехларига **электрон ёрдамчилар** келди (Тошкент ҳақиқати, 86, 1 октябрь). - Ўқувчиларнинг стандарт бўлмаган нозик саволлари “**электрон ўқитувчи**”ни оғир ахволга солиб кўймаслиги даркор (Тошкент ҳақиқати, 86, 30 апрель).

23. Спиртли ичимликларни ижобий ва салбий баҳолаш асосида номлайдиган функционал-семантик синонимлар: **новча мўйсафид**, **оқ бўта полвон**, **оқ сув**, **оби замзам**, **шайтон дори**, **яшил оғу**, **оқ оғу**, **шайтон суви**, **захри қотил** (ароқ) қабилар. - Шоир эса аста ўрнидан туриб, столга ҳали очилмаган бир пиша “**новча мўйсафид**”дан кўяди. Улфатчилик бошланади (Адабиёт ва санъат, 91, 18 октябрь). - “**Оқ бўта полвон**” ишқибозлари

бундан фойдаланиб қолмоқдалар (Совет Ўзбекистони, 86, 26 ноябрь). - “Ошни-ку қиламиз, лекин анави савилни... Йигит кўзини қисиб қулимсиради. - **Оқ сувни** нима қиламиз? (Ёш ленинчи, 86, 14 май). - Спирт солинган идишлар кўриқланмайди. Ҳар бир ишчи қран бандини айлантириб қўйса бас, “**оби замзам**” оқиб келаверади (Совет Ўзбекистони, 86, 26 ноябрь). - Одамни йўлдан чиқазадиган унақа “**шайтон дори**”ларга умуман қиё боқмаганлар (Оила ва жамият, 92, 10- сон). - ...ислохотни бюджетимизга ўн миллиардлаб сўм камомад келтирган “**яшил оғу**”га қарши курашдан эмас, балки молиявий соғломлаштиришдан бошлаган бўлардик (Ёш ленинчи, 90, 28 февраль). Шундай қилиб, **оқ оғу** билан тўлатилган пиёлалар жаранглашиб уриштирилаверди (Постда, 92, 25 февраль). - Ўша куни “**шайтон суви**” Олегнинг қалбига жасораг бағишлагач, у қора ниятини амалга оширмоқчи бўлди (Постда, 91, 12 октябрь).

Пиво сўзининг ҳам ўз функционал-семантик синоними мавжуд: Ҳатто, Москвадек азим шаҳарда ҳам “**қахрабо ичимлик**” оқиб чиқаётган найчалар бекилиб қолди (Тошкент, 90, 6 сентябрь).

Функционал-семантик синонимларнинг аксар қисми мунтазам ва барқарор характерга эга бўлиб, асрлар давомида ўз аҳамиятини йўқотмайди, улар инсониятнинг бир-бирига, реал воқеликка турлича муносабати ва қарашларини ўзида мужассамлаштириб, давр синовларидан ўтиб, давр нуктаи назаридан чегара билмайди. Чунки сўзларнинг функционал-семантик синонимларига инсон тасавури, хаёл ва фантазияси, борлиқ ҳақидаги билими, тажрибаси ва дунёқараши, миллий руҳи, эстетик ва этик қарашлари сингдирилган. Бу жиҳатдан улар ижтимоий онг маҳсули ва ижтимоий онг мулки сифатида баҳоланиши лозим.

Лекин шундай функционал-семантик синонимлар ҳам борки, улар тилда жуда кам фоизни ташкил қилиб, маълум ижтимоий тузум ва шу ижтимоий тузумнинг ҳукмрон мафкураси таъсирида юзага келади. Бундай функциоанл-семантик синонимлар перифрастик бўлиб, конкрет шахс ва нарса-ҳодисани ўша даврга кўра ифодавий қайта номлаш асосида юзага келган бўлади, даврлар ўтиши билан улар мазкур ифодавий номини оқламай

кўяди, тарихан қайта баҳоланиб, қўлланишини тўхтатади ёки салбий баҳо касб этади. Бошқача айтганда, улар маълум ижтимоий контекст маҳсули бўлиб, ижтимоий контекст ўзгариши билан муомаладан тушиб қолади.

Бундай функционал-семантик синонимларга Октябрь социалистик революциясидан кейин социалистик тузумнинг ҳукмрон мафкураси таъсирида пайдо бўлган тимсолий маъно касб этган баъзи сўзлардаги ўзгаришларни мисол келтириш мумкин. Ана шундай сўзлардан бири **қизил** сўзидир. Мазкур сўз инқилобдан кейинги йилларда **Совет давлати**, **Совет Иттифоқининг** тимсолий функционал-семантик синонимига айланди ва ижтимоий моҳият касб этди. Бунинг таъсирида **қизил** сифати кўплаб нарса-ходисаларга қўшиб айтиладиган тимсолга айланди. Мақсуд Шайхзода шеърларида ишлатилган қуйидаги бирликларга эътибор беринг: **қизил ватан**, **қизил йўл**, **қизил пойтахт**, **қизил харита**, **қизил танк**, **қизил тийин**, **қизил ўқ**, **қизил нишон**, **қизил беш отар**, **қизил ташаккур** кабилар.

Бу даврга келиб, **ўртоқ** сўзининг семантик таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Бу сўз семантик таркибидаги ўзгариш рус тилидаги **товарищ** сўзида юзага келган ўзгариш таъсири натижаси сифатида баҳоланиши лозим. **Товарищ** сўзи инқилобгача “тенгдош, дўст, ошна; бирор нарсани баҳам кўрувчи” маъноларига эга эди, кейинчалик унинг маъноси “ҳам фикр, ҳамғоя, дунёқараши бир” маънолари билан бойиди. Натижада тенгликни, тенг ҳуқуқлиликни акс эттирувчи тимсолларга айланди. Бу эса ўша даврда Иттифоқ таркибида бўлган миллатларнинг тилларида **ўртоқ**, **рафиқ**, **ибдош** каби сўзлар маъноси таркибида ҳам юқоридаги маъноларни юзага келтирди.

Ўртоқ сўзи шунчалик ижтимоий маъно касб этдики, М.Шайхзода “**Ўртоқ**” номли дoston ёзди. Унда **ўртоқ** сўзи **жаноб**, **ҳазрат**, **господин** сўзларига қарама-қарши қўйилди:

“Ўртоқ” дедик, “ўртоқ” эшитдик”,

“Жаноб” деса, бу - ору номус.

“Ҳазрат” ёки “господин”, “жаноб”

Тарих берди барига жавоб.

Ҳозирги кунга келиб, илгари СССР таркибида бўлган республикаларнинг мустақил давлатларга айланиши муносабати билан қизил сўзи янги салбий маъно касб этиб, собиқ Иттифок билан боғлиқ янги функционал-семантик синонимларни юзага келтирди: қизил империя, қизил салтанат (СССР), қизил босқин (инқилоб), қизил офат (колхозлаштириш), қизиллар дохийси (Ленин), қизил фашизм (СССР) каби.

Бир вақтлар кенг истеъмолда бўлган перифрастик функционал-семантик синонимлар умуман истеъмолдан тушиб, историзмларга айланди: бутун дунё пролетарларининг дохийси (Ленин), халқлар отаси (Сталин), революция рицари (Дзержинский), Ильич чироғи (электр), социал адолат жамияти (социализм), коммунизм мактаби (профсоюз), коммунизмнинг бошланғич мактаби (оила), капитализмнинг гўркови (пролетариат), инсониятнинг ёрқин келажаги (коммунизм) шулар жумласидандир. Мазкур перифрастик функционал-семантик синонимлар ўз вақтида илгари Иттифок таркибида бўлган барча халқларнинг тилига рус тилидан калькалаш орқали кириб келган эди. Иттифокнинг барҳам топиши билан рус тилида ва бошқа тилларда ҳам амал қилишини тўхтатди. Лекин бу функционал-семантик синонимлар исзиз кетмади. Ўзлари ўрнига ўша даврни, ижтимоий тузумни салбий баҳолайдиган янги функционал-семантик синонимларни юзага келтирди. Бир вақтлар қўштирноқсиз қўлланган Ильич чироғи функционал-семантик синоними қўштирноққа олинадиган бўлди, яъни киноявий тарзда қўлланмоқда: Фақат “Ильич чироғи”га ёлчиш қийин бўляпти-да, худди маҳалла аҳлининг бошқа иши йўқдай... (Туркистон, 92, 29 февраль).

Социалистик мусобақанинг кенг ёйилиши билан юзага келган Ғ.Ғуломнинг “Тирилган мурда” асарининг номи социалистик жамиятнинг ғоявий йўлбошчилари бўлган коммунистик партия вакилларига нисбатан қўлланди: ...КПСС Марказқўмининг Ташкилий бўлими “тобутдан товуш” чиқара бошлади. Наники товуш чиқараяпти, балки аста-секин “тирилган мурдалар” гўрдан чиқиб, ўзларининг ХХІХ қурултойига тўпланишди. (Ватан, 93, 13-сон). Бу жараён ҳали давом этади.

Узоқ пайтлар шахс номларининг эпитети сифатида қўлланган перифразалар (**инкилоб куйчиси, совет давлатининг асосчиси, халқлар отаси, пролетариат дохийси кабилар**) ўз амалини тўхтатди.

Шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, перифразанинг бир компоненти ўзгариб, бошқа денотатга кўчиш рўй беради. Бу ҳолни қадимдан тилимизда яшаб келган **йигитнинг қаноти** перифразаси ўрнига **деҳқоннинг қаноти** перифразасининг юзага келишини мисол тариқасида келтириш мумкин. Чунки қадимда от инсоннинг барча юмушларини енгиллаштиришга хизмат қилувчи улов эди. XX асрда унинг юмушларини техника ўз зиммасига олди. Натижада перифразанинг маълум ўзгаришлар билан бошқа бир денотатга мослашуви рўй берди.

Бадиий проза, поэзияда қўлланаётган перифразалар индивидуал-авторга хос бўлиб, уларнинг қўлланилиши бадиий нутқнинг етакчи хусусияти эмас, аммо ёзувчи бадиий ниятининг амалга ошувида метафора, ўхшатиш, метонимиялар каби муҳим роль ўйнайди, сўз санъаткорининг индивидуал-услубий томонларини ёритишда бошқа бадиий воситалар билан бир қаторда туради.

Бу жиҳатдан М. Шайхзода ижодида қўлланган перифразалар алоҳида диққатга моликдир.

Қадим **диёр сурати** бунга осиглик,

Гўё чанқоқ чўлларда эсар иссиқлик.

Диёр сурати перифразаси **карта** сўзининг функционал-семантик синоними сифатида қўлланган. Эътибор берилса, перифраза орқали китобхонда тасаввурлар уйғотилаётгани аниқланади. Карта маълум маънода суратни эслатади, диёр эса суратнинг аниқловчиси. Бунда қандайдир сурат эмас, шоир мансуб бўлган Ватан тушунчаси мавжуд. Карта тушунчасини ифода этган перифраза оригинал тарзда фикрнинг таъсирчанлигини таъминлаган.

Ёки:

Биз эрта ўлканинг

Текшириб юртин,

Ҳаммадан сўраймиз

Илм паспортин.

Илм паспорти перифразаси диплом тушунчасини ифода этмоқда. Бошқача айтганда, перифраза маълум подтекстга эга. Дипломни паспортга солиштиришнинг ўз асоси бор: **паспорт** инсоннинг (шахснинг) маълум бир давлатнинг фуқароси эканлигини белгиловчи ҳужжат. Уларнинг иккиси ҳам инсон фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Бу перифразада дипломни характерловчи, дипломни паспорт орқали баҳоловчи маъно нозикликлари ҳам ифодаланган.

Максуд Шайхзоданинг 1960 йилда ёзган “Осмонга етди бошимиз...” шеърида шундай мисралар бор:

Қани ким бўларкин коинот аро
Азалий манзиллар илк мусофири!
Қайда юрибдикан ҳозир ажабо, -
Фазо кемасининг у пассажири.

Бу шеър кеманинг космосда бўлиб, яна ерга қайтиши муносабати билан ёзилган. Мазкур воқеа инсонни космосга учуриш йўлида олиб борилаётган илк тажрибалардан бири эди. Диккатга сазовор томони шундаки, келтирилган парчадаги “азалий манзиллар илк мусофири”, “фазо кемасининг пассажири” функционал-семантик жиҳатдан **космонавт** сўзининг синоними бўла олади. Ҳали инсон қадами космосга етмаган пайтда рўй бериши мумкин бўлган воқеа мантиқидан келиб чиқиб, бу воқеани номлаш эҳтиёжи борлигидан шоир космонавт сўзи ифодаланиши зарур бўлган тушунчани перифраза орқали бера олган. Шоир қўллаган перифразалар **космонавт** сўзи ифода этадиган воқеа рўй бермасдан аввал юзага келди. Бу перифразаларнинг юзага келиши учун асос бўлган омилни аниқлашга уриниб кўрайлик.

Бизга маълумки, **мусофир** сўзининг семантикасида “ўзи истиқомат қилаётган жойдан, мамлакатдан олис ерларга борган киши” деган мазмун ётади. Ердан космик кемада космосга учган кишининг мусофир деб аталишига асос бор. **Илк мусофир** дейилиши эса **биринчи космонавт** тушунчасига жуда мос тушади.

Фазо кемасининг пассажири перифразасининг юзага келишига кеманинг пассажири тушунчаси мавжудлиги асос бўлган. Тўғри, мантиқ нуқтаи назаридан кемани бошқарувчи

киши пассажир дейилмайди, балки кема капитани дейилади. Агар биз шеър ёзилган пайтда космик кеманинг Ердан автоматик тарзда бошқарилганини ҳисобга олсак, шоир қўллаган **пассажир** сўзи жуда ўринли эканига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳозирги кунда **космик кема экипажи** тушунчасининг мавжудлиги келажакда **космик кема пассажири** тушунчасининг оддий бир ҳол бўлиб қолишига ишонч туғдиради.

Бундан кўринадики, бадий нутқда ижодкор бадий фантазиясининг ҳосиласи ўлароқ ҳозирда сўзнинг функционал-семантик синоними бўлувчи перифраза юз бериши мумкин имконият сифатида сўз ҳали пайдо бўлмасдан аввал ҳам юзага келиши мумкин экан. Шу билан бирга, мазкур мулоҳазалар перифразаларнинг, яъни сўзларнинг функционал-семантик синонимларининг юзага келишида хотира ва хаёл тасаввурларининг иштирок этишини яна бир бор тасдиқлайди. Демак, перифрастик функционал-семантик синонимлар ҳам психолингвистик омиллар таъсирида юзага келади. Улар тасвирда бир сўзни такрорлашдан қутқаришдан ташқари, эстетик функция бажаради, фикрнинг образлилигини, эмоционаллигини таъминлайди ҳамда тасвирга олинган воқеа ва ҳодисага нисбатан муаллифнинг муносабатини ҳам белгилайди.

§ 9. Эллиптик функционал-семантик синонимлар

Эллипсис ҳодисаси нутқда тил воситаларини иқтисод қилиш таъсирида муайян кўп компонентли birlikларда маълум компонентларнинг тушиб қолиши ва айни пайтда тушиб қолган компонентлар маъносининг сақланиб қолган компонент ёки компонентлар ўз зиммасига олиш орқали юзага келадиган birlikларни билдиради.

Мазкур ҳодисанинг моҳиятини очишга бағишланган ишлар ўзбек тилшунослигида анчагина (11; 12; 13; 15). Улардан М. Миртожиевнинг ва Н. Мамаатовнинг ишлари лисоний эллипсисларга бағишланган бўлса, Н. Маҳмудовнинг иши нутқий эллипсиснинг белги-хусусиятларини очишга бағишланган. Лекин мазкур ишларда эллипсис таъсирида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари юзага келиши очилмаган. Шунини

таъкидлаш жоизки, лисоний эллипсис таъсирида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари юзага келмайди, улар ўз номига эга бўлмаган денотатнинг номи сифатида тилнинг лексик бирликлари қаторидан ўрин олади. Нутқий эллипсис орқали эса сўзлар функционал-семантик синонимлари пайдо бўлади, чунки улар ифодалайдиган денотатнинг ўз номи тилда мавжуд бўлади. Натижада, нутқий эллипсис орқали ўзига хос тарзда қайта номлаш рўй беради. Нутқий эллипсис таъсирида сўзлар функционал-семантик синонимларининг маълум қисмининг юзага келиши табиий равишда рўй беради, маълум қисми нутқий вазият талаби таъсирида атайлаб юзага келтирилади. Масалан, Агар беморнинг **вақти-соати** яқинлашганини сезиб қолишса, уйдаги барча яқинлар рухнинг жасаддан ажралишига ҳалақит бермаслик... учун ундан йироқлашишди (Оила ва жамият, 94, 48-сон). Мазкур мисолдаги аслида **ўлиш вақти-соати** бирлигидан **ўлиш** сўзи атайлаб туширилган. Чунки ўлимни тилга олиш кишининг руҳиятига ёмон таъсир қилади, бунда - эвфемистик ифода мавжуд. Айни шу бирликнинг туғиш жараёни билан боғлиқлиги ҳақида Н. Маҳмудовнинг ишида ҳам тўхталиб ўтилган (12, 3).

Эллиптик функционал-семантик синонимларнинг юзага келиши табу билан ҳам алоқадордир. Масалан, мусулмон оилаларда эр ва хотин томонидан турмуш ўртоғининг исмини айтиш таъқиқланган. Бу ҳол унга нисбатан бегоналашувни англатган. Натижада, **онаси, дадаси, отаси** функционал-семантик синонимлари юзага келган.

Биз бу ўринда эллипсиснинг юзага келиши, қўлланиши ҳақида муфассал маълумот беришни мақсад қилиб қўймаганмиз. Шу сабабли эллиптик функционал-семантик синонимларнинг қайси компонентларида эллипсис рўй бериши юзасидан ўз таснифимизни келтираемиз.

1. Аниқловчи компонент эллипсисга учраган функционал-семантик синонимлар: **вақти-соати** (туғиш вақти-соати, ўлиш вақти-соати), **ой-куни** (туғиш ойи-куни), **онаси** (болаларнинг онаси), **отаси, дадаси** (болаларнинг отаси, болаларнинг дадаси) каби. Баъзи мисоллар: Ўшанда у ҳам келинидек ҳомиладор эди. **Ой-куни** яқин эди (С.Аҳмад. Ўйлар). **Адаси, Эртага** ишга

боришингиз керак, ётиб бир пас дамингизни олинг (Тошкент ҳақиқати, 94, 16 ноябрь). Аёлларнинг ишига аралашманг, **дадаси**. - Ҳазиломуз жавоб қилди умр йўлдошим (Тошкент оқшоми, 86, 12 май).

Келтирилган мисоллардаги функционал-семантик синонимлар **туғиши**, **эр** маъноларини ифодалаяпти. Нутқда уларнинг тўлиқ ҳолати ҳам учраб туради: **Болаларнинг отаси** қазо қилганда **саккиз болам билан қолувдим** (Оила ва жамият, 94, 16-сон).

2. Тўлдирувчи компонент эллипсисга учраган функционал-семантик синонимлар: **енгил бўлиб олмоқ** (юкдан енгил бўлиб олмоқ), **яксон қилмоқ** (ер билан яксон қилмоқ), **кўз юммоқ** (дунёдан кўз юммоқ) каби. Мисоллар: Қалай, Хотин! Эсон-омон **енгил бўлиб олдингми?** (Савдогар, 92, 11 ноябрь). **Янги бўшанган** аёлнинг кўлини қирқ кунгача иссиқ сувдан совуқ сувга урдиришмаган (Халқ сўзи, 91, 21 август). Одамлар рақ касали билан оғриб, бевақт **кўз юмаверсалар**, мен эса унинг малҳамини ушлаб ўтирсам, тўғри бўлармикин?! (Халқ сўзи, 92, 21 март). Уларнинг кўзлари фронт йўлида, кўллари меҳнатда, фронтчиларни зориқтирмаслик, душманни тезроқ **яксон қилиш** учун тинимсиз ишлар эдилар (С.Аҳмад. Тўлқинлар).

Мисоллардаги эллиптик birlikлар **туғмоқ**, **ўлмоқ**, **ўлдирмоқ** сўзларининг функционал-семантик синонимлари ҳисобланади.

3. Ҳол компонент эллипсисга учраган функционал-семантик синонимлар: **ўтириб чиққан** (қамоқда ўтириб чиққан), **ўтганлар** (дунёдан ўтганлар), **жони узилмоқ** (жони танадан узилмоқ) каби. Мисоллар: Олдин ҳам жиноят содир этган, бунинг учун маълум муддат **ўтириб чиққан...** кимсалар аста-секин бир-бирларини қоронғида топадилар... (Туркистон, 93, 17 апрель). Бояқиш қария “шилқ” этиб йиқилди, бир оздан сўнг **жон узилди** (Тошкент ҳақиқати, 94, 30 март). Не бўлса, бўлди. **Ўтганлар** ўтиб кетди (С.Аҳмад. Чевара).

Мисоллардаги эллиптик birlikлар **қамалган**, **ўлмоқ**, **марҳумлар** сўзларининг функционал-семантик синонимларидир.

4. Эга компонент эллипсисга учраган функционал-семантик синонимлар: **ўзида йўқ** (хуши ўзида йўқ), **ўзидан кетмоқ** (хуши

ўзидан кетмоқ), **учиб қолмоқ** (хуши учиб қолмоқ) каби. Мисоллар: Қизнинг келганини кўриб, кампир **ўзида йўқ** севинибди (Зумрад ва Қиммат). Қон кўп кетганидан Маматурди ҳам йикилиб қолади. Унинг хотини эрта қачон **ўзидан кетган эди** (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Зеби ташқарига чиқиб, тоза қор билан кўлини ювди, қорни юзларига суркади, жиндек еди. Анча шамоллаб ва енгиллаб кирган вақтда, мингбоши дастурхон ёнида аганаб **учиб қолган эди** (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

Мисоллардаги эллиптик бирликлар **беҳад, ғоят, жуда; хушсизланмоқ, беҳуш бўлмоқ** сўзларига функционал-семантик синоним бўлади.

5. Кўчирма гапли конструкцияларнинг эллипсисга учраши, фақат автор гапининг кесимигина сақланиб қолган функционал-семантик синонимлар ҳам бор: Чоғроқ анжуманда сўлоқмондай бир киши **дийдиёсини** бошлаб... (Адабиёт ва санъат, 94, 15 апрель). Бу орқали **ҳасрат** сўзининг функционал-семантик синоними юзага келган. **Деди-деди** орқали **ғийбат** маъносининг ифодаланиши ҳам шундай рўй берган.

6. Ўзлаштира гапларнинг эллипсисга учраши орқали ва ундан фақат аффиксина сақланиб қолган **миш-миш** ёрдамида **овоза, ёлгон** маъноси ифодаланиши ҳам кузатилади: Ялангликлар ўт билан қопланади. Кўпроқ ёввойи ўт, сассиқ алаф билан. Айтмоқчиманки, ахборот бўлмаган жойда **миш-мишлар** униб-ўрмалаб чиқади. Бизда фойдали **миш-мишлар** бўлмайди. **Миш-мишлар** фақат зарарли бўлади (Халқ сўзи, 92, 1 февраль).

7. Ўхшатишларда ўхшатма белгининг эллипсисга учраши орқали ҳам айрим сўзларнинг функционал-семантик синонимлари юзага келади: Чиндан ҳам, беш юз йил тарих учун **киприк қоққудек** бир фурсат (Ўзбекистон овози, 93, 11 ноябрь). Мустақиллигимиз эълон қилинганига эндигина икки йилдан ошди Бу муддат кўхна тарих учун **икки қошнинг орасидай** бир гап (Халқ сўзи, 93, 21 декабрь). Мазкур эллипсисга учраган бирликларнинг ҳар иккиси ҳам **қисқа** сўзи маъносининг кучайтирилган ифодасидир.

Эллиптик функционал-семантик синонимларда турли лисоний ва нолисоний омилларнинг бир-бирига ўтиб, чатишиб кетганини кузатиш мумкин. Уларда эллипсис ҳам, синекдоха,

метонимия ва метафоралар, табу ва эвфемизм каби ҳодисалар кузатилади: **тирнок, тирноққа зор, пешона, пешонада бори, пешонага ёзилгани, ёзмиш** кабилар **фарзанд, фарзандсиз, тақдир, қисмат** маъноларида кенг қўлланилади.

Демак, сўзларнинг функционал-семантик синонимлари эллипсис таъсирида ҳам юзага келади. Бунда тил бирликларидан бирикмадан тортиб, гапнинг турли кўринишларигача эллипсисга учрайди. Мазкур ҳодиса тилнинг синонимик ифода имкониятларини кенгайтиришда, нутқнинг таъсир кучини оширишда, нутқ предметини баҳолашда, янги-янги лексик воситалар билан бойишида ўз ўрни ва ўз вазифасига эга.

§ 10. Функционал-семантик синонимларнинг сўз туркумларига алоқаси

Сўзлар функционал-семантик синонимларининг у ёки бу сўз туркумига мансублиги уларнинг қайси сўз туркумидаги сўз билан синонимик муносабат ташкил этишига қараб белгиланади.

Инсон сўз орқали нарсаларни, уларнинг белгиси, миқдори, ҳолати ва ҳаракатини, ҳатто; ҳаракатнинг белгисини ҳам номлаганидек, сўзлар англатган денотатларнинг ифодавий номлари - функционал-семантик синонимларни ҳам яратган. Сўз тилда бирор туркумга мансуб экан, унинг функционал-семантик синонимлари ҳам айнан шу туркумга алоқадор бўлиши табиийдир.

Ўзбек тилида барча мустақил сўз туркумларига мансуб сўзларнинг, ҳатто, ёрдамчи сўз туркумларига мансуб сўзларнинг ҳам функционал-семантик синонимлари мавжуд. Қуйида уларга мисоллар келтирамиз.

1.. От туркумига мансуб функционал-семантик синонимлар: Қачонлардир **қанотли алоқачиларнинг** сони 30 мингдан ҳам ошиб кетарди (Тошкент оқшоми, 95, 12 июнь). - **Каптар. Қўли қисқалик** қилиб турган бўлса ҳам, таваккалчининг ишини худо ўзи ўнглайди, деб бўлажак уйнинг пойдеворини бошлаб юборди (Тошкент ҳақиқати, 95, 31 май). - **Ночорлик**. У ҳеч бир инсонга, раҳбарга **дийдиё** қилмади. Индамасдан катта футболни тарк этди (Оила ва жамият, 95, 20-сон). - **Ҳасрат**. Йигитлар гоҳида

йигитлик ориятини йўқотиб қўяди... Гоҳида деди-дедининг оркасидан кимларнидир ранжитади (Оила ва жамият, 95, 27-сон). - **Ғийбат**. Даре тўхтади, ҳамманинг **кўзи-қулоғи** менда, бир оз гапирганимдан сўнг домла ўтиролмай қолди... (Адабиёт ва санъат, 95, 12 май). - **Диккат**. Бундай дўппини олиб қўйиб, ўйлаб кўрган одам ҳозирги пайтда **тўртта деворни** тиклаб, кўчиб киришининг ўзи бўлмаслигини яхши билади (Тошкент ҳақиқати, 95, 31-май). - **Уй**.

2. Сифат туркумига мансуб функционал-семантик синонимлар: “Туркистон” газетаси бош муҳаррири! Сизга бу мактубни йўллаётган инсонлар дунёдаги **пенсонаси шўр** ота-оналар (Туркистон, 13,14 сентябрь). - **Бахтсиз**. Аждодлар тарихини ўзида акс эттирган бу бебаҳо ёдгорлик “**мана мен**” деган музейларнинг тўридан жой олиши турган гап (Туркистон, 93, 25 сентябрь). - **Машҳур**. Илоннинг **ёгини ялаган** бу одамлар олдида нафақат қишлоқи Юсупбой, бобосининг бобоси ҳам лаққа тушган бўларди (Тошкент ҳақиқати, 93, 25 сентябрь). - **Айёр**. Улар даврида **ўзига тўқ**, анча-мунча ер-сувларга эга бўлган эканлар (Қалб кўзи, 95, 4-сон). - **Бадавлат**.

3. Сон туркумига мансуб функционал-семантик синонимлар: Муборак пайғамбар ёшидан ошганга қарамай, касалликни тан олгиси йўқ, ҳамон **кўз очиб кўрган** касби - иқтисодчилик қилади (Қишлоқ ҳақиқати, 93, 5 октябрь). - **Биринчи**. **Кўз очиб кўрган** эримни бировга бериб, анграйиб қолиб кетганимга ҳали-ҳануз чидолмайман (Оила ва жамият, 93, 45-сон). - **Биринчи**.

Сон туркумига мансуб сўзлар функционал-семантик синонимларининг йўқ даражада эканлигини сонларнинг предметларнинг аниқ миқдорини, саногини, тартибини билдириши билан изоҳлаш мумкин.

4. Олмош туркумига мансуб функционал-семантик синонимлар: Мамлакагда қонун устивор. Қонун олдида **шоҳу гадо** бирдай жавобгар экан (Ўзбекистон овози, 92, 18 август). - **Барча**. Боя айтдим-ку сизга, эшон бованинг тили аччиқ, деб. **Битта-яримтанинг** думини босган бўлса, ёзган-да, тўғрими? (С.Сиеев. Мажнунтолнинг новдаси). - **Биров**. Хайрли ишларни ният этган Алихон тўра **катта-кичикни** сафарбар қилиб, фаолиятини

масжид-мадрасалар, мактаблар аҳволини яхшилашдан бошлади (Тошкент ҳақиқати, 91, 25 сентябрь). - **Ҳамма**.

Олмош туркумига мансуб сўзларнинг функционал-семантик синонимлари ҳам жуда кам миқдорни ташкил этади. Бу олмошнинг аниқ тушунча ифодаламаслиги, фақат ишора қилиши билан изоҳланиши мумкин. Ундан ташқари, олмош ўта мавҳум тушунча бўлиб, унинг тушунилиши вазият ва шароитга, контекстга боғлиқ, яъни симпрактик характердадир.

5. Равиш туркумига мансуб функционал-семантик синонимлар: Мен бу фикрни **икки қўлимни баравар кўтариб** қувватлайман (Халқ сўзи, 95, 23 июнь). - **Тўла**. Нималарни кўрган бўлса, қандай воқеаларга шохид бўлган бўлса, ҳаммасини **инидан игнасиғача** ёзди (Оила ва жамият, 95, 20-сон). - **Батафсил**. Етти нафар фарзанднинг отасиман. **Кимдандир** олдинда, **кимдандир кетинда** яшаб ўтгандим (Оила ва жамият, 95, 15-сон). - **Ўртача**.

6. Фезл туркумига мансуб функционал-семантик синонимлар: Янгилик эса, биласиз, осмондан тайёр холида тушмайди. У олим ва муҳандис миясига маълум бир ғоя сифатида келади ва обдон пишгандан кейингина **қоғозга тушади** (Туркистон, 93, 11 сентябрь). - **Ёзилмоқ**. Нокаментарлик бўлса ҳам айтишга тўғри келаётир - бултур жияним ўқишга кирган эди, лекцияларга қатнашмай талтайиб кетди. Мен бунга тоқат қилолмадим, **паттасини қўлига бериб юбордим** (Туркистон, 93, 24 август). - **Ҳайдамоқ**. Иситманинг зўридан анча ҳолсизланиб ётган бўлсалар-да, дам ётиб, дам ёстикқа суяниб, фикрларини баён этардилар, уларни **қоғозга туширдим** (Ўзбекистон овози, 93, 15 сентябрь). - **Ёзмоқ**. Беллашув тақдири бир неча дақиқада ҳал бўлди. Даврон полвон чил бериб, Эрали полвоннинг **курагини ерга теккизди** (Туркистон, 93, 24 август). - **Енгмоқ**. Бунинг устига бозор иқтисодиёти турмуш тарзимизга кириб келди-ю, ўғирликнинг бошқа турлари **палак ёза бошлади** (Туркистон, 93, 17 апрель). - **Ривожланмоқ, ўсмоқ**.

Сўзларнинг функционал-семантик синонимлари орасида боғловчи ва модал сўзларга мансублари ҳам бор: **Шунга қарамай** журналистларга ваъда қилинган имтиёзлардан ҳали-ҳануз дарак йўқ (Адабиёт ва санъат, 92, 7 февраль). - **Бироқ, аммо, лекин**. Ўрта Осиё темир йўлининг... Қорақўл бекати билан

Чоржўй бекати оралигидаги манзарани биринчи марта кўрган киши ёқа ушлаши, хангу манг бўлиши **турган гап** (Туркистон. 93, 21 сентябрь). - **Шубхасиз**.

Хуллас. сўзлар функционал-семантик синонимларининг аксарияти от, сифат, равиш ва феъл туркумига мансубдир. Сон ва олмош туркумига тегишли функционал-семантик синонимларнинг йўқ даражада эканлиги сонларнинг ўта аниқ тушунча ифодалаш билан, олмошларнинг эса мавҳум тушунча ифодалаш, тушунчаларга ишора қилиши ҳамда симпрактик характердалиги билан изоҳланади.

ХУЛОСАЛАР

Сўзларнинг функционал-семантик синонимлари шакл эътибори билан турли кўринишларда бўлади. Улар сўз, жуфт сўз, такрорий сўз, турли бирикмалар, содда гап, ҳатто, қўшма гап кўринишида ҳам бўлиши мумкин.

Сўзларнинг сўз функционал-семантик синонимлари нарса-ходиса, уларнинг белгиси, ҳолати, миқдори, ҳаракатидаги ўзаро ўхшашликлар асосида, яъни хаёл ва хотира тасаввурларининг уйғунлашуви асосида номи мавжуд денотатни бошқа бир денотатнинг номи сифатида банд сўз билан аташ (метафора), бутун билан қисмларнинг алоқадорлиги асосида бутунни қисм номи билан аташ ёки аксинча (метонимия), ўз номига эга бўлган денотатни бутун бир бирикманинг қисқарувидан қолган сўз орқали номлаш (эллипсис) таъсирида юзага келади.

Сўзларнинг жуфт сўз функционал-семантик синонимлари компонентлардан англашилган хусусий маъноларнинг бир умумий маънога бирлаша олиши асосида юзага келади. Бунда айримлик, хусусийлик ва умумийлик каби фалсафий категорияларнинг диалектик бирликда ва ўзаро алоқадорликда эканлиги ўзини намойиш этади. Шу билан бирга, сабаб ва натижа муносабатларининг бир-бирига ўтиб туриши ҳам кузатилади.

Сўзларнинг уюшиқ бўлак функционал-семантик синонимлари бирор ҳаракатнинг қандай юзага чиқишини, давомийлигини ёки нарса-ходисанинг белгисини характерлайди. Мазкур ҳолатда ҳам улар компонентдаги хусусий маъноларни бирлаштирувчи бир умумий маънога эга сўз билан синонимик муносабат ташкил этади.

Сўзларнинг ўхшатиш функционал-семантик синонимлари нарса-ходисанинг ёки ҳаракатнинг белгисини даражалаб ифодалашга хизмат қилади. Уларнинг қўлланишида икки ҳолат мавжуд: агар улар аниқловчи ва ҳол билан бирга келса, жуда, ғоят, ниҳоятда сўзлари билан синонимик муносабат ташкил этади, аниқловчи ва ҳол эллипсисга учраган ўринларда эса аниқловчи билан ҳолнинг маъносини ҳам ўз зиммасига олади ва айни вақтда даражалайди ҳам. Улар нутқ предметини

характерлайди, ифоданинг ранг-баранглигини, таъсирчанлигини таъминлайди.

Бир сўзнинг синтактик алоқага киришувидан юзага келган функционал-семантик синонимларнинг аксари белгини даража-лаб кўрсатишга хизмат қилиб, айти шу сўзларнинг ўзи билан синонимик муносабатга киришади. Агар синтактик алоқага киритилган сўз предметни англагач, айти шу предметлар сирасида бирини ажратиб кўрсатишга хизмат қилади.

Компонентлари **бир** сўздан ва **нумеративлардан** тузилган функционал-семантик синонимлар бутуннинг қисмини ёки бўлагини ифодалаб келганда, миқдор маъносини реаллаштириб, **оз**, **озгина** сўзларига синоним бўлади. Агар иккинчи компонент миқдор ва масофа ўлчови билдирувчи сўзлардан бўлса, **кўп**, **яқин**, **узун** сўзларига, **кенглик**, **микёс** билдирадиган сўзлардан бўлса, **кўп**, **кенг**, **чексиз**, **катта**, **ажойиб** сўзлари билан синонимик муносабат ташкил этади.

Сўзларнинг гап кўринишидаги функционал-семантик синонимлари ўз таркибига кўра содда ва қўшма гап кўринишида бўлишидан қатъи назар, сўзга синоним бўлади. Бир жиҳатдан улар ҳам қайта номлаш маҳсули бўлиб, денотатни характерлаш, у ҳақда тасаввурларни жонлантириш, баҳолаш, экспрессивликни таъминлаш хусусиятлари билан сўздан фарқ қилади. Бу эса уларнинг тез-тез қўлланиб, тил вакиллари лексиконидан барқарор жой олишини таъминлайди.

Содда гап кўринишидаги функционал-семантик синонимлар тилда кенг тарқалган бўлиб, улар асосан инсонга хос белги-хусусиятларни характерлашга, баҳолашга қаратилган birlikлардир. Шунинг учун ҳам уларнинг эга компонентлари инсоннинг ташқи ва ички аъзолари номларидан ташкил топади, кесим компонентлар эса ижобий ёки салбий баҳони юзага келтирувчи **тор**, **кенг**, **очиқ**, **қиска**, **калта**, **узун**, **юпқа**, **қалин**, **бўш**, **қора**, **оч**, **ўнг**, **катта**, **эгри**, **қинғир**, **ботир**, **боғлиқ**, **енгил**, **тўқ**, **ожиз**, **бутун**, **оқ**, **вазмин**, **бузук**, **бақувват**, **куруқ**, **совуқ**, **иссик**, **баланд**, **тез**, **каттик**, **гул**, **тош**, **дарё**, **бор**, **йўқ** сўзлари билан ифодаланади. Натижада улар инсонга хос ижобий ёки салбий белги билдирган сўзлар билан синонимик муносабат ташкил этиб, албатта, маънога интенсивлик юклайди.

Сўзларнинг қўшма гап кўринишидаги функционал-семантик синонимлари микдор жиҳатдан унча кўп бўлмаса ҳам, ўзи синонимик муносабат ташкил этаётган сўз маъносига жуда, **ғоятда, ниҳоятда, ўта даражада, асло, сира** маъноларини юклайди, ифодаланаётган белги ва ҳаракатни жонли тарзда тақдим этади.

Сўзларнинг перифрастик функционал-семантик синонимлари ҳам ўз номига эга денотатни қайта номлаш асосида юзага келади. Уларнинг фразеологик функционал-семантик синонимлардан фарқи шундаки, фразеологик функционал-семантик синонимлар нарса-ҳодисанинг белгисини, ҳолатини, ҳаракатини ифодаласа, перифрастик функционал-семантик синонимлар шахс, ўрин-жой ва нарса-ҳодисаларнинг ўзини ифодалайди.

Шахс ифодалайдиган перифрастик функционал-семантик синонимлар конкрет шахсларни уларнинг тарих, жамият олдидаги хизматларини таъкидлаш, баҳолаш орқали қайта номлайди. Уларнинг аксари ўзлари синонимик муносабатга киришаётган шахс номлари олдида контакт ҳолатда жойлашиб, эпитет характерида бўлади ёки бир матнда қўлланади.

Нарса-ҳодиса ифодалайдиган перифрастик функционал-семантик синонимларда қайта номлаш нарса-ҳодисаларнинг халқ хўжалигида тутган ўрни, даврга алоқадорлиги, инсон турмушидаги ўрни, соҳалар учун аҳамияти, ранги, материали, инсонга салбий ёки ижобий таъсири кабиларни таъкидлаш, баҳолаш орқали рўй беради. Уларнинг энг муҳим хусусиятлари - қўлланиш ўрни асосан оммавий ахборот воситаларида эканлиги ва тилдан тилга тез ўзлашувидир.

Сўзларнинг эллиптик функционал-семантик синонимлари тил воситаларини тежаш ҳисобига юзага келган бўлиб, улар орасида бирикма компонентлардан тортиб, гапнинг турли кўринишларигача эллипсисга учраган бирликларни кузатиш мумкин. Мазкур бирликлар табу ва эвфемизм каби ҳодисалар таъсирида ҳам юзага келади. Бундай функционал-семантик бирликлар тил бирликларининг ифода имкониятларини кенгайтиришда ўз ўрни ҳамда ўз вазифасига эга.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев А. Интенсивликни ифодаловчи формалар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1973, 1-сон. - 36-39-б.
2. Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. - М.: 1965. - 367 с.
3. Аликулов Т. Маъноларнинг синекдоха йўли билан фаркланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. -1993, 2-сон. -62-65-б.
4. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М.: 1969. - 357 с.
5. Балли Ш. Французская стилистика. -М.: 1961. - 394 с.
6. Голуб И.В. Стилистика современного русского языка.- М.: Высшая школа. 1976.- 208 с.
7. Долинина Ю. Туркий тилларда жуфт ва такрорий сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 3-сон.- 47-50-б.
8. Краткое методическое пособие по разработке и упорядочению научно-технической терминологии.-М.: 1979.-127 с.
9. Кубрякова Г.С. Типы языковых значений. Семантика слова.- М.: Наука, 1981.- 200 с.
10. Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. -Т.: Фан, 1977.-
11. Мамаатов Н. Қўшма сўзларнинг ясалиши // Ўзбек тили ва адабиёти.- 1979., 6-сон, -33-35-б.
12. Махмудов Н. Эллипсис в узбекском языке. Автореф. дис...канд. филол. наук.. - Т.: 1978,- 24 б.
13. Миртожиев М. Ўзбек тилидаги синекдоха ва унинг турлари // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар.- Т.: 1965.- 119-126 б.

14. Миртожиев М. Эллипсислар ва кўчма маъно // Ўзбек тили ва адабиёти.- 1973, 1-сон.- 57-61-б.
15. Миртожиев М. Ўзбек тилида эллипсис натижасида синекдоханинг содир бўлиши // Ўзбек тилшунослиги масалалари. ТошДУ илмий асарлари, 475- чиқиши.-Т.: 1975.- 59-67-б.
16. Моложай Г.Н. Перифразы в белорусском литературном языке. Автореф. дис...канд. филол. наук.- Минск, 1971.- 20 с.
17. Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари.- Т.: Фан, 1989.- 142 б.
18. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изохли фразеологик лугати.- Т.: Ўқитувчи, 1978.- 408 б.
19. Русский язык. Энциклопедия.-М.: Советская энциклопедия, 1979. - 438 с.
20. Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини. Докт. дис. автореферати.- Т.: 1993.-
21. Синельникова Л.Н. О сущности перифразы как функционально-семантической единицы речи // Вопросы грамматического строя современного русского языка.- М.: Наука, 1972.- с. 255-260.
22. Словарь иностранных слов.-М.:Русский язык, 1989.-623 с.
23. Умиров И. Ўзбек тилида парафразалар. Номз. дис. автореферати.- Т.: 1996.- 23 б.
24. Уткина В.П. Перифрастический оборот в русской художественной литературе//Изв. Крымского пединститута.- Симферополь, т.33, вып. №1, 1959,-с. 95-98.
25. Ўзбек тили лексикологияси.-Т.: Фан, 1981.- 314 б.

26. Ўзбек тили стилистикаси.-Т.: Ўқитувчи. 1983.- 248 б.
27. Қўчқортоев И. Сўз ва унинг валентлиги.- Т.: Фан, 1977.- 168 б.
28. Ғуломов А.Ғ. Феъл. Ҳозирги ўзбек тили курсидан материаллар. Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1954.- 88 б.
29. Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанликлари. Номз. дис. автореферати.-Т.: 1994.- 24 б.
30. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар.- Т.: ЎзССР ФА нашриёти. 1963.- 92 б.
31. Ҳожиёв А. Инкор ифодаловчи воситалар ва феълнинг бўлишсиз формаси//Ўзбек тили ва адабиёти.- 1970, 4-сон.- 49-53- б.
32. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1974.- 308 б.
33. Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши.-Т.: Ўқитувчи, 1979.- 80 б.
34. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1985.- 144 б.
35. Ҳозирги замон ўзбек тили.- Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1957.- 528 б.
36. Ҳозирги ўзбек тили.- Т.: Ўқитувчи, 1980.- 448 б.
37. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1979.- 368 б.

Босишга рухсат этилди 11.08.2008. Ҳажми 6 босма табак.
Бичими 60×84 1/16. Адади 100 нусха. Буюртма 345.
М. Улўзбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.

2500c

U